

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Ўзбекистон давлат Консерваторияси

Д.Ю.Саипова

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ

Маърузалар матни

Тошкент-2008

Такризи: профессор Р.Ғ.Қодиров

Ушбу «Педагогика назарияси ва тарихи» фани бўйича маъруза матнларида таълим-тарбия жараёнлари қонуниятлари, замонавий ўқитиш усуллари, ривожланган таълим тизимлари ва Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг хусусиятлари қамраб олинган.

Маърузалар матнида педагогика фанининг тараққиёти, ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичида белгиланган ижтимоий зарурат асосида вужудга келган таълим-тарбиянинг мақсад вазифалари, мазмуни, таълим-тарбия тизимлари, педагогик ғоялар, таълим-тарбия методлари ва шахс тарбияси концепциялари кенг миқёсда ёритилган. Маърузалар матнларидан педагогика олий ўқув юртлари талабалари фойдаланиш мумкин.

Тавсия этилган маъруза матнлари ўз олдига бўлажак мутахассисларни халқимизнинг ўзига хос маънавиятини руҳига мос тушадиган педагогик билим, кўникма ва малакалар билан мукаммал қуроллантириш орқали уларда миллий тафаккур, одоб-ахлоқ, тарбияни таркиб топтиришни мақсад қилиб қўяди. Ушбу маърузалар Республикамизда бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида талаб ва эҳтиёжларни, жамиятимиз истиқболи, халқимизнинг бой педагогик қадриятларини, ривожланган мамлакатларни таълим-тарбияга оид илғор тажрибаларини ҳамда ҳозирги замон педагогикаси фанлари назарияси ва амалиёти ютуқларини ҳисобга олган иймонли, эътиқодли, билимдон, касб-ҳунарли, келажаги буюк давлатимизнинг садоқатли фуқороларини шакллантиришнинг илмий услубий асослари билан талабаларни қуроллантиради.

ЎзДКнинг Илмий-услубий кенгаши томонидан кўпайтиришга тавсия этилган (2008 йил, 5-май, баённома № 5)

КИРИШ

“Педагогика назарияси ва тарихи» бўйича маърузалар матни бакалаврлар учун Ўзбекистон Республикасининг «Умумий касб таълими» блоки бўйича Давлат таълим стандартига асосланиб тузилган. Ўқув фани сифатида «Педагогика назарияси ва тарихи» педагогика ўқув-юрти талабаларини касбий-педагогика тайёргарлиги тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги даврда педагогика фанини ўқитиш бўлғуси ўқитувчиларда педагогик маданиятни ривожлантириш, уларда янгича тафаккурни таркиб топтириш, ўқитувчи-тарбиячи, ёшлар мураббийси вазифаларини ижодий бажариш, умумий тайёргарликни таъминлашга йўналтирилган.

Республиками Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1X сессиясида сўзлаган нутқида таъкидланганидек, «Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамларданок, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйхунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда»¹.

Педагогика назариясидан ҳар бир бўлғуси ўқитувчи-бакалавр, қайси фан мутахассиси бўлиб етишишидан қатъий назар ўқув-тарбиявий фаолиятни муваффақиятли олиб бориши учун зарур бўлган педагогик билимлар ва кўникмаларнинг умумий ҳажмини, ўқитувчи-мураббийга хос умумий касбий ва шахсий фазилатларни эгаллашлари лозим. Айни пайтда ўрта махсус ва касб ҳунар таълими ўқитувчиларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Шунга кўра ҳар бир мутахассис-ўқитувчи шахси ўзига хос бетакрордир ва бу ҳолат ўз навбатида бакалавр-бўлғуси ўқитувчиларни педагогикадан тайёрлаш мазмуни, умумий ва ўзига хос жиҳатлари ва алоқадорлиги ўзаро уйхунликда намоён бўлади.

«Педагогика тарихи» талабанинг умумпедагогик билим даражасини кенгайтиради, педагогик меросимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатади. Таълим ва тарбия назарияси ва амалиёти, тарбия ва таълим, унинг ривожланиш жараёни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ҳар бир тарихий босқичда илмий билимлар даражаси билан боҳлиқлиги тўхрисида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Бўлажак ўқитувчи педагогика тарихи курсини ўрганиш давомида бошқа психологик-педагогик ўқув фанлари, педагогик тушунчалар юзасидан фикр юритади ҳамда уларнинг моҳиятини тушуна боради.

Бунда маориф ва педагогиканинг ижтимоий тараққиёт талабига жавоб берганлиги, илмий тараққиёт бир бутун тарбия назарияси ва амалиёт экани ҳисобга олинади. Таълим амалиёти, шунингдек, таълимдаги ютуқларнинг муҳимлиги ҳам назарда тутилади.

У ёки бу педагогик концепциялар, таълимотларни тавсифлаганда шу таълимотлар ижодкорининг ҳаёти ва фаолиятидаги энг муҳим воқеаларни асос қилиб олиш назарда тутилади.

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. —Т.: Шарқ 1997. 5-6-бетлар.

Маърузалар маориф ва педагогика тарихини кишилик жамиятининг тараққиёти тарихи билан узвий алоқада баён этишга мўлжалланган. Педагогик фикр ривожланишини изчил ўрганиш бўлғуси ўқитувчиларга ҳозирги педагогика ўтмишининг илғор педагогикасининг узвий давоми эканлигини кўрсатиш келажак маориф ва педагогика тараққиёти йўналишларини англаб олишга ёрдам бериши керак.

«Педагогика назарияси ва тарихи» фанининг мақсад ва вазифалари

- Бўлғуси ўқитувчиларнинг ҳозирги замон педагогика фанининг назарий асослари билан қуроллантириш;

- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш шароитида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда таълим самарадорлигини ошириш учун уларда зарур кўникмаларни ҳосил қилиш;

- бўлғуси ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини шакллантириш негизини яратиш;

- педагогик фикрлаш қобилиятини таркиб топтириш;

- «Таълимнинг педагогик қонуниятлари ҳамда тамойиллари»га мос ҳолда тегишли қарорлар қабул қилиш;

- коррекцион махсус педагогика асосларини тушуниш;

- Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский ва бошқа мутафаккирларнинг таълимий-ахлоқий, умумбашарий қадриятлари, «қуръони Карим» ва «Хадиси Шариф»даги умуминсоний ва маънавий-ахлоқий тамойилларни ўрганиш;

- ҳозирги замон таълим технологияларини билиш ҳамда уларни амалиётда қўллай олишдан иборатдир.

1 - мавзу: Педагогика назарияси ва тарихи фанига кириш

«Халқимиз таянчи-аждодларимиз қолдирган маънавий меъросининг ўзи бир ҳазина. Бу ҳазинадан оқилона фойдаланиш лозим»

И. А. КАРИМОВ

«Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни, ўз тафаккуримизни номоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб, беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз мана шу юксак муносабат-ун бешинчи асрларда маърифатли дунё Бухорийлар, Фаргонийлар, Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар қанчалик иззат икром қилган бўлса, ХХІ асрда биз халқимиз миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Уша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклатиш зарур. Такрор айтиманки, бунга таълим-тарбия тизимини қайтадан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин.

Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотни чегараси ва поёни йўқ, токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам-тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабаларга кўра мутасил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверада». (Мулоқот № 5).

Бугунги кундаги таълим-тарбия мазмуни ва тизимидаги ислохотлар ижтимоий ҳаётнинг зарурий ходисаси. У жамиятнинг янада ривожланиш, жамият ишлаб чиқарувчи, кучларини меҳнат прогресторини инсоннинг ўзини унинг маънавий, жисмоний имкониятларини ривожлантириш учун зарурдир.

Республикамизда маориф тизими таълим-тарбия яъни белгиланган «миллий модель»нинг моҳияти жамиятимиз тараққиётида қанчалик муҳим роль уйнаса ҳар бир тирихий формацияларда ҳам ўз олдига қўйган мақсад вазифалари билан ёш авлодни тарбиялаб ўз даврининг тараққиётига ҳизмат қилган.

Демак, ҳар қандай жамият учун зарур бўлган ҳолда тарбия ўз мақсади ва вазифалари, ўзининг мазмуни, форма ва методлари бўйича ўзгариб борган. Жамиятда қандай ишлаб чиқариш устун ҳукмронлик қилишига қараб мазкур жамиятда ўз ролини бажариш учун муайян тайёргаликка эга бўлган кишилар талаб этилади. Бундай кишиларни тайёрлаш учун ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация ўз тарбия системасига эга бўлади. Бу система мазкур давр талабаларига мос келади. Бу талабалар жамиятнинг структурасига қараб каноатлаштирилади. Масалан: Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигидан сўнг «Таълим тўғрисида қонун» (1997), «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997). «Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида ДТСни жорий этиш тўғрисида» (1998) «Узлуксиз таълимнинг умумий ўрта таълим босқичида рейтинг тизимини жорий этиш» (1999 й. 13 У).

Кўриниб турибдики таълим тарбия мазмуни, мақсад вазифалари, улар заминида таълим тизими жамият билан бирга ўзгаради, синфий жамиятда синфий характер касб этади.

Демак педагогика тарихи курсининг предмети жамиятнинг турли босқичида, ёш авлодни тарбиялаш жараёни таълим-тарбия тизимини, услублари, шакллари тизимини ва мақсад вазифаларини тарихий принципи асосида ўрганади.

Педагогика тарихи фанини ўзлаштириш-маънавий-ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши инсон камолоти ҳақидаги ғояларни ниҳоятда пухта билишни талаб этади. Педагогика тарихи фани – кишилиқ жамияти тараққиётида ижтимоий ўзгаришлари билан боғлиқ ва таълим тарбиянинг янги йўналишлари ва бу йўлдаги тарбия пиллапояларининг тажрибаларига суянган ҳолда ҳар бир бўлғуси ўқитувчида педагогик билим, малака, кўникма ва маҳоратни, дидактик ва тарихий асарларни таҳлил қилиш ва уларга муносабат билдириш каби малакаларни шакллантиради.

Педагогика тарихи ижтимоий фан бўлиб унинг методологик асос ёш авлодни тарбиялаш анъаналарини жамиятнинг тараққиёти босқичидаги ўқитиш ва камол топтириш тизимларини уларнинг қонун-қоидаларини, қомусий мутафаккирлар, маърифатпарвар адиблар ва педагогларнинг таълим-тарбия, маърифатга доир ғояларини ва уларнинг ривожланишини мукамал ўрганадиган фандир.

Педагогика тарихи фани умумжаҳон, шу жумладан Марказий Осиё халқлари тарихидаги маънавият ва таълим-тарбия фанига оид фикрларни ўзлаштириш учун хизмат қилар экан. Бу фан ўтган авлодларимиз қолдирган бой педагогик манбалар ва уларнинг миллий асосларини ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, «Педагогика тарихи» бўлажак ўқитувчиларга билим берибгина қолмай уларда миллий ифтихор ва ғурур ҳиссини ҳам тарбиялайди. Чунончи юрт-бошимиз таъкидлаганидек, «Халқимиз таянчи-аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир ҳазина. Бу ҳазинадан оқилона фойдаланиш керак». (И. Каримов. Буюк мақсад йўлида оғишмайлик, Т. 1993 йил. 85-б)

Педагогика тарихи курси ўз олдида қуйидаги вазифаларни белгилайди:

1. Бўлғуси педагогик кадрларни асрлар жараёнида яратилган педагогик ғоялар мажмуаси билан таништириш;
2. Бўлғуси кадрларда тарихий хронологик асосида таълим-тарбия мақсад вазифалари билан таништириш;
3. Тарихий тараққиёт жараёнида таълим-тарбия тизими синфий характери билан таништириш;
4. Жамиятнинг турли босқичларида илмий-назарий педагогик қарашларни эгаллаш;
5. Турли босқичларда шахс камолати концепцияси ва уни бугунги кун мактаб-маориф тизими, унинг мақсад вазифалари билан қиёслаш малакасини шакллантириш;

6. Аждодларимиз яратган маънавий меросларимиз умуминсоний ва миллий қадриятларимиз билан таништириш;
7. Жамият тараққиётининг турли босқичларда таълим-тарбия мазмуни ёритиш;
8. Турли шаклларда таълим-тарбия услублари ва воситаларини эгаллаш;
9. Тарихий жараёнларда ғоялар-маориф тизими мазмуни, халқ анъаналарининг ўрганиш орқали талабаларга ватанпарварлик туйғусини шакллантириш.
10. Педагогика тархи таълим мазмуни ва замонавий таълим мавзуни, таълим-тарбия соҳасидаги Давлат меъёрий ҳужжатлари, уларнинг моҳияти билан боғлаш;
11. Ривожланган давлатлар мактаб-маориф тизими ва Республикамиз маорифини қиёсий ҳолда ўрганиш;
12. Педагогика тарихи илми мазмун асосида бўлғуси педагогларнинг ижодий педагогик тафаккурини шакллантириш.

Президентимиз И. А. Каримов «Янги уй курмай туриб эскисини бузма» асарида таъкидлаб ўтганидек, эски мактабдан салбий ва фойдали нарсаларни фарқ қила билиш ҳамда эски маориф системасидан бугунги кун маорифи учун фойдали нарсаларни танлаб олиш, яъни утган маориф тажрибаларини танқидий ўрганиш педагогика тарихи курсида ўрганилади.

Педагогика тарихи курсида утмиш педагогларининг таълимоти билан бир қаторда машҳур философлар, ёзувчи ва жамоат арбобларининг педагогик қарашлари ҳам анализ қилинади. Улар профессионал педагогик бўлишганлари ҳолда тарбиянинг мақсади ҳаёт вазифаларини кўрсатиб баъзи услубий масалаларни ишлаб чиқариб, педагогика назариясининг ривожланиши учун кўп иш қилганлар. Бу йуналишимизда талабалар кўплаб илмий тарихий бадиий асарларни ўрганадилар ва таҳлил қиладилар. Педагогика тарихий касбий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари муҳим умумий маданий аҳамиятга эга, чунки у талабаларда ўзлари учун кадрдон бўлган предмет орқали инсоният тафаккури тарихи, ижтимоий тараққиёти тарихи билан яқиндан танишишга ёрдам беради.

Педагогика тарихи мазмуни қуйидаги даврларни ўз ичига олади:

1. Ибтидоий жамоа тўзими давридан то ривожланган чет элдаги педагогик фикрлар, мактаб-маориф тизими мазмуни мақсад вазифалари;
2. Ўрта Осиёда қадим замонлардан бошлаб то мустақил даврига қадар мактаб маориф тизими, таълим-тарбия мазмуни, услуб ва шакллари;
3. Ғарб Уйғониш даври, мактаб маориф тизими, унинг мазмуни, мақсад вазифалари
4. Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати, унинг мақсад вазифалари ва мазмуни.
5. Мустақил Ўзбекистон Республикаси мактаб маориф тизими, унинг мақсад вазифалари.
6. Ривожланган чет эл мактаб маориф тизими, таълим мазмуни, ўқитиш услублари ва воситалари.

Педагогика тарихи фанини ўзлаштириш-маънавий-ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши инсон камолоти

ҳаққидаги ғояларни ниҳоятда пухта билишни талаб этади. Педагогика тарихи фани – кишилик ҷамияти тараққиётида ижтимоий ўзгаришлари билан боғлиқ ва таълим тарбиянинг янги йўналишлари ва бу йўлдаги тарбия пиллапояларининг тажрибаларига суянган ҳолда ҳар бир бўлғуси ўқитувчида педагогик билим, малака, кўникма ва маҳоратни, дидактик ва тарихий асарларни таҳлил қилиш ва уларга муносабат билдириш каби малакаларни шакллантиради.

Педагогика тарихи ижтимоий фан бўлиб унинг методологик асос ёш авлодни тарбиялаш анъаналарини ҷамиятнинг тараққиёти босқичидаги ўқитиш ва камол топтириш тизимларини уларнинг қонун-қоидаларини, қомусий мутафаккирлар, маърифатпарвар адиблар ва педагогларнинг таълим-тарбия, маърифатга доир ғояларини ва уларнинг ривожланишини мукамал ўрганадиган фандир.

Педагогика тарихи фани умумжаҳон, шу жумладан Марказий Осиё халқлари тарихидаги маънавият ва таълим-тарбия фанига оид фикрларни ўзлаштириш учун хизмат қилар экан. Бу фан ўтган авлодларимиз қолдирган бой педагогик манбалар ва уларнинг миллий асосларини ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, «Педагогика тарихи» бўлажак ўқитувчиларга билим берибгина қолмай уларда миллий ифтихор ва ғурур ҳиссини ҳам тарбиялайди. Чунончи юрт-бошимиз таъкидлаганидек, «Халқимиз таянчи-аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир ҳазина. Бу ҳазинадан оқилона фойдаланиш керак». (И. Каримов. Буюк мақсад йўлида оғишмайлик, Т. 1993 йил. 85-б)

Педагогика тарихи курси ўз олдида қуйидаги вазифаларни белгилайди:

1. Бўлғуси педагогик кадрларни асрлар жараёнида яратилган педагогик ғоялар мажмуаси билан таништириш;
2. Бўлғуси кадрларда тарихий хронологик асосда таълим-тарбия мақсад вазифалари билан таништириш;
3. Тарихий тараққиёт жараёнида таълим-тарбия тизими синфий характери билан таништириш;
4. Ҷамиятнинг турли босқичларида илмий-назарий педагогик қарашларни эгаллаш;
5. Турли босқичларда шахс камолати концепцияси ва уни бугунги кун мактаб-маориф тизими, унинг мақсад вазифалари билан қиёслаш малакасини шакллантириш;
6. Аждодларимиз яратган маънавий меросларимиз умуминсоний ва миллий қадриятларимиз билан таништириш;
7. Ҷамият тараққиётининг турли босқичларда таълим-тарбия мазмуни ёритиш;
8. Турли шаклларда таълим-тарбия услублари ва воситаларини эгаллаш;
9. Тарихий жараёнларда ғоялар-маориф тизими мазмуни, халқ анъаналарининг ўрганиш орқали талабаларга ватанпарварлик туйғусини шакллантириш.

10. Педагогика тархи таълим мазмуни ва замонавий таълим мавзуни, таълим-тарбия соҳасидаги Давлат меъёрий хужжатлари, уларнинг моҳияти билан боғлаш;
11. Ривожланган давлатлар мактаб-маориф тизими ва Республикамиз маорифини қиёсий ҳолда ўрганиш;
12. Педагогика тарихи илми мазмун асосида бўлгуси педагогларнинг ижодий педагогик тафаккурини шакллантириш.

Мустақил ижодий иш № 1

1. Ўзбек халқ оғзаки ижодини ва Марказий Осиё мутафаккирларининг таълим-тарбия масалаларига доир адабиётлар руйхатни тузиш.
2. Президент И. Каримов. Тарихий ҳотирасиз келажак йўқ. «Мулоқот» журналидаги интервьюни ўрганиб чиқиш.

2 - мавзу: Педагогика назарияси

ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСЧИЛАРИ

Абу Али Ибн Сино Х-асрнинг охири XI асрнинг бошларида яшаб ижод этган мутафакирдир. Ибн Сино 16 ёшидан бошлаб барча фанлар соҳасида мустақил мутолаа қила бошлади. Бу даврда у кундузлари тинмай, кечалари ухламай китоб ўқишга киришади. Бу кезлари брон кеча ҳам кун давомида ухлამас эди, кундузлари ҳам бошқа нарса билан шуғулланмас эди. "Кечқурунлари олдимга чироқни қўйиб олиб, то уйку босгунча ўқиш ва ёзиш билан банд бўлар эдим. Ухлаётган вақтимда ҳам ўша ўнгимдаги масалаларни кўрар эдим. Шу тахлитда кўп масалалар тушумда аён булур эди. Шундай қилиб ҳамма илимларни мустаҳкам эгаллаб олдим. Инсоннинг қобилияти имкон берар даражада улардан хабардор бўлдим".

Шу сабабли у 18 ёшида етук олиб бўлиб етишди. Ибн Синонинг ижодий фаолиятини ўрганувчи олимларимиз уни 300дан ортиқ илмий асарлар ёзганлигини аниқладилар. Булардан 58таси фалсафа, 20таси тиббиёт, 11таси астронимия, кимё, физика ва бошқалар, 4таси шеърятга, 2таси педагогикага доир эди. Ҳамма асарларининг негизида инсон, унинг камолоти ва тарбияси масалалари алоҳида ўрин эгаллаган.

Ибн Сино ўз тарбияси системасини яратди, бунда одоб, астрономия, тиббиёт, мантиқ, фалсафа, табиатшунослик, тил ва унинг грамматикаси, мусулмон қонуншунослиги фанларини киритди.

У тарбия жараёни ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик ва меҳнат (хунар ўргатиш) тарбияларининг бир бутунлигини ташкил этади деб кўрсатган эди. У мактабда ўқиш, тарбия ишларини жамоат тарзида ташкил этиш ғоясининг олға сурди, ўқитиш жараёнини дидактик асосларини яратди.

Унинг фикрича болани китобга банд қилиб қўймаслик, ўқиш секин-аста, енгилдан оғирига қараб бориш орқали олиб борилиши керак. Ўқитувчилар билан олиб бориладиган машқлар уларни ёшига мос бўлиши керак. Ўқувчиларнинг майил ҳамда қобилиятларини ҳисобга олиш зарур.

Ибн Сино этика ва ахлоқий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда чуқур ёритиб берди. У доимо инсондаги яхши сифатларини кўра олди. Яхшилик, одобли бўлиш, камтарлик ва инсонийлик масалаларига кўп асарларида тўхталиб ўтган эди.

Айниқса, Ибн Сино оила тарбиясида ота-онанинг ўрнини алоҳида кўрсатади. Бола туғилгач аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни тарбиялаб, яхши тарбия қилиши керак, - деб таъкидлаган эди.

Ибн Сино "Китоб- ал Қонуни фит-тиб"(Тиб қонуни)"Донишнома""Хай як Якзон" қиссаси,"Хидоят","Клунч","Рисола - тул тайр","Тадбири манозил" ва бошқа асарларидан ўзининг педагогикага доир қарашлари ва таълимотларини баён қилади.

Фаробий манбаларда "Ал-файласуф ут-туркий" деб юритилади. Фаробийнинг миллати дарҳақиқат турк бўлиб, Мовороуннахрда Фарб вилоятининг Васиж қишлоғидаги хижрий 257 (милодий 870) йилда туғилгани, отаси армия кумондони бўлгани айтилади. Фаробий даслаб Марвда тахсил

кўрган. Кейин Боғдодга кетди. Фалсафага теран бир қизиқиши бор эди. Абу Машр Моттабин Юнусдан мантиқ дарси олди. Ораликда бир бора Харронга кетди. Сафарда Юхонна бир Хайлон билан танишди. Ундан мантиқ ва фалсафа илмини ўрганди. Илм таҳсилини қаттиқ севганидан фалсафий маданиятни ортириш учун яна Боғдодга кайтди; Юнон файласуфини ва айниқса Арасту (Аристотель)нинг асарларини синчиклаб ўрганди. Ислом илмиларини ҳам яхши билар эди. Яхшилик қилишни севар эди. Халифа МутаDIR замонида атрофига зиё тарата бошлади.

Талай фалсафий асарлар ёза бошлади. Баъзи асарларни ҳам қулай англашилсин дея шарх этди. Бир асно Шом (Сурияга) ва Мисрга кетди. Шомга қайтди. Халаф (Алеппо) ва Шом ҳудудларининг султони Сайф ад-Давлат Фаробийга кўп ҳурмат кўрсатади. Нихоят Фаробий хижрий 339 (милоди 950) йилда ҳаётдан кўз юмди. Ундан жуда кўп асарлар мерос қолган. Турли илм соҳаларида замоннинг энг машхур олими эди. Айниқса, фалсафа, мантиқ, психология, мусиқа, математика ва тиб билимларига доир тадқиқотлари билан кенг шухрат қозонган.

Абу Наср Ал Фаробий қаламига мансур асарлари 160 дан ортиқдир. Улар "Талхису Навомису Афлотун" (Афлотун қонунияларини моҳияти) "Нуфузли шаҳар аҳолисининг маслағи", "Бахт саодатга ёришувчи рисола" ва ҳакозолардир. Ал Фаробий ўзининг кўп қиррали ижоди билан келажак авлодни билим ва маданиятга эришишида инсон камолотига алоҳида эътибор берди.

Фаробий инсоннинг қадр қимматига, унинг ақл закованининг ижодий ва бунёдкорлик кучига юксак баҳо беради: инсон Фаробий учун шунчаки биологик бир мавжудод эмас, у ўз моҳиятига кўра ақл идроки туфайли ҳайвонот дунёси чегараларидан ташқарига чиқади. Унинг ақл идроки меҳнати билан бир каторда уни ижтимоий жиҳатдан фаол қилиб қуйяди. Инсоннинг ҳаёти стихияли тарзда кетиши мумкин эмас. Бу ҳаёт онгли ва аниқ мақсадни кузлаган бўлиши, фақат шахсий эмас балки, ижтимоий аҳамиятга ҳам молик бўлиши лозим.

Фаробий педагогик карашларида инсоннинг барча ахлоқий имкониятлари (яхшилик ва ёмонлик, фойда ва зарар ҳақидаги мулоҳазаларни) бахтга эришишдан иборат бирдан бир мақсад меваси деб билади. Унинг фикрича бир кишининг бахти бошқаларнинг шахсий роҳат фароғатига эришишнинг зарур шартидир. Ижтимоий ва шахсий жиҳатларнинг бирлиги орқалигина ялпи бахтга эришилади.

Фаробийнинг фикрича барча ахлоқий нормалар ва қоидалар, яхши ёки ярамас, ижобий ёки салбий, ахлоқий хатти ҳаракатлар, ҳуллас инсоннинг барча ҳаракатлари унинг уз бахтига эришишига қандай муносабатда бўлиши билан баҳоланади.

Абу Райхон-Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний Хоразим пойтахтида 362 йилда милодий 973 йилда тугилган. Унинг тарбияси билан Абу Наср Ирокий шуғулланади. У устози ёрдамида қуёшнинг энг тик ҳолатини ўрганади, ҳамда глобус яратади. Беруний форс ва араб тилларини чуқур ўрганиб замонасида арабчанинг фан тили сифатида мавқе қозонганини алоҳида таъкидлаган.

Арабча шеърлар ёзган Беруний араб тилига кирган ахнабий атамалар устида тўхталган. Беруний "Ўтмиш ёдгорликлари", "Хоразмнинг машхур зотлари", "Геодезия", "Минералогия", "Ҳиндистон", "Қонуни Маъсудий" ва бошқа асарлар яратади.

Берунийнинг асарларида улуғ олимларга хос икки хусусият бор:

1. Ҳур ва бетараф муомалада бўлиш.
2. Мусбат билимга номувофиқ ва ақлга уйғун бўлмаган бўш ва асосдир фикрларга боғланиб қолмаслик. Мавзуни танқидий зехн билан тадқиқ этмоқ, етарли далиллар топилигидан кейин ҳақиқатни тасдиқламоқ лозим.

У инсоний кадр қийматини улуғлаган, инсонларни ишонч ва маъмурликлари бир-бириникидан фарқ қилишга диққатни тортган, аммо дунё маданияти такомил ва шу ранг-баранглик натижасида бунёд бўлганлигини тасдиқлаган. Унинг фикрича инсонлар уч сабаб бахтизликка дучор бўладилар:

1. Инсон ер юзида яратилганлар орасида энг мумтозидир. Аммо инсонлар кизганчилик сабаб билан бир-бирининг кулларида бўлган нарсаларга куз тикадилар. Бу ҳам ижтимоий ҳузурсизликка сабаб бўлади.
2. Уз ишончини, мансабини ва кабиласини бошқалардан устун қуймоқ инсонлар орасида нифокларга йул очадилар.
3. Хурофотлар ва буш (асоссиз) ишончсизлик инсонликнинг такомиллини орқага сурмоқда ва тушунмовчиликларни юзага келтирмоқда.

Беруний фалсафа билан ҳам машгул бўлган. Ҳинд, Юнон ва Ислом фалсафасининг баъзи мавзуларини муқояса қилган. Фалсафага у барча илм натижаларининг системага солигани деб қараган ва инсонни бахт соадатга етакловчи бир билим соҳиб деб ҳисоблаган.

Беруний ахлоқ тарбиясига катта аҳамият берган. Унга кура мардлик, жасорат фақат ўзини эмас бошқаларни ҳам уйламоқдир.

Беруний замонасининг турли билимлари тўғрисида теран тадқиқотлар қилган. Дунёда кам учрайдиган олимлардандир. 1153та асар ёзган.

Таянч иборалар:

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов "Ўзбекистон мустақил тараққиёт йулида" Т.1994 йил.
2. И.А.Каримов "Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори"
3. "Ўзбек педагогикаси антологияси" Т. "Ўқитувчи" 1995 йил.
4. А.К.Мунавваров "Педагогика" Т.1996 йил.
5. А.А.Ибн Сино "Таълим-тарбия тўғрисида".

3 - мавзу: Таълим бериш ва ўқитиш назарияси

Режа:

1. *Дидактика ҳақида тушунча.*
2. *Билим-таълим жараёнининг методологик асосидир.*
3. *Таълим жараёни ва унинг икки томонлама хусусияти.*
4. *Таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари.*
5. *Таълим назариясининг асосчилари (Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Ушинский, Каменский, Ж.Ж.Руссо, Пестолоцци).*

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, «Дидайко»-ўқитиш, «Дидаскол»-ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан.

Дидактика педагогиканинг таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, ўқитиш, ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан.

«Дидактика»нинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади. Таълим назарияси таълим жараёнининг тушунчаси ва моҳиятини, таълим қоидаларини, услублари ва ташкилий формаларини ўз ичига олади. Дидактика ўз олдига Ўқитишнинг талабаларнинг ҳар томонлама тарбиялаш мақсадларига жавоб берувчи умумий қонуниятларини билиб олиш вазифасини қўяди. Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат.

Демак, дидактика педагогиканинг «нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш» ва «қандай ўқитиш» каби саволарига жавоб излайди. Умумий дидактика эса, ўз навбатида, айрим ўқув фанларига оид усуллар билан жуда мустаҳкам боғланади. Шу усуллар маълумотига таяниб, ўқитишнинг умумий қонуниятларини ечиб боради ва айни вақтда ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.

Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни умумий билимлар, кўуникма ва малакалар системаси билан қуроллантиришдан иборат. Билимлар одамларнинг ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида тўпланган умумлашган тажрибасидир. Илмий билимлар объектив оламнинг анча тўғри акс эттиради. Илмий билимлар доимий эмас, улар ҳамиша ўзгариб туради ва такомиллашиб туради.

Билимлар асосида ўқувчиларнинг қулатувчанлик, тафаккур, хотира сингари билиш қобилиятлари ривожланади, уларда эътиқод ҳосил бўлади, илмий дунёқарашни шакллантирувчи ғоялар системаси таркиб топади.

Таълим жараёнида брор фан соҳасида инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак, деб уйлаш мутлақо нотўғри булур эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим нарсалар фанларнинг асослари урганилади.

Таълим жараёнида ўқувчилар билимлар системасини эгаллабгина қолмайдилар, балки бир қанча кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар. Мактабларимизда таълим мазмуни такомиллаштириб борилаётган ҳозирги вақтда ўқувчиларда хилма-хил кўникмаларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилмокда.

ДИДАКТИКАНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Кўникмалар - мактаб ўқувчиларининг олган билимларига асосланиб куйилган вазифалар ва шартларга биноан бажарадиган ҳаракатларнинг йигиндисидир. Демак, кўникма ҳосил қилиш, меҳнат қилиш йуллари ва усуллари билиб олиш ўз билимларини амалда қўллай билиш демакдир.

Кўникмалар муайян вазиятдагина эмас, балки даслабки шарт-шароитлар ўзгарган вақтда ҳам маълум хатти-ҳаракатлар қилиш қобилияти билан характерланади.

Педагогика ва психологияга оид илмий тадқиқотларда кўникмаларни эпчиллик, ҳар томонламалик, илгари муҳим хоссалари ҳақида фикр юритилади. Бу хусусиятлар ўқувчига ҳар гал янги шароитда керакли хатти-ҳаракатлар қила олиш учун зарур. Масалан: ўқувчи план тузиш кўникмасини эгаллаб олганидан кейин ҳар қандай тексни ҳам планини туза оладиган бўлади.

Меҳнат кўникмалар ҳам худди ана шу сифат билан ажралиб туради. Скамейка яшаш кўникмаси фаолият натижаси ҳақидаги аниқ тасаввурни, уни планини фикран белгилаб олиш, материални характери билан боғлиқ эҳтимол тугилган кийинчиликларни олдиндан кура билишни уз ичига олади.

Табиийки кўникмада фойдаланиладиган билимлар ҳам шундай бўлмоғи лозим. Бу таҳлил қилиш, бир буюмни бошқаси билан таккослаш, диққатни асосий нарсага жалб этиш, ўз ишини намуна билан солиштириб кўриш, ўз иши ва ўртоқлари ишининг сифатига баҳо бериш кўникмасидир.

Кўникмаларни билимлар билан аралаштириб юбориш ярамайди. Ҳар қандай кўникма ҳам билим бўлишини талаб этади. Аммо билимнинг кўникма билан боғланиши шарт эмас. Билимлар фикр мулоҳазаларда кўникма эса асосан хатти-ҳаракатларда ифодаланади. Бу хатти-ҳаракатлар ақлий ёки мускул хатти-ҳаракатлари бўлиши мумкин.

Малака - онгли хатти-ҳаракатларнинг автоматлаштирилган таркибий қисми. Малака бир хатти-ҳаракатларни ўзини бир хил шароитларининг ўзида кўп марта такрорлаш натижасида ҳосил қилинади. Масалан: устахонади утказиладиган меҳнат машғулотларида болта ёрдамида темир кесиш малакаси қўл билан қилинадиган бир хил ҳаракатларини кўп марталаб такрорлаш вақтида ҳосил бўлади. Бунда фаолиятнинг қисман автоматлашуви юз беради. Лекин ҳаракатни батамом автоматлашган нарса деб тасаввур этиш ярамайди. Чунки хатто дурустгина таркиб топган малакани ҳам онгли маълум даражада назорат қилиб туради.

Темир кесиш пайтида ўқитувчи болтани қандай ушлаш кераклигини қўллари ҳаракатланиши қандай бўлиши, қаерга қараш кераклигини тушунтиради. Бинобарин, даслабки пайтларда ўқувчи ўқитувчининг тайинланган гапларини унутмасликка ҳаракат қилади. Кейинчалик эса онг томонида бўладиган назорат зайифлаши, ҳаракатлар автоматлашиб кетади. Малака қанчалик пухта бўлса одам ишни шунчалик тез ва тўғри бажаради.

Кўникма ва малакаларнинг умумий ҳамда фарқ қилувчи томонлари бор. Умумийлик шундаки, кўникмалар ҳам малакалар ҳам ўқувчиларни олган билимлари асосида қилинадиган фаолиятларини ташкил этади, бошқача қилиб

айтганда бу билимлар амалиётга ўтади. Фарқи шундаки, ўқувчиларнинг фаолияти ҳар хил характерда бўлади.

Ўқувчиларда ҳосил бўлган кўникмалар, малакалар янги кўникма ва малакалар таркиб топтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бунда таъсирни психологлар малакалар ва кўникмаларнинг кўчиш ходисаси деб айтадилар. Кўчиш ходисаси эса мактаб ўқувчиларининг билиш фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Агар мактаб ўқувчилари кўпайтириш жадвалини яхши билмасалар оғзаки ҳисоблаш жараёнини ўзлаштириб олишда кийналадилар. Бинобарин, ўргатиш ишини шундай ташкил этиш керак-ки, ўқувчиларнинг илмий билимлар олиш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёни узвий бирликда ўтсин, ҳамда мактаб дастурларида муайян ёшдаги ўқувчиларининг анатомик-физиологик ва психологик хусусиятларига мос системада қатъий амал қилинсин.

Таълим - диалектик тарзда тараққий этиб борадиган ички зиддиятлар жараёнидир. Унда ҳамиша бир томон ва унинг қарама-қаршиси бўлган ўқиш ва ўқитиш, эскилик ва янгилик, яққа ва умумий нарсалар мавжуд.

Таълим жараёни икки томонлама бўлиб, унда икки шахс ўқитувчи ва ўқувчи бўлади. Улар муайян жараёнгина хос бўлган муносабатда бўладилар. Ўқитувчи билан ўқувчи бир - бирига мутлақо зид ролларни ўқитиш ва ўқиш ролларини бажарадилар. Таълим бериш ўқувчиларга билим бериш, уларда кўникмалар ва малакалар ҳосил қилиш янги ҳақиқатларни оча олишга қодир бўлган ижодий, мантикий тафаккур тарбиялашдир.

Ўқиш ўқувчиларни ўзлаштириш, ўзида билиш қобилияти, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик эмас, балки ўқувчига номаълум бўлган ҳақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Ўқиш жараёнида ўқувчилар ўзлари мустақил равишда билимлар эгалашларида улардан фойдаланиш кўникмасини мужасамлаштириш ақлий ҳамда жисмоний меҳнат маданиятини ҳам эгаллайдилар. Ўқувчи материални ўрганишга киришаётганда ҳали унинг қанақа материал эканлигини билмайди. Ўрганганидан кейингина у материални била олади. Шундай қилиб ўқиш билмаслик ва билиш зиддиятларининг бирлигидир.

Бу дунёда не-не даҳолар яшаб ўтмаган... Сабоқларга бой ўтмишимизда Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аллома бобокалонларимиз тиббиёт, мантиқ, мусиқа, адабиёт, география, риёзиёт каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олга сурдилар. Кайковуснинг «Кобуснома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Ахмад Югнакийнинг «Хибат ул-хақоқийк», Алишер Навоийнинг «Махбуб-ул-қулуб» (Кўнгиллар севгиси) асарларида илғор педагогик қарашлар ҳам ифодаланган. Улар дунёвий таълимни кенг ривожлантиришга катта хисса қўшдилар.

Шарқ халқлари педагогикасининг буюк алломаси Юсуф Хос Хожиб «Қутадғу билиг» асари орқали илм-фан, маърифатнинг аҳамияти, таърифи ва тавсифида одамларни тинмай илм олишга, билим ўрганишга ундади. Дунёдаги барча хайрли ишлар, эзгу амаллар негизида илм-фан ётади, илм зиёси туфайли

жаҳолат зулмати ёзилади, фикр равшанлашади, оламга рўшнолик таралади. Хар бир соғлом фикрли одам дунёнинг борлик ишларидан огоҳ бўлиши, бунинг учун тинмай билим олиши, маорифатга интилиши керак.

Мутафаккир Абу Райхон Беруний (973-1048) илмнинг кадр-қимматини юқори баҳолаган ҳолда, инсоннинг чин фазилати илмда эканлигини алоҳида таъкидлайди: «Илм ўзи лаззат бағишлайди, одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар ва ёвузликдан халос бўладилар. Шунинг учун энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир».

Билимлар ривожда шарқнинг буюк алломаси Ал-Хоразмийнинг салмоқли улуши бор, албатта. Бу буюк аллома алгебра, арифметика, астрономия, география ва мусиқа соҳаларидан бир неча асарлар ёзган. Унинг «Алжабр ва алмуқобала ҳисобидан қисқача китоб» асари асосида алгебра фани пайдо булди.

Ўзбек шеърятининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг дидактик мероси унинг бебаҳо «Ҳамса» асарида, ҳикматларида, лирик дурдоналарида ўз ифодасини топган. Масалан, «Фарход ва Ширин» достонидаги Фарходда илмли, ҳунарли, ижодкор шахс. Фарход-илм-ҳунарни ҳаёт билан боглайди.

«Садди Искандарий» достонидаги Искандар образи истеъдодли олим, илм-маърифатнинг жарчиси ва хомийси сифатида талкин этилади. Искандар илм ва ақл кучи воситасида давлатни бошқарганлиги, бунла олимлар билан ҳисоблашганлиги туфайли мамлакат обод, халқи фаровон ҳаёт кечиради.

Навоий «Махбубул қулуб» асари баҳонасида педагогик қарашлар ҳақида сўз юритади. Бу ноёб асар бошдан-оёқ ҳикмату-насихат

К.Д.УШИНСКИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИ ВА ТАРБИЯ САНЪАТИ ТЎҒРИСИДА

Тарбия предмети бўлган одам тўғрисида чуқур илмий билимлар билан куролланган кенг маълумоти бор Ушинский педагогика назариясини ишлаб чиқишга киришди.

Ушинский педагогика назарияси анатомия, физиология, психология, фалсафа, тарих ва бошқа фанлар қонунларида фойдаланишга асосланган бўлиш деб лозим деб кўрсатди. Бу назария педагогик рецептлар билангина чегараланиб қолмасдан, балки тарбия қонунларини очиқ бериш керак эди. Унинг замонидаги педагогика билан Ушинский яхши танишдир.

Ушинский педагогика назариясининг мавҳум, кабинетдан ташқарига чиқмай тузилишига қарши бўлди, шунинг сингари, педагогикада эмпиризмга қарши бўлиш кераклигини огоҳлантирди, муваффақиятли бўлса ҳам фақат шахсий тажрибагагина асосланиш етарли бўлмайди деб кўрсатди. У назария билан практикани бирлигини талаб килди. Ушинский "Ҳеч қанда хулоса чиқариб бўлмайдиган бром бир идеядан келиб чиқмайдиган ва ўзи ҳам ҳеч қандай идея яратмайдиган тажриба ҳеч нимага арзимайдиган бир нарса бўлиб қолади. Назария воқеъликдан ажралмаслиги, фактлар мулоҳазани рад қилмаслиги керак" деб ёзган эди. У назариясиз педагогик практиканинг медицинадаги қийинчиликка ўхшатади.

Ушинский "Педагогик тарбиянинг маълум принципларини ва тарбия ишларининг конкрет қоидаларини ўзлаштириб олишгина кифоя қилмайди"

дейди. У яна "Киши табиятнинг асосий қонуниятларини билиши ва уларни ҳар бир конкрет ҳолларда ишлата билиш керак,"-деб жуда тўғри айтган эди.

Ушинский "Агар педагогика кишини бир жиҳатдан тарбия қилмоқчи экан, у энг аввал киши ҳар жиҳатдан билиши керак"-деган эди.

Ушинский бу талабни амалга ошириб "Инсон тарбия предмети сифатида" номли 2 томли капитал асарини ёзди ва 3чи томини ёзмокчи бўлиб, материаллар туплади ва тайёрлади. Аммо бевақт улим 3чи томни ёзишга имконият бермади.

ЖОН - ЖАК РУССО

Табиий ва эркин тарбия. Руссонинг фикрича, болалар табиятига мувофиқ равишда табиий тарбияланиши лозим. Бу гапнинг маъноси шуки - болага тарбия беришда унинг табиятига қараб иш олиб бориш, унинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш керак."Табиат болаларни ушиб катта бўлишларидан олдин уларнинг бола-сифат бўлишларини истайди"-деб ёзади Руссо.У болалар тарбиясини 3 манбаадан, табиатдан, теварак-атрофдаги одамлардан ва нарсалардан оладилар деб ҳисоблайди.

Руссонинг фикрича, табиатнинг тарбияси инсон қобилиятларини "ички" устиришдан, сезги органларини устиришдан иборат бўлади. Одамларнинг берадиган тарбияси одамни шу қобилиятлар ва органларнинг усулидан фойдаланишга ўргатишдан иборат бўлади ва нихоят нарсалардан олинадиган тарбия одамнинг ўзига дуч келаётган ва унга ўзи таъсир кўрсатаётган нарсалардан ҳосил қилган тажрибасидир. Мана шу 3 омилнинг ҳаммаси (табиатнинг, одамларнинг нарсаларнинг ёки ташқи вазиятнинг бераётган тарбияси) бир-бирига уйғун равишда битта йулга амал қилганидагина тарбия тўғри тарбия бўлади.

Руссо табиий билан бевосита боғлаб эркин тарбия масаласини ҳам қўйди. "Эркинлик, -деди Руссо, -одамнинг табиий ҳуқуқларидан энг биринчисидир". Руссо шу қоидага асосланиб одамни сиқиб қўйган феодал тартибларига, схоластик мактабга ва бу мактабдаги ёдлатиш, қаттиқ интизом, тан жазоси бериш ва боланинг шахсини бўғиб қуйиш каби тартибларга қарши чиқади.У бола шахсини ҳурматлашини, унинг қизиқиш ва истаклари билан ҳисоблашини талаб қилди. Унинг эркин тарбияни тарғиб этишининг ижобий томони ҳам ана шундадир.

Руссо тарбиячи-ўқитувчининг етакчилик ролига катта аҳамият беради, лекин бу ролни ўзига хос тарзда тушунади. Руссонинг фикрича, тарбиячи ўз тарбиясидаги болани фақат масалаларини ҳал қилишга йуллайди. Унинг қизиқишларига раҳбарлик қилади, буни боланинг ўзи ҳам сезмай қолади. Тарбиячи болага асосан бевосита таъсир этади. У болага таъсир этувчи муҳитнинг унинг атрофидаги барча таъсирларни шундай бир тарзда ташкил қилади.

ЯН АМОС КОМЕНСКИЙ

Мактаб таълимини ташкил этиш. Синф дарс системаси. Коменский мактабда ўқув йили ва уни ўқув чоракларига бўлиш тўғрисидаги тушунчани, қаниқли кирипти, ўқув кунини қандай ташкил этиш белгилаб берди.

(она тили мактабида 4 ўқув соати лотинча мактабда 6 ўқув соати), ўқув машғулотларининг синф-дарс системасини назарий жиҳатдан ишлаб чиқди ва бу темани амалда қўллади.

Уша вақтлардаги мактабларда ўқувчилар мактабга бутун йил давомида турли вақтларда қабул қилина берар эди. Ўқувчилар гарчисинфда бирга ўтирсалар ҳам, лекин кўпинча синфнинг ҳамма ўқувчилари билан коллектив машғулотлар олиб борилмас эди, ҳар бир ўқувчи ўзига берилган дарсни ўқир, мактабда ҳар бир ўқувчи синфдан-синфга ўзининг вақтига яраша алоҳида-алоҳида кўчирила берар эди. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчини хузурига чақириб, у билан яқка тартибда шуғулланар эди. Коменский мактабга ўқувчиларни йилда бир мартда қабул қилиш, ўқитувчи бутун синф билан коллектив иш олиб боришни талаб этди. У ўқув машғулотларини ўтказишнинг синф-дарс системасига асос солди, дарсни қандай планлаштириш ва олиб бориш тўғрисида кўрсатмалар берди, дарснинг бир қисмини ўқувчилардан сураш йули билан уларнинг билимларини ҳасобга олишга ажратишни, бир қисмини эса янги материални бериш ва машқлар ўтказишга ажратишни таклиф қилди.

У ҳар бир дарснинг уз темаси ва уз вазифаси бўлиш лозимлигини айтди. Ўқитувчи ҳамма ўқувчиларнинг машғулотларда фаол қатнашишларини диққат билан кузатиб боришни ва дарс вақтида синфда интизом сақлашлари лозимлигини Коменский алоҳида уқитириб ўтди.

Мавзунини такрорлаш бўйича «таянч» сўз ва иборалар:

1. Дидактика ҳақида тушунча. Дидактика атамаси. «Нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш», «қандай ўқитиш». Шарқ халқлари педагогикаси.
2. Таълим жараёни. Билим. Малака. Кўникма
Билиш фаолиятининг босқичлари. Сезиш. Идрок. Тушунча. Билимларни мустаҳкамлаш ва қўллаш. Амалиёт.
3. Таълим назарияси, категориялар, Ўрта Осиё мутаффакирлари, Жан Жак Руссо таълимоти, Я.А.Коменский таълим тарбия ҳақида.

Назорат саволлари:

1. «Дидактика»нинг сўзма-сўз тажмиси нимани англатади?
 2. Таълим жараёнининг методологик асоси нима?
 3. Таълим жараёнининг икки томонлама хусусияти деганда нимани тушунасан?
 4. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари қайсилар?
 5. Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асари тўғрисида нималарни биласан?
 6. А.Навоий асарларида таълим-тарбияга бўлган муносабат.
 7. Авлодларимизни тарбиялашда қайси алломалар ўғитларидан фойдаланиш мумкин.
 8. Билиш фаолиятининг босқичларини сананг?
 9. Методологик асос нима?
- Таълим назариясининг масалалари ва асосий мақсади.
10. Дидактиканинг асосий категориялари.
 11. Таълим назариясига асос солган Ўрта Осиёлик мутаффакирлар.
 12. Абу-Али Ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида.

13. К.Д. Ушинский буюк асарига таъриф беринг.
14. Билимлар ривожига Ал-Хоразмийнинг қандай алоқаси бор?

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов "Ўзбекистон мустақил тараққиёт йулида" Т. 1994 йил.
2. И.А. Каримов "Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори"
3. "Ўзбек педагогикаси антологияси" Т. "Ўқитувчи" 1995 йил.
4. А.К. Мунавваров "Педагогика" Т. 1996 йил.
5. А.А. Ибн Сино "Таълим-тарбия тўғрисида".

4 - мавзу: Таълимнинг мазмуни

РЕЖА:

- 1. Ўзбекистон мактабларида таълим мазмунининг илмий асослари.*
- 2. Илмий - техникавий ва маданий тараққиётнинг таълим мазмунига таъсири.*
- 3. Халқ таълими ҳақидаги қонун.*
- 4. Мактабларда ўқув режалари, уларнинг илмий-назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари.*

1. Мактаб таълимининг мазмуни тарихий ва синфий хусусиятга эга бўлиб, у фан ва техниканинг жамиятдаги тараққиёт даражаси, давлатнинг сиёсати билан белгиланади. У мактаб шахсининг гармоник суратда ҳар томонлама ривожланиши учун асос солади. Таълим жараёнида ўқувчилар инсоният тажрибаси системалаштирилган ва умумлаштирилган билимларни ўзлаштиришди. Ўқувчилар мактабдалик йилларида жамиятдаги фан ва техниканинг замонавий даражасига яқинлашади. Таълимнинг мазмуни ўқувчиларга кенг политехник билим беради. Ўқувчилар баъзи бир меҳнат курулларини ишлатиш кўникмаларини эгаллайдилар, замонавий саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши станоклар, машиналар билан топишадилар.

Политехник маълумот мактабни битириб чиққанларнинг техникавий касбларини муваффақият билан ўрганиб олишлари имкон беради.

Ҳозир таълимнинг мазмуни чуқурлашиб ва қийинлашиб бормоқда. Бу ҳозирги замон жамиятида фан ва техниканинг зўр бериб ривожланаётганлиги натижасидир.

Жамиятдаги фан техника билимлари даражаси билан мактабни битириб чиққан ўқувчи оладиган билим даражаси ўртасидаги узилиш ортмоқда.

Узилишни камайтириш, мактаб таълимини ҳозирги замон илмий билимлари даражасига яқинлаштириш учун ўқув предметларининг мазмуни чуқурлаштирилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатадики, агар ўқув материалининг мазмуни ва уни ўрганиш методлари шахсий ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган бўлса, бошланғич синф ўқувчиларининг ижобий кучлари ва қобилиятлари яхшироқ ўсар экан.

Назарий билимларга кўпроқ аҳамият берилса, таълим катта қийинчиликни енгишга ва материални тез суратда ўзлаштиришга асосланган бўлса, ўқувчилар ўқиш натижаларини англасалар ўқув материали кичик ёшдаги ўқувчилар аклининг ўсишига катта ижобий таъсир кўрсатади. Бу талабларга риоя қилинса, бошланғич таълим мазмуни ўқувчилар умумий ўсишининг қудратли воситаси бўлиб қолади.

Бошланғич синфларда ўқув материални дастурлаштириш, маълум мавзу ва бўлимларга доир дастурлаштирилган қўлланмалар яратиш имкониятлари бор.

Дастурлаштирилган ўқув материални яратиш натижасида бошланғич таълим мазмунини такомиллаштириш учун қўшимча имкониятлар кулга киритилди.

Бош таълимнинг мазмуни ҳозирги замон илмий маълумот негизини қуради, сўнгра ўқувчилар бу билимларни мактабнинг ўрта ва юқори синфларида олади.

Болаларнинг келажаги, унинг ақлий ўсиши, қизиқишлари ва ўқишга муносабати, кейинроқ эса меҳнат фаолияти ҳам муносабати кўп жиҳатдан мактабдаги бошланғич таълимнинг мазмунига боғлиқ бўлади. Бошланғич таълимга ҳисоблаш, ёзиш, ўқиш юзасидан оддий кўникмалар бериладиган мактаб деб эскича қараш кичик ёшдаги ўқувчиларни ривожланиш имкониятларини чеклаб қўяди. Бундай ҳолда таълимнинг маърифий ва тарбиявий функциясидан етарлича фойдаланиб бўлмайди.

Аммо бунинг аксича уйлаш, яъни бошланғич мактабнинг вазифаси-боланинг ақлини ўстириш, унда муайян ақлий иш ҳаракатларини ва фикрлаш операцияларини шакллантиришдир, деб ҳисоблаш ҳам нотўғри. Бошланғич таълимнинг мазмуни ўқувчиларга математика, она тили, табиатшунослик, адабиёт ва санъатга доир бошланғич илмий маълумотлар бериш вазифасини бажаради.

Бу билимлар яхши ўзлаштирилиши керак, шундагина улар, ўрта ва юқори синфларда ўтиладиган ўқув материални чуқурроқ ўзлаштириш учун асос бўла олади.

Ҳисоблаш, ўқиш, ёзиш, ашула айтиш, расм солиш, кузата билиш, дарсда диққат билан ўтириш, ўз ўқув ишини тўғри ташкил эта билиш каби кўникмаларни ҳосил қилмай туриб, бошланғич таълимни ўзлаштириб бўлмайди.

Бошланғич мактаб дастлабки илмий маълумотларни бермаслиги ва ўқиш кўникмаларини ҳамда малакаларини шакллантирмаслиги мумкин эмас.

Ўқитувчи ўқувчи билиш фаолиятини муайян структурасини олдиндан ўйлаб шакллантиргандагина бошланғич таълимнинг янги мазмуни ўқувчиларни кучлироқ ривожлантиришларига олиб келади. Ўқитувчи ўқувчига мураккаброк материал берар экан унинг ақлий ўсиши ўз устидан стихияли равишда юқори даражага кўтарилади, деб ўйламаслиги керак.

Бошланғич таълимнинг мазмуни ўқувчиларни ақлий, ахлоқий политехник, меҳнат, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга ёрдам беради.

Мактаб таълимининг мазмуни ўқув планида-ўқув дастурларида, дарсликларида акс эттирилади. Ўрта умумий таълим мактабининг ўқув плани давлат ҳужжати бўлиб унда ўқув предметларининг маълум миқдори ва номлари, уларни синфлар бўйича ўрганиш изчиллиги барча ўқув предметларининг, ҳар бир алоҳида предметнинг, факультатив машғулотларининг ҳафтасига ажратиладиган ўқув вақтининг соатларида ўлчанадиган нормалари тасдиқланади.

Ўқув йили неча ҳафта давом этишини билган ҳолда ҳар бир ўқув предмети бўйича бир йилги соатлар умумий миқдорини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Мактаб таълимининг мазмуни ягона ўқув плани билан таъминланади. Ўқув планининг илмий педагогик асослари қуйидагилардан иборат:

Таълим мазмуни илмийлиги, системалилиги ва тушунарлилиги; Ўқувчининг гоёвий-сиёсий, психологик-педагогик ва социал жиҳатдан чуқур тайёргарлиги, ўрта таълим мактабининг ўқувчиларининг камол

топтиришнинг умумий системасидаги урнини яхши англаб олиб, бошқа ўқув предметлари билан чуқурроқ ва асосли тарзда ўзаро алоқа боғлашга эриша олади.

Ўқув предметининг мазмуни дастурда очиб берилади. Ўқув дастурсида, ўқув дастурси темалар номи, уларни баён қилиш тартибини белгилаб, ҳар бир теманинг мазмунини қисқача характерлайди, назарий, амалий, лаборатория машғулотлар нисбатини белгилайди. Қандай экскурсиялар, кузатишлар, мустақил ишлар ва топшириқлар ўтказилиши кераклигини кўрсатади. Мажбурий ва қўшимча ўқув адабиётини тавсия этади. Ҳар бир ўқитувчи ўз предметининг дастурсини материал мазмуни, билимлар чуқурлиги ва ҳажми, уларнинг системаси ва мантикий изчиллигини, ўқувчини шахсий тажрибаси билан алоқа боғлаш имкониятларини, назарий ва фактик материаллар соатини ўқув жараёнида амалий кўникмалар ва малакалар ролини асосли равишда ўрганиб чиқади. Ўқитувчи дастурни ўрганар экан, ўқув предметини тарбияловчи ва ривожлантирувчи функцияларни аниқлайди.

Дастурни ўрганиш ўқитишни асосий методларини, ўқувчиларни фикр юритиш фаолиятини фаоллаштириш йулларини, билиш кучи, қобилиятлар, қизиқишлар ва майлларини ривожлантириш имкониятларини белгилаш учун имкон яратади.

Ўқув предметларининг мазмуни дарсликларда очиб берилади. Дарслик ўқув предмети мазмунини дастурга мувофиқ баён қилиш ва характерлаб беришдан иборатдир.

Яхши дарсликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборатдир: Тушунарли илмий баён, ўқувчида фикрлашнинг мантикий, исботли бўлишини, билим олиш соҳасидаги фаоллик ва қизиқишларни шакллантириш; Амалий кўникмалар ва малакалар системаси ва характерини белгиловчи назарий қоидалар етакчи роль уйнаши; илмий материал мазмунини ўзлаштириш имконини берадиган фактлар, тушунтиришлар, мисоллар, расмларнинг пухта танланиши; қизиқарли машқлар, амалий ишлар, топқирлик, фикр ўткирлиги бўйича топшириқлар; Яхши безатилган бўлиши; дарслик мактаб дастурсига мувофиқ бўлиши керак. Бошланғич, ўрта ва юқори синфларнинг кўпгина дарсликлари мана шу хусусиятларга эга. Бир предмет бўйича бир неча дарслик бўлиб улар бир дастурнинг ўзини турлича баён қилиши, уларда материалнинг анализ қилишнинг турли методларидан, исботлар, машқлар, мисолларнинг турли воситалари ва усулларидан фойдаланилган бўлиши мумкин.

Бу нарса ўқитувчининг илмий билимларига, педагогик маҳорати ва тажрибасига боғлиқ.

2. ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАЪЛИМ МАЗМУНИГА ТАЪСИРИ.

Фан-техника тараққиёти, замонавий фан ва ишлаб чиқариш, маданият, санъат мактаб таълими мазмунига доимо таъсир кўрсатмоқда. Мактабнинг вазифаси ҳам ўқувчилар билимини замонавий фанга, замонавий ишлаб чиқаришга, замонавий маданиятга яқинлаштиришдан меҳнат қилиш иштиёқи тарбиялашдан ва келгусидаги меҳнат жараёнига жалб этишдан иборат. Шу

сабабли мактаб таълимини ўқув материалининг системаси ва структурасини такомиллаштиришга барча иккинчи даражали ва такрорланувчи нарсалардан холи қилишга, энг оммабоп ўқув дастурлари ва дарсликлари яратишга қаратилган доимий тенденция вужудга келаётир.

Фан-техника тараққиёти талаблари муносабати билан мактаб таълимининг мазмуни такомиллашиб боради. Замонавий мактаб ўқувчиларининг янги ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатлари тизимига тезроқ мослашишига унумли меҳнати фаол қатнашишига уларга турли меҳнат кўникмаларини беришига қаратилган бўлиши керак.

Зеро, жахон педагогик уюшмаси ўқувчиларининг унумли меҳнатини ўрта таълим мазмунини янгилашда муҳим омил эканлигини аллақачон тан олишган.

Юқори интеллектуал заковатни шакллантиришдан иборат бўлган. Ўқувчилар унумли меҳнатининг тарбияловчи ва ривожлантирувчи йуналиши педагогик раҳбарликни мақсадга мувофиқлигига, ўқитувчининг профессионал фаолиятининг маҳсулдорлигига ва умуммиллий ва иқтисодий билимларнинг кенглиги ва тўлаллигига боғлиқ.

Ўқитувчининг ўқувчилар меҳнат фаолиятига раҳбарлик қилишда асосий педагогик мақсад қуйидагича:

-Замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий асосини тушунтириш:

-Умумий политехникавий билим ва кўникмаларни, илмий дунёқарашни шакллантириш;

-Техник-технологик қонуниятларни махсулот ва буюмлар ишлаб чиқаришнинг оммавий практикасида қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш;

-Меҳнат жараёнига нисбатан ижодий муносабатларни ривожлантириш;

-Корхона ва хўжаликлар билан ижтимоий муносабатларни ривожлантириш;

Корхона ва хўжаликлар билан ижтимоий ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро муносабатларини ўрнатиш, гуманизм руҳидаги ишончни, ахлоқий нормаларини, инсонпарварликни ривожлантириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар мактаб таълим мазмунини ҳам тубдан янгилашга, унинг мақсад ва вазифаларини аниқроқ ифодалашга ёш авлодни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга, таълимни ўқувчиларнинг унумли меҳнати билан боғлашни мустахкамлашга зарурий имкониятлар яратиб бермокда.

Таълимни миллий руҳда олиб бориш ҳам жадаллик билан олиб борилмокда.

Мактабларни миллийлаштириш ва миллий мактабда тарбиявий таълим-муомала, одоб, муошарат қоидалари худди математика, жисмоний тарбия каби мажбурий ўрганилиши керак. Бунинг сабаби замонавий ва борган сари индустрилашуви шарт бўлган Ўзбекистонда бундан буён ота-оналарнинг вақти зик бўла боради.

Тарбиявий таълим бу янгилик эмас ва бунда ўртак олса арзигулик мисоллар бор. Масалан: Япония мактабларида "япон хулк-атвори" дарси махсус, мажбурий ўтилади. Бу дарсда муомала, одоб ахлоқнинг энг нозик қирралари махсус ўргатилади, машқ қилдирилади.

Биз шарқона хазина хикматларга, ҳадисимизга қанча кўпроқ амал қилсак, илм ва тарбия шунча кўп илгарилаб кетамиз.

Шу ўринда қадимги дунё донишманди Демократнинг қуйидаги сўзларини тез-тез ёдга тушириб ва унга амал қилсак, муваффақиятимизга ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин.

"...хикматларда кишида қуйидаги уч қобилият ҳосил бўлади"..

- 1.Энг тўғри ҳулоса чиқармоқ.
- 2.Нуқсонсиз гапирмоқ.
- 3.Нима қилиш кераклигини аниқ билмоқ".

3.ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир.Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий иқтисодий,маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданий ва фан бобидаги кўп асрлик ананаларини, жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизади.

Таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади, у Республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч қувватини ривожлантириш, жамият оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган, ҳар жихатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

"Таълим тўғрисидаги қонун" нинг асосий вазифаси:

- 1.Фукороларнинг илм олиши ва конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилади.
- 2.Жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим тўғрисидаги ўзаро муносабатларининг принциплари, ҳуқуқ ва ваколатлари ва масъулиятларини, Ўзбекистон Республикасида таълим эркин ривожланишнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаб беради.

Бу қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида 1992 йил 2-июлда қабул қилинган.У 7 бўлим 44 моддадан иборат.

1-чи бўлим "Умумий қоидалар" деб аталади ва 6 моддани ўз ичига олади. Унда таълим ҳақидаги қонунларнинг вазифалари, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, илм олиш ҳуқуқи,таълимнинг давлат стандартларида белгилаб қуйилган. Хусусан, 4-моддада шундай дейилган.

"Ўзбекистон Республикаси келиб чиқиши, тили, жинси, ёши, ирқи, миллати, эътиқоди ва динга муносабатидан ижтимоий аҳоли, машғулотининг тури турар жойи Республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганлигидан қатъий назар, барчанинг таълим олиши учун тенг ҳуқуқларни кафолатлайди.

2-бўлим "Таълим тизими" деб номланади.Ўзбекистон Республикаси таълимнинг ягона тизимига амал қилиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади :

- Мактабгача тарбия;
- Умумий таълим;
- Мактабдан ташқари таълим;
- Хунар-техника таълим;
- Ўрта махсус таълим;

Олий таълим;

Илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш;

Кадрларнинг касбкор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

Оиладаги таълим;

Мустақил таълим;

Бу таълим турларига алоҳида моддалар ажратилган. "Таълим тизимини бошқариш" ҳақида 3-бўлим маълумот беради. Унда Республиканинг таълим соҳасидаги ваколатлари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларини таълим соҳасидаги ҳуқуқ-ваколатлари, таълим муассасаларини бошқаришда жамоатчиликнинг иштироки ҳақида сўз юритилади.

Таълимни бошқариш давлат идоралари бўйсинувида бўлган таълим муассасаларида таълимга доир қонунларнинг ижро этилиши назорат қилиб борилади.

4-бўлим "Таълим жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқлари, масъулиятлари ва вазифалари" ҳақида бўлиб, таълим олувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, педагогик ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уз ифодасини топган.

Жумладан, педагогик ходимлар ўзларининг касбкор шаъни ва кадр-қимматларини ҳимоя қилиш, касб фаолияти учун шарт-шароитлар билан таъминланиши, якка тартибда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

5-бўлимда "Таълим ва таълимнинг алоҳида шарт-шароитига, муҳтож болалар ва ўсмирларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш" ҳақида айтиб ўтилган. Етим болалар турмушда ва ишга жойлашишида Ўзбекистон қонунларида белгиланган тартибда давлат кўмагидан фойдаланадилар. Жисмоний ёки рухий жиҳатдан нуқсонли болалар ва ўсмирларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун махсус таълим муассасалари барпо этилади ва иш олиб боради.

6-бўлим "Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми. Таълимнинг моддий баъзаси ва уни пул билан таъминлаш" масалаларини ҳал этади. Таълим муассасаси мустақил юридик шахс бўлиб, қонунда белгиланган тартибда барпо этилади. Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларини пул билан таъминлаш республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, корхона, бирлашма, ташкилот ва айрим шахсларнинг маблағлари асосида амалга оширилади.

7-бўлимда эса "Таълим тизимида халқаро ҳамкорлик" 44-моддада кўрсатиб берилган. Таълим мувофиқ таълимга доир юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар ва валюта счётларига эга бўладилар. Бу қонун эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилган

4. МАКТАБЛАРДА ЎҚУВ РЕЖАЛАРИ, УЛАРНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мактабларда бериладиган маълумотнинг мазмуни тарихий характерга эга. Жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида мактабларда ёшларга бериладиган маълумотнинг мазмуни ҳажми ушша ижтимоий тузумнинг

иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари, фан ва техника тараққиёти даражаси билан белгилаб келинган.

Мактабда илмий билимларнинг асослари ўқитилади ва шунга кўра, уларни ўқув предметлари деб юритилади. Бунинг боиси шундаки, ўқув предмети маълум бир фаннинг тула мазмунини ўз ичига олган яхлит курс эмас, ўша фаннинг илмий асосларидир.

Ўқув режаси-барча умумтаълим мактаблари сўзсиз амал қилиши лозим бўлган давлат ҳужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув предметлари, ўша предмет учун ажратилган ҳафталик соатлар кўрсатилган. Ўқув режасида табиий фанлар-табиий география, биология, физика, астронимия, химия, айниқса математика марказий ўрин эгаллайди.

Ижтимоий фанлар тарих, жамиятшунослик, иқтисодий география, тил ҳақида билимлар, она тили, рус тили, тасвирий санъат, мусика ва ашула, меҳнат таълими шу жумладан юқори синфларда ишлаб чиқиш практикум, мактаб устахонаси, лаборатория ва кабинетлар ишлаб чиқариш колхоз ва совхозларида олиб борилади. Булардан ташқари ўқув режасида айрим табиий фанлар физика, математика, гуманитар фанлар, ўқувчиларнинг қизиқишларини, хоҳишларини қониқтириши ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида факултатив машғулотлар ҳам кўрсатилган бўлади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Таълим мазмуни, илмий-техникавий ва маданий тараққиёт, ўқув дастурси, миллийлаштириш, ўқув предмети.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1.Мактаб таълими мазмуни ва уни миллийлаштириш.
- 2.Илмий-техникавий ва маданий тараққиётнинг таълим мазмунига таъсири.
- 3.Бошланғич синфларда ўқув материални дастурлаштириш.
- 4."Таълим тўғрисидаги қонун" нинг моҳияти.(ҳар бир бўлими)
- 5.Мактабларда ўқув режалар ва уларнинг илмий назарий асослари.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.И.А.Каримов"Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори".Т.1997.
- 2.Х.Абдуллаев таҳрири остида"Педагогика".1992.
- 3.А.К.Мунавваров"Педагогика"Тошкент 1996.

5 - мавзу: Ўқитиш принциплари

РЕЖА:

1 Таълим қонуниятлари тарбиянинг ажралмас қисми эканлиги.

2 Шарқ ва Ғарб олимлари таълим принциплари (Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Коменский).

1 Таълим қонуниятлари тарбиянинг ажралмас қисми эканлиги.

Таълимнинг қуйидаги қонунлари мавжуд: тарбияловчи таълим қонуни; ҳар қандай таълим фақат ўқитаётган, ўқийётган ва ўрганаётган объектив маълум бир мақсадга йуналтирилган ўзаро таъсири ёрдамида амалга оширилади; таълим фақатгина ўқитувчининг фаолияти ва ўй фикрларига мувофиқ равишда ўқувчиларнинг фаол фаолиятлари давомида юз беради; ўқув жараёни ўқитувчи ҳамда ўқувчининг мақсадларига мувофиқ келган ҳолда юз беради; алоҳида бу шахсни у ёки бу фаолиятини ўрганишга йўллаш уни ушбу фаолиятга жалб этиш орқали эришилади; таълимнинг мақсади, билим олишнинг мазмуни ва таълим методлари орасида доимий боғлиқлик мавжуд бўлади; таълимнинг мақсади таълим мазмуни ва методини белгилаб беради. Таълим жараёни қонуний равишда у содир бўладиган, амалга ошадиган ташқи шарт-шароитларга ҳам боғлиқдир. Мактабда таълим учун мувофиқ келадиган махсус ўқув-моддий, ахлоқий-руҳий ва эстетик шарт-шароитлар яратиш керак. Таълим ўқитувчиларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Инсон ва унинг ўқув-билиш фаолияти ҳақида ҳамма фанларнинг ютуқлари бизнинг дидактик қонуниятлар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга таъсир кўрсатади.

Таълимнинг қонуниятларидан дидактиканинг принциплари келиб чиқади.

Таълим ва тарбия тушунчалари бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Бизнинг мустақил Республикамиз мисолида таълим ва тарбия умуминсоний қадриятларга йуналтирилган бўлиб, ўқувчиларда барча инсонларга мос ижобий ҳислатларни шакллантиришни кўзда тутди.

Истиқлол мафкураси ўзбекона таълим тарбиянинг асоси қилиб олинади. "Шу Ватан барчамизники", "Ватанни севмок иймондандир" ғоялари, хур Ўзбекистон мадҳияси, Ўзбекистон Республикаси миллий байроғи таълим ва тарбиянинг асоси ҳисобланади. Мустақиллик-ислохот-таълим-тарбия, булар бир-бирига эгизакдир.

Шунинг учун таълим жараёнида ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонлари тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга, бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

ШАРҚ ВА ҒАРБ ОЛИМЛАРИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ПРИНЦИПЛАРИ (ФАРОБИЙ, БЕРУНИЙ, ИБН СИНО, КОМЕНСКИЙ)

Шарқ ва Ғарб олимлари асосларида таълим принциплари. Улг Шарқ мутафаккири Абу Наср ал-Фаробий (870) 160 дан зиёд илмий мақола ва асарлар ёзган. Улар орасида "Тахлису Навомису Афлотун" ("Афлотун

қонуниятларининг мохияти"), "Бахт-саодатга эришувчи рисола" каби ўнлаб асарлари эътиборга моликдир.

Ал-Фаробий фикрига кўра, таълимнинг асосий шакли ишонтириш методларидир. Улгурадиганлар учун-мавхум фикрлар ёрдамида, ўртачалар учун-кўргазмалар ёрдамида, яъни образли шаклда амалга ошириш лозим. Ўрганиш бахт келтириши керак. Ал-Фаробийнинг ушбу тезиси ўқишда кейинчалик бўлмаслиги, балки қувонч ва лаззат келтириши, камолотга етишувига ҳамда хақиқий бахтга эришувига олиб бориши лозим деб кўрсатадиган бугунги куннинг педагог-новаторлари ғояларига қўшилиб кетади.

Абу Али Ибн Сино XI аср бошларида яшаб ижод этган мутафаккирдир. Унинг 300 дан ортиқ илмий асарлари мавжуд. Бу асарларнинг негизида инсон камолоти ва тарбияси масалалари алоҳида ўрин тутди. У мактабда ўқиш, тарбия ишларини жамоа тарзда ташкил этиш ғоясини олға сурди. Ўқитиш жараёнининг дидактик асосини яратди. Унинг фикрича, болани бирданига китобга банд қилиб қўймаслик, ўқиш аста-секин енгилдан-оғирга қараб бориши керак. Машқлар ўқувчилар ёшига мос бўлиши, ўқувчининг майл ҳамда истак қобилиятини ҳисобга олиш керак.

Шарқ олимлари билан бир каторда Ғарб олимлари ҳам ўзига хос таълим принциплари яратишган. XVI асрда Я.А.Коменский таълим принциплари тарбияга қиёслаб ўрганишни, яъни ўқувчиларга табиат қўйнида бевосита таълим беришни, табиатда қандай мутаносибликка эришишни таклиф этади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Таълим, таълим ва тарбия бирлиги, Шарқ ва Ғарб олимлари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Таълим қонуниятлари ҳақида.
2. Таълим принциплари.
3. Фаробий таълим тўғрисида.
4. Беруний ҳамда Ибн Сино таълим назарияси.
5. Коменский таълимоти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ё.И.Турсунов, У.Н.Нишоналиев "Педагогика курси". Т. "Ўқитувчи" 1997.
2. А.К.Мунавваров "Педагогика". Т. "Ўқитувчи". 1996.
3. "Ўзбек педагогикаси антологияси". Т. "Ўқитувчи". 1995.
4. "Педагогика тарихи". Хошимов ва бошқалар. Тошкент. 1995.

6 - мавзу: Ўқитиш методлари

РЕЖА:

- 1.Таълим услублари ҳақида тушунча.*
- 2.Таълим ўқитиш усуллари ва йуллари.*
- 3.Дарслик ва китоблар билан ишлаш.*
- 4.Техник воситалардан фойдаланишнинг педагогик асослари.*

ТАЪЛИМ УСЛУБЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Таълим жараёнида ўқувчилар муайян билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар, ўқув материалининг битта мазмунини ўзи таълимнинг турли воситалари ёрдамида, турли усуллари билан ўзлаштирилиши мумкин. Шу сабабли ўқитувчи олдида муваффақиятлироқ ва самаралироқ ўқитиш ва ўқишга ёрдам берадиган йулларни танлаш масъулияти туради. Таълимни билим бериш ва ривожлантириш вазифаларининг амалга оширилиши методни танлашга боғлиқ. Материални билим олишнинг назарий ёки амалий фаолиятидаги муайян формаларидагина м сухбат ёки амалий ишларнинг бажариш формасида, ёхуд бевосита кузатишлар ва шу сингариформада ўзлаштириш мумкин. Материал мазмунини ўзлаштиришнинг манашу формаси таълим услуги ҳисобланади.

Таълим методининг икк и жиҳати: Биринчи жиҳати-бевосита кузатиладиган ташқи томони. Иккинчи жиҳати-кузатиш ва таҳлил қилиш учун кийин бўлган ички томони бўлади.

Таълим услублари ўқитишнинг умумий ва аниқ мақсадларига боғлиқ. Ўқув вазифаси қанчалик конкрет бўлса, ўқитиш методининг белгилари шунча кўп бўлади. Шу сабабли ўқитувчи методларнинг умумий белгиларинигина эмас, балки аниқ мавзу ўрганиш вақтида вужудга келадиган кўшимча белгиларни ҳам билиши лозим.

Таълим методининг умумий ва аниқ белгилари ўртасидаги ўзаро алоқа таълимнинг турли шароитларида унинг махсулдорлигини таъминлайди.

Таълим методлари ўқитишнинг умумий ва аниқ мақсадларига боғлиқ. Таълим методлари мактаб таълимининг мазмунига боғлиқ.

Таълим методларини ўзаро алоқаси гармоник камолот барча томонларининг ўзаро алоқаси ва бирлигини таъминлайди.

Таълим услублари кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларига боғлиқ.

МАСАЛАН:-бошланғич синфларда айниқса 1-синфда, таълим методларини танлаш ўқувчининг хиссий тажрибаси асосида тафаккурнинг абстракт формаларини ривожлантириш имкониятлари билан белгиланади.

Таълим методлари ўқувчилар организмнинг анатомик-физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, уларнинг шу қобилиятларини, чарчашни организмнинг нерв томир, суяк мушак, жинсий системалари хусусиятини ҳисобга олади.

Таълим методларини танлаш мактабнинг моддий техника таъминотига ҳам боғлиқ. Ўқитувчи таълим методини танлар экан, мактабда мавжуд бўлган техника воситалари ва улардан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олади.

Таълим усуллари-ўқитувчи ёки ўқувчиларнинг алоҳида операциялари, ақлий ёки амалий ҳаракатлари бўлиб муайян метод тақдим этадиган материални ўзлаштириш формасини тулдиради.

Масалан:- Ҳитувчи ёдлашни муайян мнемоник усуллари, кўникма ва малакаларини шакллантиришда уз аҳамиятини йукотади.

2. ТАЪЛИМДА ҲҚИТИШ УСУЛЛАРИ ВА ЙУЛЛАРИ

- Ҳқитиш усуллари куйидагича тақсимлаш мумкин.

- Тафаккур, диққат, хотирабтасаввурнинг айрим операцияларини шакллантириш ва фаоллаштириш усуллари.

- Ҳқувчиларнинг тафаккур фаолиятида прблематик ,изланишни талаб қиладиган вазифаларни вужудга келтирадиган усуллар.

- Ҳқувчиларни ўқув материални ўрганиш билан боғлиқ кечинмалари, хистуйгуларини фаоллаштирувчи усуллари.

- Ҳқувчиларни назорат қилиш ,уз-ўзини назорат қилиш, ўзини-ўзи ўргатиш усуллари.

- Ҳқув жараёнида ўқувчиларнинг коллектив ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш усуллари.

Ҳқитиш муайян ташкилий формалари амалга оширадиган, биз уларни дарс утиш, экскурсия, амалий лабаратория машғулотлари, семинар, лекция, ишлаб чиқариш ва педагогик практика, уй иши ва бошқалар тарзида тушунамиз.

Группа усулида ва индивидуал тарзда ўқитиш тарихан таркиб топган ва ривожланмокда. Индивидуал тарзда ўқитиш деганда ўқитувчи ёки мураббий ҳар бир ўқувчини унинг ўқув материални ўзлаштиришда шахсий суръатига ва қобилиятига қараб алоҳида ўқитиш тушунилади. Индивидуал тарзда ўқитиш ўқувчи шахсининг хусусиятини ва унинг билиш хусусиятларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Группа усулида ўқитиш ўқитувчининг ўқувчилар группаси билан иш олиб боришини таказо қилади. Аввалдан энг аввало вақт, яъни ўқитиш ишининг унимдорлиги масаласидадир. Бир ўқитувчи айна бир вақтнинг ўзида бир эмас балки ўқувчиларнинг бутун бир группасини ўқитади.

Мактабда ўқув машғулотларини ташкил этишни дарстан ташқари бошқа формалари ҳам мавжуд: амалий ва лабаратория машғулотлари, мустақил уй иши, экскурсиялар, ўқув устахоналар ва цехларда ишлаш кабилар. Машғулотларни бундай турлари синф дарс системасини тулдиради ва такомиллаштиради. Сунги йилларда олимлар томонидан нашр қилинган педагогик адабиётларда дидактик принциплар турлича группалаштирилмокда. Ана шуларга асосланган ҳолда куйдагича таълим принциплари кўрсатиб утиш мумкин:

1. Таълимнинг илмий бўлиши принципи.
2. Таълим ва тарбиянинг бирлиги принципи.
3. Таълимнинг системали ва изчил бўлиши принципи.
4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши принципи.
5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик принципи.
6. Таълимда кўрсатмалилик принципи.
7. Таълимда ўқувчиларга мос бўлиш принципи.

8. Таълимда билим, кўникма ва малакаларини пухта ва мустахкамланиш принципи.
9. Ўқувчилар коллективига таълим бериш жараёнида ҳар қандай ўқувчига ҳос хусусиятларни ҳисобга олиб ўқитиш принципи.

3 ДАРСЛИКЛАР ВА КИТОБЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Мактабда урганиладиган ҳар бир предмет инсоният ижтимоий-тарихий тажрибасининг бир қисмидир. Асосан бу фанлардан бири бўйича билимларнинг махсус ишлаб чиқилган системасидир. Шунга биноан ўқув предмети рус тили, математика, химия ва шу каби номларни олади, ўқув предмети инсоният тажрибасининг бошқа томонларининг: санъат ва маданиятни, меҳнат, жисмоний тарбия ва ҳокимиятларни ҳам акс эттириши мумкин.

Ҳар бир предмет билимларни ўзлаштиришни, амалий кўникмалар ва малакаларни шаклланишини кузда тутди. Мактабнинг муайян типига урганиладиган барча ўқув предметларни жами ўқувчилар эгаллайдиган билимлар, кўникмалар малакаларни белгилайди.

"Умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислох қилишнинг асосий йўналишлари"нинг мазмуни ўқувчилар, айниқса, усмирларни касб танлаш ва меҳнатга йўллашга эътиборни қаратади. Ҳукуматнинг қарорларига биноан мактабларида ўқувчиларнинг меҳнатга жалб этиш учун шароитлар яратилмоқда. Ҳар бир ўрта мактабни бирор қорхона оталикка олиб, ўқув жараёнини техника воситалари ва замонавий ускуналар билан жиҳозлашга, шунингдек, юқори синф ўқувчиларнинг умумий меҳнатда иштирокини ташкил этишга ёрдам кўрсатади. Профессиял малак ва кўникмаларни шакллантириш учун қулай шароитлар вуждга келади. Масалан, қишлоқ мактабларининг юқори синф ўқувчилари автомобил, агро техника, қорвачилик асослари, трактор қомбайн ва бошқа машиналарда ишлашни ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Мактаблар аро ўқув ишлаб чиқариш қомбинатлари вуждга келтиралаётгандир.

Фан-техника таракқиёти, замонавий фан ва ишлаб чиқариш маданияти, санъат мактаб таълими мазмунига доимо таъсир кўрсатмоқда. Мактабнинг вазифаси ҳам ўқувчилар билимини замонавий фанга ишлаб чиқаришда, замонавий маданиятга яқинлаштиришдан, меҳнат қилиш иштиёқини тарбиялашдан ва қелғусидаги меҳнат жараёнига жалб этишдан иборатдир. Шу сабабли мактаб таълимининг, ўқув материалининг системаси ва структурасини такомиллаштиришга, барча иккинчи даражали ва тақорланувчи нарсалардан ҳоли қилишга, энг оммабоп ўқув дастурлари ва дарсликларни яратишга қаратилган доимий тенденция вуждга келаётдир.

Ўқув предметларининг мазмуни дарсликларда очиқ берилади. дарслик ўқув предмети мазмуни прогаммага мувофиқ баён қилиш ва характерлаб беришдан иборатдир. Ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш мувоффақияти дарсликалр сифатига боғлиқ.

Яхши дарсликнинг асосий белгилари қуйдагилардан иборат: тушунарли илмий баён ўқувчида фикрлашнинг мантиқий, исботли бўлишини, билим олиш соҳасидаги фаоллик ва қизиқишларини шакллантириш:

Амалий кўникмалар ва малакалар системаси ва характери бeлгилoвчи назарий қoидaлар eтaкчи рoл уйнаши:

Илмий материал мазмунини ўзлаштириш имконини бeрaдигaн фaктлар тушунтиришлар, мисoллaр, рaсимларнинг пухтa тaнлaниши:

Қизикaрли мaшқлар, aмaлий ишлар, тoпқирлик, фикр уткирлиги бўйичa тoпшириқлар:

Ўқув мaтериaлининг кишиларнинг мeҳнaт турмуши вa ҳaётининг янги жaмият қурилишидaги мувофaқиятлар билaн aлoқaси:

Яхши бeзaтилгaн бўлиши:

Дaкpслик мaктaб пpoгaммaсигa мувофaқик бўлиши кeрaк. Бoшлaнғич, ўртa мaктaблар юқoри синфларнинг кўпгинa дaрсликларинa aнa шу хусусиятларгa эгa.

Битa пpeдмeт бўйичa бир нeчa дaрслик бўлиб, улардa биттa дaстурнинг ўзини турличa бaён қилиниши, улар мaтериaлни aнaлиз қилишнинг турли мeтoдлардaн, иcбoтлар, мaшқлар, мисoллaрнинг турли вoситaлари вa усуллaридaн фoйдaлaнилгaн бўлиши мумкин. Бу нaрсa ўқитувчининг илмий билимларигa , пeдaгoгик мaхoрaти вa тaжрибaсигa бoғлиқ.

Зaмoн фaн вa тeхникa тaрaққийeти хaлқ хужaлигининг ҳaммa coхacидa, шу жумлaдaн ўқиш-ўқитиш coхacидa ҳaм янги-янги тeхникa вoситaларидaн фoйдaлaнишни, мaктaб тaълими сaмaрaдopлигини oширишгa кaкpатилгaн ижoдий излaнишларни тoбoрa кўпpoк тaлaб қилмoқдa. Шу муносабат билaн мaктaблардa олиб бoрилaётгaн тaшaббуcкoрлик ўзининг яхши нaтижaларини кўрсaтaётир. Ҳoзирги кундa дaстурлaштирилгaн тaълим икки йунaлишдa: мaшинa вoситaси билaн ёки мaшинa вoситacисиз олиб бoрилaди.

Мaшинa вoситaсидa дaстурлaштирилгaн тaълим ўқувчилар дaстур хaжмидaги илмий билимларини ўзлaштириб олишларини учун зaрур бўлгaн иш, ҳaрaкaт вa oпepaцияларни шунгa бoғлиқ кўникмa вa мaлaкaлар билaн кyрoллaнтириш ҳaмдa ўқувчиларни билиш қoбилиятини ўзлaштиришгa қaрaтилгaндир. Ҳoзирги кундa бундaй дидaктик мaқсaдларни aмaлгa oширaдигaн мaшинaлар aсoсaн уч гpуппaгa бўлинaди:

1. Инфoрмaция (илмий мaълумoтлар) бeрувчи вa унинг ўзлaштиришини тeкширувчи мaшинa;

2. Мaшқ қилдириш учун ишлaтилaдигaн "тpинaжeр" дeб aтaлaдигaн мaшинa, ҳудди шу вaзифaни бaжaрaдигaн "рeпeтитoр" дeб aтaлaдигaн мaшинa;

3. Ўзлaштиришни тeкшириб кyрaдигaн (экзaминaтoр) дeб aтaлaдигaн мaшинa; Юқoридaги ҳaр уччaлa мaшинaнинг хизмaтини бaжaрувчи aлoҳидa мaшинa ҳaм мaвжуд.

Инфoрмaция бeрaдигaн мaшинaлар oрқaли мaълум бир вaрaкдaги тeкcтни ўқиш, чeт тиллардaн қилингaн тaржимaларни, фoрмулaларни , рaкaмларни вa турли тaсвирларни бaён қилиб бeриш мумкин.

Шундaй қилиб фaн-тeхникa ривoжи мaктaб тaълимининг сaмaрaдopлигини oширишдa улкaн урин эгaллaйди.

4.ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Таълимнинг кўргазмали бўлиши мактабларимиз тарихида узок вақтлардан бери давом этиб келади ва унинг аҳамияти гоят каттадир. Кейинги йилларда мактаб таълими самарадорлигини оширишга қаратилган янги ва кўпдан -кўп техника воситалари яратилди ва улар улкан ижобий натижалар бермоқда. Сунгги йилларда мактабларимиз практикасида Аудиовизуаль яъни эшитиш ҳам куриш техника воситалари (кино фильмлар ,телевидения ҳам радио эшиттиришлари патефон магнитофон ленталари) кенг куламда кулланилмоқда.

Кинофильмлар, шу жумладан ўқув кинофильмлари кўпдан бери ўқув жараёнидан урин олиб келмоқда. Айниқса, рангли тасвирлар ва оддий куз билан куриш мумкин бўлмаган объектларнинг намоиш қилиниши таълим жараёнида муҳим аҳамиятга моликдир.

Шунингдек ўқувчиларнинг узлари ҳам кинога олиш аппаратлари орқали таълим учун зарур бўлган объектларнинг кинога олишлари табиат ходисаларининг тадбирийд ривожид, ер катламлари табиий манзаралар, тарихий жойлар ва ёдгорликлар, ишлаб чиқаришдаги операцияларни ўрганишда катта имкониятлар яратиб беради.

Телевидение-таълим самарадорлигини оширишда муҳим рол уйнайди. Аввало шуни айтиш керакки, телевидение воситасида бир йула кўп сонли ўқувчилар группалари йирик мутахасислар, фан, техника ва санъат арбобларининг лекцияларидан фойдаланишлари мумкин. Телевидение нихоятда катта имкониятларга эга: унда турли муасасалар, экин майдонлари, фермерлар, илмий лабораториялар, музей ва выставкалардан олиб кўрсатиш имконияти мавжуддир.

Бу гоят муҳим дедфаол аҳамиятга эга. Минглаб ўқувчиларимиз мактабларда ажратилган алоҳида хоналарда, мактабдан ташқари белгиланган муҳсус жойларда Республикамизда ташкил этилган ўқув эшитиришлари, айниқса математика, чет тиллари бўйича утказилаётган машғулотлардан кенг суръатда фойдаланиб келмоқдалар.

Айниқса ишлаб чиқариш, қишлоқ хужалиғи ва уларнинг кенг тармоғида олиб бориладиган иш жараёнлари яъни техникадан фойдаланиш шунингдек, мактаб лабакратория ва кабинетлари амалга ошириш мумкин бўлмаган тажрибаларни телевидение орқали намоиш қилиш жуда муҳим дедфаол кимматга эга. Тўғри телебвидение машғулотларида тингловчилар билан алоқа урнатиш мумкин эмас.

Шунга карамай ўқитувчи машғулот олдидан ўқувчиларни баён қилинажак масалалардан хабардор қилиши вამалум даражада тайёргарлик куришлари, шунингдек, эшитиришдан сунг машғулот юзасидан суҳбатлар утказиш хулосалар ясаши, яхши самара беради.

РАДИО- марказий ва маҳаллий радио станциялар орқали мактаб ўқувчиларга оид эшитиришлар бериб борилмоқда. Шунингдек, айрим мактаблар уз радио узелларига эга. Радио орқали физкультура, музыка ва чет тиллари бўйича дарс олиб бориш катта урин эгаллайди.

Чет тиллар юзасидан олиб борилган машғулотлар уквчиларни чет сўзларини тўғри талаффуз қилиш, ифодали ўқиш ва умуман болаларнинг нутқини устиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, радио узелларида ўқув грам запислари, фанограммалар, эшитириш, классик адабиётлар намуналаридан ёзиб олинган парчалар текстни эшитириш, ашулла ва физкультура дарсларда ёзиб олинган музыкалардан кенг фойдаланилмокда.

ПАТЕФОН ВА МАГНИТАФОН ленталари (пластинкалар)га ёзиб олинмаган материаллар, хусусан, чет тилларини ўрганишда кенг куланилади.Булар айниқса, чет сўзларини тўғри талаффуз қилишда гап тузишда зарур бўлган малакалар билан куруллантиради. Адабиёт, музыка, ашулла дарсларини утишда машхур артислар, бастакорлар, хонандалар ижросида ёзиб олинган бадий ўқишлар, музыка ва кушикларни эшитириш кенг куланилади ва у катта самаралар бермокда.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Группа, идевидуал, ўқув машғулотлари, дидфаол, таълим методикаси

АДАБИЁТЛАР:

1 С. П. Баранов, Л. Р. Болотина, Сластенин " Педагогика".

Тошкент." ўқитувчи" 1990й.

2 С.Р.Ражакбов. "Педагогика". Тошкент. " ўқитувчи"1981й.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1 Ўқитиш усулларини қандай таксимлаш мумкин ?

2 Группа усулида ва индивидуал тарзда ўқитишнинг бир-биридан фарқи нимада?

3 Мактабда ўқув машғулотларини ташкил этишнинг дарсдан ташқари қандай формалари мавжуд? Уларнинг аҳамияти?

4 Ўқувчи телевидение ва радио орқали қандай имкониятларга эга бўлади?

7 - мавзу: Ўқитиш шакллари

РЕЖА:

1. *Ўқув жараёнини ташкил этиш ҳақида.*
2. *Таълимда синф дарс тизимининг келиб чиқиши ва такомиллашиб бориши ҳақида.*
3. *Дарсда ўқув жараёнининг тузилиши.*
4. *Дарс турлари ва тузилмалари.*

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

Мактабнинг тарихан тараққий этиш даврида таълимни ташкил этиш шакллари турлича бўлган. Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузум ва шу тузумнинг манфаатларига мос ҳолда шаклланган. XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги И.А.Коменский (1592-1670) тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф-дарс тизимини яратди. Я.А.Коменский таълими ташкил қилиш ҳақидаги карашлари бир катор хиссий қаршиликларга учраган бўлса ҳам, Ғарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил этишни бирдан-бир шакли деб эътироф этилди. Ўзбек мактаби октябр тунтаришидан кейин синф-дарс тизимига ўтди. Октябр тунтаришига қадар марказий осиёда ўрта аср мактабларига ҳос таълим тизими давом этиб келди. Бир ўқиш хонасида 6 ёшдан 15-16 ёшгача болалар гуруҳи билан бир вақтда машғулоти олиб бориладди. Шунингдек, бир ўқиш хонасидаги ўқувчининг билим даражаси ҳам турлича булар эди. Эндиликда мустақил жумҳуриятимиз халқ таълими олдида қуйган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мактаб таълимини ташкил қилишнинг янги-янги шакллари яратилмоқда.

Синф-ёши ва билими жхатдан бир хил бўлган маълум миқдордаги ўқувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади. Мактабларимиз босиб ўтган тарихий давр ичида таълимнинг ташкил қилиш шакллари ўзгарди, ривожланди.

ТАЪЛИМДА СИНФ-ДАРС ТИЗИМИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШИБ БОРИШИ

Ҳозирги мактабларимизда кулланилаётган синф-дарс тизими кулидаги ташкилий шаклларда олиб борилади.

1. Хар қайси синф ёши ва билимига кура бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга ммулжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўқитилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта тугалланган билим берилади ва навбатдаги билимларнинг ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Айни пайтда ,мактабларимизда таълимни ташкил қилиш шакллари икки турда олиб борилмоқда .

1.Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машғулот.

2.Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машғулот ўқитувчининг кундалик ўқув материални тизимли баён қилиб беришни,хилма-хил усуллардан фойдаланишни,ўқувчиларни билим,кўникма,малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб боришни,ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатишни уз ичига олади.

Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар синф шароитидан ташқарида,ўқув устахонасида,тажриба ер участкалари ва колхоз-совхоз экин майдонларида ишлаш,саёхатлар утказиш йули билан олиб борилади.

Ҳозирги замон дидактикаси кўп йиллар давомида туплаган ўқитиш қоидалари,фан ютуқларива илғор тажрибалар асосида олиб борилмоқда. Лекин мактаб олдида турган янги вазифалар ва эҳтиёжлар ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини оширишни, уни янада ривожлантиришни ва юқори босқичга кутаришни талаб қилади.

ДАРСДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Дарс,юқорида айтиб утилганидек,ўқитишни ташкил этишни ўзгармас шакли эмас.Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йулини излайди.Турли туман фикр мулохазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб берише лозим.

1. Хар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган булмоги лозим.

2.Хар бир дарс мустахкам гоъвий-сиёсий йуналишга эга булмоги лозим.

3 Хар бир дарс турмуш билан ,амалиёт билан боғланган булмоги лозим.

4Хар бир дарс хилма-хил усул,услуг ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилиши лозим.

5.Дарсга ажратилган хар бир соат ва дақиқаларни тежаб,ундан унумли фойдаланиш лозим.

6.Хар бир дарсда ўқитувчи ва ўқувчининг фаоллиги бирлигини таъминламоги лозим.

7.Дарсда ўқув машғулотларини мазмунига оид кўрсатмали куруллар,техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятларини яратмок лозим.

8.Дарс машғулотларини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан хар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари,унинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.

9.Хар бир дарс мазиуни характерида келиб чиқиб,халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланиш лозим.

ДАРС ТУРЛАРИ ВА ТУЗИЛИШЛАРИ

Бир соатлик барсга мулжалланган дастур материалининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулот турлари деб юритилади.Таълим тизимида энг кўп кулланиладиган дарс турлари қуйидагилар:

1. Янги билимларни баён қилиш.
2. Утилган материалларни мустахкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга кулланиши).

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, ҳатто учинчи бир дарс турининг элементлари бўлиши мумкин.

Демак, дарс бошдан-оёқ бир дастур билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустахкамлаш (иккинчи бир дарс тури элементлари-савол-жавоб утказиш), янги билимлар устида машқ утказиш (учинчи дарс тури элементи-масала ва мисоллар ечиш, грамматик тахлилишларини олиб бориш, уйга вазифа, бошқа бир дарс элементи-тушунтириш, йул-йуриklar кўрсатиш) каби бошқа элементлар ҳам бўлиши мумкин. Бирок, дарс турлари тузилишидаги ҳар қандай қисм-дидактик усул дарс тўзимини ташкил қила олади. Яъни дарс тузумининг ўзгариши биланок дарс олиб бориш усули ҳам ўзгаради. Демак, дарснинг шу қисмига келиб, дарснинг шакли ҳам бусули ҳам ўзгаради. Бу билан дарснинг янги босқичи бошланади. Масалан: аралаш дарс турининг тузилиши;

1. уй вазифаларини сураш, текшириш;
2. янги материалларни баён қилиш;
3. янги материалларни мустахкамлаш;
4. уй вазифаларини топширишни уз ичига олади;

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Таълим тизими, синф - дарс тизими, синф, дарс синф-дарс тизимини марказий осийёга кириб келиши, дарс турлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. А.К. Мунавваров "Педагогика" Тошкент. "Ўқитувчи". 1996.
2. И.И. Турсунов, У.Н. Нишоналиев "Педагогика курси". Тош. "Ўқитувчи". 1997.
3. М. Миркосимов "Дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш". Халқ таълими. 1995.
4. Р.А. Мавлонова "Узлуксиз таълим" "Маърифат". 1992 йил 26-июнь.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Синф-дарс тизимини 1-яратувчиси ким?
2. Дарс турлари.
3. Таълимни ташкил қилиш шакллари.
4. Дарс жараёнида қуйиладиган талаблар.

8 - мавзу: Тарбия назарияси

РЕЖА:

1. Тарбиянинг қоидалари. Тарбиянинг мақсадга қаратилган қоидалари.
2. Тарбияда инсонпарварлик, демократик, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устунлиги қоидаси.
3. Тарбияда изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг уйбунлиги ва узлуксизлиги қоидалари.

Тарбия назарияси-педагогика фанининг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни, усули ва ташкил этилиши масалаларини ўрганади. Ҳаётга янгича иқтисодий ва сиёсий нуқтаи назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан жараёни ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шакллари ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. Тарбия назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва халқ педагогикасининг бой тажрибаларига таянади.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий эстатик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари мустаҳкамланади.

Тарбия қоидаси-педагог талим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш масаласида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир. Тарбия қоидалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар ҳисобланади, янги кишини шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия оидалари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттиради.

Тарбиянинг моҳияти, мазмуни қоидалари мамлакатимизда янгича иқтисодий муносабат шароитларининг ўзгарганлиги сабабли кенгайиб бормоқда. Тарбия қоидаларига қуйдагиларни киритиш мумкин: тарбиянинг малум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаси, тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан боғлиқлиги қоидаси, тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги қоидаси, тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш қоидаси, изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги қоидаси ва бошқалар.

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад, ҳар томонлама маънавий ривожланган, ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари шу мақсадга эришини кўзда тутаяди.

Умумий таълим мактабнинг асосий вазифаси – шахсининг ақлий, ҳис-туйғули ва жисмоний ривожланиши, қобилиятларини ҳар томонлама камол топтириш, имконича борица қулай шароитлар яратишдан иборат. Шунингдек ўқувчиларда миллий ғурур ва миллий ахлоқ одобни шакллантиришни кўзда тутаяди.

Тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлик қоидаси ёшлар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга

бўйсундирилган бўлса, унинг ғоявий-сиёсий даражасини оширади, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади, уларнинг тарбиявий таъсири юқори бўлади.

Ёшларни инсоний фазилатлар руъида тарбиялашда мукаддас китоб Куръони Карим, Ҳадиси шарифдан фойдаланаш жуда муҳим. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлари», Алишер Навоийнинг шоҳ асарлари, ҳикматлари муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Тарбияни демократиялаш-бу тарбияни мамурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбияга ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир.

Тарбиявий фаолиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштиришунинг моҳияти ва мазмунини қайта тафаккур этишни кўзда тутаяди, шахснинг ривожланиш ва ўзлигини англаш ҳуқуқини таъминлайди. Талабаларни Ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан таништириш, маданий ва диний билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малакаларини ошириб, тобора бойитиш, эстетик тушунчаларни шакллантириш жуда муҳимдир. Маънавий қадриятлар ва ғоялар ҳар хил миллат талабаларини бирлаштиради, ўқув ва меҳнат фаолиятларини уюштиришда ёрдам беради.

Халқимизнинг кўп асрлик қадриятларини, улкан ва бой маданий меросини чуқур билмасдан, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур туйғусини қарор топтириш мумкин эмас.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида катта маданиятни яратди. У яратган бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Исмоил Ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Абу Али Ибн Сино Фариддин Аттор, Марғилоний Алишер Навоий, Низомий Ганжавий ва бошқа буюк мутуфаккирларнинг асарлари орқали Ўқувчилар гўзал ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, ифбат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, ота-онани ҳурмат қилиш қоидалари бақида кенг тасаввурга эга бўладилар.

Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дўстлик, ота-онага садоқатлик, меҳнатсеварлик, диёнатлилик каби фазилатларни қамраб олади. Ота-боболаримиз болаларда ёшликдан ана шундай гўзал фазилатларни қарор топтиришга катта аҳамият берганлар.

Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари томонидан тан олинishi шарт.

Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён унумнинг иши ва узлуксиз бўлсин, барча ёшдагилар шахсларни қамраб олсин, тарбиянинг барча томонлари ҳамоҳанг бўлсин, турли ижтимоий, жамоат ва давлат

институтлари ва муассасаларни шахс камолотини шакллантириш борасидаги ҳаракатлари мужассамлашсин.

Тарбия ишида изчиллик жуда муҳимдир. Тарбиячи аввалига талабалардан бирор нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг бу талабини унутиб қўйса ёки ўзи бу талабга хилоф иш тутса, бу ҳол тарбияга жуда ёмон таъсир қилади.

Ўқитувчи субутли; ўз лафзига собит бўлмоғи керак. Масалан: «Эртага маруза дафтарларингизни текшираман», «Ҳар бирингиздан дарсни алоҳида сўрайман» деб ваъда бердингизми, ижросини унутманг.

Педагог бирор тарбиявий тадбир уюштиришни талабаларга ваъда қилиб, сал орада ваъдасини эсдан чиқариб қўйса, талабалар бундай ўқитувчига ишонмай қўядилар. Ҳар бир педагогнинг иши билан сўзи бир бўлиши лозим.

Ёшларга тарбия ва таълим беришда узлуксизлик ва тизимлиликлари риоя қилиш керак. Ҳамма тарбиячилар талабаларга бўлган муносабатларида бир-бирларига зид ҳаракатда бўлмасликлари, бир хил талаб қўйиш муваффақият қозонишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Афсуски, амалда баъзан оила мактабнинг талабларини қўллаб-қувватламайдигина эмас, балки талабага тескари таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар орасида ҳам талабаларнинг бир хиллиги ҳамиша таъминланавермайди.

Тарбия узоқ муддатли, мураккаб жараён бўлиб, унда ота-она, ўқитувчи, жамоатчилик ва бошқалар қатнашадилар. Шу сабабли уларнинг ишида изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, талабаларнинг тарбияланганлик даражасини, тарбия усуллари ва шакллари ўз вақтида аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бу қоида тарбия ишида тарбияни оширадиган барча бўғинларнинг (оила ва мактаб, ўқувчилар ва шлар ташкилотлари, мактабдан ташари тарбия муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг, кенг жамоатчилигининг) ҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш кўришни кўзда тутати. Чунки тарбиявий таъсирдаги тизимлиликлари фақат ёшларни эмас, балки аҳолининг барча қатламини тарбия тизимига жалб қилишдаги ранг-баранг шакл ва усуллари ижтимоий-иқтисодий ҳам педагогик жиҳатдан, нафақат туб аҳоли, балки республикадаги истиқомат қилаётган бошқа миллатлар ва элатларнинг этнопедагогикаси позицияси жиҳатидан ҳам таъминланиши керак.

Мавзуни такрорлаш буйича «таянч» сўз ва иборалар:

Тарбия жараёнининг моҳияти. Тарбия қоидалари. Тарбиянинг мазмуни. Тарбиянинг моҳияти. Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги. Тарбияда инсонпарварлик ва демократия. Тарбияда миллий умуминсоний кадриятларнинг устунлиги. Тарбияда изчиллик, тизимлиликлари ва узлуксизлик.

Мавзуни такрорлаш юзасидан назорат саволари

1. Тарбия жараёнининг моҳияти нималардан иборат?
2. Тарбия қоидалари қайсилар?
3. Тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаси нима?
4. Тарбияда миллийлик деганда нимани тушунасан?
5. Тарбия жараёнида Марказий Осиё файласуфларининг тутган ўрни.
6. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
7. Тарбия жараёнининг тарихий тараққиётга боғлиқлиги нимада?

9 - мавзу: Таълимни бошқариш тизими

РЕЖА

1. *Бошқариш ҳақида умумий тушунча.*
2. *Мактабни бошқаришда демократиялаштириш.*
3. *Мактаб ичидаги бошқарув тизими ва тузилиши*
4. *Ички бошқарувнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари*

1. Бошқариш ҳақида умумий тушунча

Бошқарув тараққиётнинг ҳар қандай босқичида жамиятга хос бўлган ички хусусиятдир. Бу хусусият умумий характерга эга. Бошқарув халқ манфаатини кузлаган ҳолда демократик услуб негизида амалга оширилади. Уз-ўзидан равшанки, бундай бошқарув жараёнида инсон омилига, хусусан, миллат манфаати ва миллий қадриятларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бошқарув меҳнати инсоннинг бошқарув вазифалари амалга ошириш жараёни бажариладиган ҳаракат ва жараёнларда ўзининг аниқ ифодасини топади. Бошқарув вазифалари ёрдамида эса системанинг ҳаракатлари, ривожланиш ва такомиллашуви, унинг барқарорлиги ва ҳаётчанлиги таъминланади. Қуйидаги бош вазифаларни ажратиб кўрсатиш мумкин: қарорларнинг бажарилиш жараёни педагогик таҳлил қилиш, ривожлантириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва тартибга солиб туриш.

Педагогик жараённинг самарадорлиги мактаб раҳбарининг бошқарув вазифаларини сифатли бажаришлари, уларнинг фаол ва уйғун ҳамкорлиги билан баб-баробар белгиланади, улардан бир-бирининг аҳамиятларини пасайтириб юбориш муқаррар равишда бутун система бирлигининг бузилишига олиб келади.

Режалаштириш илмий бошқариш ва раҳбарларнинг марказий бутунлигини ва асосини режа ва ҳар қандай жамоа фаолиятининг аниқ мақсадлари ҳамда вазифалари ва унга эришиш воситаларини белгилаб беради. Режанинг аҳамияти яна шундан иборатки, у провард натижада фақат нимага эришиш кераклигини эмас, балки буни қандай уддалаш, режани бажаришнинг қандай риводланиш кераклигини кўрсатиб бермаслиги керак. Режалаштиришга фақат келажак эмас, балки утмиш, утмишнинг тажрибаси ҳам таъсир қилар экан.

Мактаб ички режалаштириш масалалари кўпгина педагогик олимларнинг ишлари билан асосланиб берилган. Режалаштиришнинг моҳияти мактаб ходимларини куйилган мақсадга эришиш, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш учун зарур бўлган жамоа тарзига ва яқка тартибдаги меҳнатни вақт жиҳатидан оқилона таксимлашдан иборатдир.

Мактаб раҳбари режалаштиришнинг ташкил этишнинг мунтазам ёндашувига амал қилмоғи лозимдир, бу ёндашув режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг тузилиши ва мазмуни, режалаштириш методлари ва унинг бажарилишини ташкил этиш хусусиятларини диалектик бирлиги ва ўзаро

боғлиқлигини режалаштиришнинг бошқа бошқарув вазифалари билан ўзаро ҳаракатларини назарда тутди.

Мактаб режаларининг хилма-хиллигини кўпгина белгиларига кура вақт бўйича (беш йил ўқув йили, ярим йили, чорак, ой, ҳафта) шаклига кура (ёзма, график детали) тузилиши бирлигига кура мактабнинг иш режаси, ўқувчилар ташкилотлари, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, метод бирлашмаларининг ва уларнинг уз-ўзини бошқарув органларининг иш режасини таъкидлар эканмиз, биз мактаб ишини ўқув йилига режалаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларга қараб чиқиш билан чегараланамиз ва мазкур масала моҳиятини ана шу нуқтаи назардан ёритиб берамиз.

2. Мактабни бошқаришни демократиялаштириш

Халқ таълими тизими ва мактабни бошқаришнинг энг муҳим қондаси-демократиялаштиришдир. Бу ақида ҳозирги мустақиллик даврида жамиятни янада демократиялаштириш муҳим аҳамият касб этмокда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжаликни бошқариш тизимининг энг асосий шартини бўлган демократик қонданинг гоёт макбул шакилларини излаб топиши бугунги муҳим ва долзарб муаммолардан биридир. Мактабларни бошқаришда, айниқса, демократик ақида, қонун қоидалари ниҳоятда муҳимдир.

Мактабдаги ўқитиш жараёнида, мактаб фаолиятини тартиби ва қонун қоидаларига жуда кўп ўзгаришлар киритилди. Бу ўзгаришлар ҳар битта инсонларнинг дунё қараши ва билим доираларини кенгайтириш сабабидир. Аввало ўқувчилар билим олишлари учун жуда ҳам кенг шароитлар яратилган. Чуқурлаштирилган гимназиялар, музейлар ўқувчиларнинг билим доираларини чуқурлаштиришга кенг йул очиб бермокда. Чуқурлаштириш - бу аввало уз устида ишлаш, изланиш дегани демакдир.

Ана шундай гимназия ва лицейлар учун эса қобилиятли, билимли ўқувчиларни саралаб, уларни келажакларига поудевор яшашга кенг йул қуйилди. Албатта, бу пойдеворни билимдон мутахассис ўқитувчилар тайёрлайди. Энди ана шундай ўқитувчиларни саралаб улар ичидан энг билимдонларини танлаб олиш пайти етиб келди. Бу эса ўқитувчи ва булажак педагогларни уз устида тинмай ишлашини талаб этади. Чунки, бундай қобилияти билимдон ўқитувчиларга талаб ва эҳтиёж жуда катта бўлади.

Мутсакил Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. Шу сабабали ундаги яшовчилар инсонларнинг билимлари жиҳатидан кенгайиб бормокда. Ҳозирги замонамиздаги ўқувчилар ана шундайлардандир. Ҳаёт қанчалик олдинга борган сари улар ҳам шунчалик кўп нарса билиб олмокдалар ва буни устозларидан талаб этмокдалар. Бу эса ўқувчиларни, устозларини дарс утиш жараёнини анализ қилиб боради, уларнинг дарс утиши ёкмаса, ошкора билимдон усулларини талаб қилишлари мумкин.

Дарс утишда аввалом бор бўлган анъанавий режа бўйича дарс ўтиш бекор қилинди. Чунки, ўқитувчи синфга киради, ўтилган дарсларни такрорлайди. Янги мавзу ўтади, ана шундай тартибда ҳар доимги дарслар такрорланади. Ноанъанавий дарс ўтиш усули ҳар бир мактабга кириб бормокда.

Мавзуни болалар онгига етказиш, ўқувчини ўзини махоратига боғлиқ. Махоратли ўқитувчиларимиздаги услубиётларини ўқитиш улардани илғор тажрибаларни алмаштириш ўқув жараёнини кенгайтиришига ва мустахкамлашига кенг йул очиб беради. Мактабларда мактаб раҳбарларини сайлаш ошкора овозга куйиш орқали фикр мулоҳазалар, таклифлар киритиш орқали амалга оширилмоқда.

Ўрта, олий билим юр்தларига қолаверса, мактабга қабул қилиш ва ўқитиш шароитларига тест синовлари киритилди. Бу эса аввалги имтиҳон ва синовлардан анча аълорок ва мукамалроқдир. Юқорида айтиб утганимиздек, мактаб директорларини сайлаш ҳуқуқи ўқитувчиларга берилади. Мактабда ушиб ўқитиш, битираётган ўқувчиларни ютуқ ва камчиликлари мактаб жамоасига тегишли ва аҳамиятлидир.

Авалло мактабларда бошланғич синфларда турли типдаги синфлар ташкил этиб, уларни синфлар орқали саралаб, иқтидорли синфларга айлантирилмоқда. Ота-оналаримиз ҳам ҳозирги кунда фарзандларимиз истиклол келажагини янада мустахкамлаш учун фарзандларига пуллик курсларга талаб эҳтиёжлари ортмоқда. Уларни бу интилишларини мактаб жамоаси эътиборга беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Иқтидорли ўқувчиларни келажагини порлоқ қилиш учун турли хил мусобақа, олимпиадаларга қатнашишларини таъминлаб, уларнинг ютуқлари учун бор билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар, Илғор уқиувчиларни хар хил унвонларга тавсия этиш, ошқоралик тарзида мактабга меҳнати синган, илғор, тажрибалари катта, кенг оммалаштирилган ўқитувчилар тавсия этилмоқда.

Ўқув жараёнида янги замонавий фанлар киритилмоқда. Фан ва техниканинг ривожланиш тараққиётига кенг йул очиб бериш учун мактаб ўқув жадвалга компьютер техникани урганувчи фанлар киритилди.

Одобнома фанлари эса ўқувчиларни миллий урф одатларимиз, одоб ахлоқимиз, тарбияни мустахкамлаш учун одобнома фанлари киритилди.

Авлод-аждодларимиз асарларини, уларнинг тарихини ўқитиш учун эски ёзув фани ҳам дарс каторларидан урин олди.

Ўзбекистонда юксак чуққига эришиши, бошқа мамлакатлар билан мустахкам алоқа урнатиши учун, бошланғич синфларга инглиз тили фанлари утказилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки 2000 йилда жамиятимиз лотин ёзуви асосида янгидан тикланади. Шунинг учун болаларни лотин ёзувчига асосланган алифбо ёрдамида ўқитиш жуда кенг оммалаштирилди.

3. Мактабда ичидаги бошқарув тизими ва тузилиши

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг маълумот ва касбкор тайёргарлик даражаси ХХI аср арафасида ижтимоий ривожланишимизнинг улчови бўлиб колмоги керак. Бу - ислохатларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг яхши кафолатидир.

Ёшларимизга жаҳон таълим мезонларига мос ҳолда чуқур билим бериш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол гоҳларига содиқлик руҳида тарбиялаш масалалари таълим соҳасининг асосий вазифасидир. Бу эса узурнида таълим бошқаруви органлари, муассасалари, ўқув юртлари раҳбарларидан ташкилотчи ҳамда тадбиркор, юқори билим ва юксак маданият эҳаси бўлишини талаб этади.

Маълумки, аксарият умумтаълим мактаблари раҳбарлари халқ таълими ходимлари орасида энг кўп меҳнат сарф қилиб ишлаётганлар тоифасига киради. Шунинг билан биргаликда улар фаолиятлари давомида жуда кўп кийинчиликларга дуч келади. Бундай аҳолининг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- таълим бошқарувининг назарий асослари тўғрисида суёт билимга эканликлари;

- мактаб ички боқарувнинг самарасизлиги;

- мактаб бошқарувида инсон омилини ҳисобга олмаслик;

- коғозбозлик ва буйрукбозликка асосланган услубнинг сакланаётганлиги;

- мактаб раҳбарлари ўртасидаги иш таксимотининг амалда яхши ишламаётганлиги;

- малака ошириш масаласига эътиборсизлик;

- кадрлар кунимсизлиги;

- вақтдан унумли фойдаланмаслик ва хоказо.

Қуйида бошқарувда асосий йуналишлари ҳисобланган мактаб ички назоратни ташкил этишнинг айрим масалалари тўғрисида тухталамиз. Умумтаълим мактабини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида унга раҳбарлик қилиш, огир ва масъулиятли вазифадир. Мактаб ички назорати:

- бу жамоанинг уз олдида қуйилган мақсадга мувофиқ равишда ўқув-тарбия жараёнини хар томонлама ўрганиш ва тахлил қилишдир. Доимий пухта уйланган назорат, муваффақиятларни тўғри аниқлаш ва мустахкамлаш, педагогик жамоа фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларнинг олдини олиш имконини беради. Мактаб ички назорати ўқитувчилар билан бир каторда мактаб раҳбарларини ҳам интизомга ўргатади. Бу иш режали, мунтазам, аниқ бир мақсадга қаратилган, комплекс бўлиши, ўқув-тарбия жараёнининг ҳамма томонларини камраб олиши зарур.

Назорат тадбирлари босқичларидан айримлари санаб утаммиз:

- объект, мавзу танлаш, мақсад белгилаш (одитда бу мактабнинг йиллик режасида белгиланади);

- текшириш дастурини тузиш (саволлар туплами, анкеталар, диагностик жадваллар, назорта топшириқлари, тестлар ва бошқалар) назорат шакли ҳамда методларни танлаш;

- ишларнинг хакикий аҳолини текширишни ташкил қилиш;

- текширув натижаларини педагогик-диагностик тахлилини утказиш.

Ўқув-тарбия жараёнини мукаммаллаштириш бўйича тавсиянома ва таклифлар ишлаб чиқиш;

- текшириш натижалари юзасидан қабул қилинган бошқарув қарори.

Мактаб ички назоратини режалаштириб ва ташкил кила туриб, мактаб рахбарлари назоратнинг барча объектлари, йуналишлари тўғрисида аниқ, пухта тасаввурга эга бўлишлари лозим. Тахминан қуйидагича: ўқув режасидан айрим фанлари ўқитиш ахволи; дастур материалларини ўзлаштириш даражасининг давлат талабларига (давлат таълим стандартларига) мослиги; педагогик жамоанинг икtidорли ва қобилиятли ўқувчилар билан ишлаш тизими; мактабда юзага келган, асосий даражадан юқори маълумот олишни таъминлайдиган тизимнинг самарадорлиги ва рационаллиги (ихтиёрий фанлар факультативлар, махсус курслар ва бошқалар); суёт ўзлаштирадиган ўқувчилар билан ишлаш тизими самарадорлиги; педагогик жамоанинг мажбурий таянч ва умумий таълимни таъминлаш бўйича ишлари; методик ишлар; тарбиявий ишлар; мактаб хужжатларини юритиш; ўқув-моддий базадан фойдаланиш самарадорлиги; куни узайтирилган гурухларда ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқалар.

Даврий режалар асосидаги аттестациялар орасида иш фаолияти натижаларини аниқлаш, давлат аттестациясига пухта тайёргарлик куриш мақсадида, таълим муассасаларига уз-ўзини аттестациядан утказиш тавсия этилади. Уз-ўзини аттестациядан утказиш мактаб маъмуриятидан пухта тайёргарлик куришни талаб этади. Тажрибалар уз-ўзини аттестациядан утказишни икки босқичида ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмокда. Биринчи босқич давомида мактаб маъмуриятига қуйдаги масалаларни тахлил қилиш лозим бўлади:

- мактаб ўқув-моддий базасини тавсифномаси;
 - ўқув-тарбия жараёнининг зарур воситалар, асбоб-ускунлар ва жихозлар билан таъминланганлиги ҳамда номативларга мослиги (аниқ ҳолати, инвентаризация актлари);
 - ўқув-тарбия жараёнининг, фан хоналарининг услубий таъминоти даражаси ва улардан фойдаланиш самарадорлиги;
 - бюджет маблаглардан фойдалашнинг сунги уч йилдаги ахволи;
 - бюджетдан ташқари маблагларнинг мавжудлиги;
- ўқув-тарбия жараёнини компьютерлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ахволи ва х.к.

Биринчи босқичда, шунингдек, уз-ўзини аттестация этиш жараёнида тегишли текширув ишларини (назорат ишлари, тест синовлари, вкнетлар ва бошқалар) ишлаб чиқиш учун мутахассисликлардан иборат гурухлар тузилади. Таъкидлаш жоизки, бу мақсадлардан туман (шаҳар) халқ таълим бўлимлари ишлаб чиқилган материаллардан фойдаланиш лозим, улар бир нечта вариантда бўлса, хулосаларнинг объективлиги юқори даражада бўлади.

Иккинчи босқичда мактаб директори уз-ўзини аттестациядан утказиш учун метод бирлашмалар рахбарлари ва аъзолавридан иборат комиссия тузади ҳамда унинг таркибини ўзининг буйруги билан тасдиқлайди. Комиссия таркибига кушни мактабларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб этиш тавсия этилади.

Комиссия қуйидаги ишларни амалга оширишлари жоиз:

1. Олдиндан, бир неча вариантда тайёрланган ҳамда конвертларга солиниб, муҳрланган материаллардан фойдаланган ҳолда текширув ишларини утказиш. (хар бир синфда камида 4-5 текширув ишларини утказиш мақсадга мувофиқдир).

2. Дарсларни кириб куриш ва таҳлил этиш

3. Факультатив, синфдан ташқари машғулотлари ва тадбирларни кузатиш.

4. Тарбиявий ишлар самарадорлигини ва бошқаларни аниқлаш керак бўлади.

Мактаб жамоаси уз фаолиятини объектив тарзда баҳолаш учун сунги уч йил ичида бўлиб утган олимпиада якунлари, битирув имтихонлари, олий ва ўрта ўқув юртларига кириш учун топширилган тест натижалари ҳамда бошқа кўрсаткичлар таҳлил этилади.

Ўз-ўзини аттестациядан утказганда сунг комиссия аъзолари томонидан хулосалар ёзилади ҳамда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритилади.

Ўқув-тарбия жараёнини баҳолашда рейтинг усули ҳам кенг қўлланилмоқда. Микдорий кўрсаткичлар асосида шахсинг сифат тавсифномасини аниқлаш жараёни рейтинг деб аталади.

Айрим ўқувчилар ўқитувчиларнинг фанга интилишларини, дастурдаги материалларни ўзлаштириш даражасини аниқлашда, жорий, оралик ва якуний рейтингларни қўллайдилар. Жорий рейтинг мавзуни утиб бўлганда ёки мавзу жуда катта бўлса, бир неча дарсдан сунг (айрим ўқитувчилар томонидан хар дарсда ҳам) утказилади. Асосий кулланаётган топшириқлар - назарий ва амалий тестлардир. Оралик рейтинг дастурининг бўлими ёки ўқув чораклари якунида бўлади. Тест топшириқлардан комплекс текширув ҳамда амалий ишлар утказилади. Унда ўқувчилар томонидан тайёрланган маъруза, реферат ва бошқа ижодий ишлар баҳоланади. Якуний рейтинг ўқув йилнинг охирига мулжалланган. Текшириш жараёнида кулланилаётган усуллар оралик рейтингдагига ўхшаш.

Ўқув йили охирида имтихонлар утказилса, ўқувчиларга қўшимча баллар берилади.

Натижада ўзлаштиришнинг умумий баҳоси жорий, оралик, якуний ва имтихон балларининг йигиндисидан иборат бўлади.

Рейтинг балларидан одатдаги баҳоларга ўтиш усули қуйидагича:

умумий баллардан:

85-100% - "5",

75-85% - "4",

60-75% - "3",

60% дан кам бўлса - "2" баҳо.

Шунингдек мактабларда ўқитувчилар фаолиятини ҳам рейтинг асосида баҳолаш анъанага айланган. Бундан ташқари мактаб ички бошқарувида жиддий муаммолардан бири - мактаб ҳужжатларини юритиш устидан назоратни ташкил қилиш. Мактаб ҳужжатлари - мактаб - ишларининг кузгусидир, улар уз ичига қуйидагиларни олади: ўқув-педагогик, молия-хўжалик ва иш юритиш ҳужжатлари. Ўқув-педагогик ҳужжатларининг айримлари устида тухталиб утамиз. Ўқувчиларнинг ҳаракат дафтари катта назорат ҳужжати ҳисобланиб,

мактабда 50 йил сакланади. Мактаб директори ўзгарганда акт бўйича янги директорга топширилади. Ҳаракат дафтарининг ёзувлари ўқувчилар сони, ҳаракати ва руҳияти тўғрисида, тула, аниқ маълумот беради. Бу китобдаги ёзувларнинг тўғрилигига мактаб директори жавоб беради. Шунинг учун бу ҳужжатнинг тўғри юритилиши ўқув йили давомида 3-4 марта текширилади. Жумладан синф журналлари, кундаликлар, ўқувчилар дафтарларининг назорати ҳам мактаб раҳбарлари учун ўқув-тарбия ишларини назорат қилишнинг қулай ва зарур усуллари билан бири ҳисобланади.

Хуллас, мактабда ишига назоратни кучайтириш, педагогик жамоа фаолиятини оқилона ва тўғри ташкил этиш, келгусидаги муваффақиятларнинг гаровидир.

5. Ички бошқарувнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари

Ишлаб чиқаришни бошқариш омиллари деганда - бошқарув меҳнатининг махсус турларини, бошқарилувчи объектларга таъсир кўрсатишнинг у ёки бу йўналишларини тушунмок керак. Режалаштириш, ташкил қилиш, созлаш, назорат қилиш, ҳисоб-китоб қилиш амаллари бошқарув омиллари ҳисобланади.

Режалаштириш - бошқарувчи объектларни ривожлантириш ва моделлаштиришни, прогноз қилишни ҳам уз ичига олади. Ташкил қилиш эса ишлаб чиқариш объектининг тузилишини ва бошқарув тузилишини танлаб олиш ҳамда шакллантиришдир. Тизимнинг элементлари ўртасидаги муносабатларни ўзаро ҳаракатини белгилашдир.

Созлаш - тизимининг турли элементлари ўртасидаги матлуб нисбатини тутиб туришга, бошқарилувчи объект ишлаётганда режа топшириқлардан четга чиқиб кетишига йўл қўймасликка қаратилгандир. Бундан ташқри, ҳар бир ходимнинг фаолиятини созлаб боришни ҳам аниглайди.

Нazorat қилиш - ишлаб чиқаришнинг амалдаги жараёнини ва тараққиётини режага қанчалик мувоффиқлигини кузатиб ва текшириб туришдан, шунингдек, ҳар бир ходим фаолиятини текширишдан иборатдир. Нихоят, ҳисоб-китоб қилиш эса режани ёки уни амалга оширишдаги муайян босқичларнинг қандай бажарилаётганлигига яқин ясашдир. Ҳисобга олиш ахборотларни яқинлашга, уни тизимга солишга имкон беради. Шунингдек, мазкур тизимнинг рейтинги даврга мулжалланган иш дастурини ишлаб чиқиш учун ахборот базасидан тулик фойдаланишга имкон беради.

Мактабда бошқарув меҳнати билан шуғулланувчи кишилар (мактаб директори, директорнинг ўқув-тарбия ва хўжалик ишлари бўйича уринбосарлари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, услубий бирлашма раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотининг раиси) бошқарувчилик жамоасини ташкил этади.

Мактабда бошқарув тизими асосан 2 га бўлинади.

Мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар, тарбиячилар, ёшлар ташкилотчиси, синф раҳбарлари, услуб бирлашмаларнинг аъзолари, техник ходимлар.

Бошқариш соҳасидаги ирочи ходимларни ҳам 2 асосий гуруҳга а) мутахассисларга (ўқитувчи ва тарбиячиларга); б) техник ходимларга (лаборант,

фаррош, электромонтер, мактаб коровулли кабиларга) бўлиш мумкин. Мактабга ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларни тўғри ташлаш ва уларни жой-жоига қуйиш мактаб ички бошқарувидаги муҳим масалалардан биридир. Мактаб ходимларининг танлаш бобида қуйидаги қоидага риоя қилиш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ходимларини танлашда уларнинг сиёсий билимини, ҳалоллигини, ишни билишини ҳисобга олиш зарур.

Бу ўринда ишнинг кўзини билиш, ишчанлик, уюшқокликни таъминлаш бошқарув аппарати ишидаги асосий вазифа эканини англаш лозим.

Умумтаълим мактабларида бошқарувчиларнинг бошқариш маданиятини ошириш ва уни демократлаштириш ҳозирги бозор иқтисоди даврининг муҳим талабларидан биридир. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги ислохатлар давридаги хўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш конституциявий қоидалар, илмий ақидалар асосида олиб борилади. Мактабни бошқариш шакллари ва усуллари жамхуриятимиз иқтисодий тараққиётининг ҳар бир босқичида жамият ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларга мувофиқ ўзгариб, такмиллашиб бориши мумкин. Аммо жамхуриятимиз иқтисодий тараққиётининг барча босқичларида ҳам, айниқса, ҳозирги ислохатлар даврида ҳам халқ таълими соҳасининг бошқаришнинг қоидалари ва мазмуни у аҳамиятини сақлаиб қолади. Демак, мактаб ички бошқарувчини тўғри ташкил қилиш ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир. Биз ана шу бошқариш қоидаларига алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Халқ таълими тизими ва мактабни бошқаришнинг энг муҳим қоидаси - демократиялашдир. Бу ақида ҳозирги мустақиллик даврида жамиятни янада демократлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжаликлар бошқариш тизимининг энг асосий шarti бўлган демократик қонуннинг ҳолати мактаб шаклларида излаб топиш бугунги муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Бошқаришнинг илмийлиги ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ижтимоий тараққиёт қонунларини тобора туларок билиб бориш билан белгиланади.

Мактабда педагогик меҳнатни илмий асосида ташкил қилиш муаммоси кўпинча дарсда вақтдан унумли фойдаланишдан, синфдан ташқари тадбирлардан ва ўқитувчи-тарбиячиларни ижтимоий топшириқларни тартибга солишдан иборат деб қаралади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Бошқарув, ислохатлар, таълим бошқаруви, педагогик жамоа, ишчанлик, иқтисодий, тараққиёт, омишлар, режалаштириш, назорат қилиш. Мактабни ички режалаштириш, гимназия, лицей, маҳоратли ўқитувчи, замонавий фанлар, ўқитиш воситалари, кўргазмали куроллар

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ишлаб чиқаришнинг бошқариш омишлари деганда нималарни тушунасиш?
2. Демократиялаш қоидаси нима?
3. Бошқариш илмийлиги нима билан белгиланади?
4. Мактабдаги ўқитиш жараёнига ҳозирда қандай ўзгаришлар киритилди.
5. Мактабдаги ички режалаштириш масалаларининг моҳияти нимадан иборат

6. Ёш авлодни ҳар томонлама етук, ақлли, билимли бўлиб етишиши учун қандай ишларни ошириш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Тошкент 1998
2. "Халқ таълими"журнали. 1996 йил 2 сон
3. "Педагогика" А.К.Мунавааров таҳрири остида. Тошкент 1996
4. "Педагогика курси" И.Турсунов ва бошқалар. Тошкент 1996
5. "Ёш директор мактаби". А.Фролов. Тошкент 1992
6. "Педагогика" С.Баранов, Л.Болотина, В.Сластенин. Тошкент 1990

10 - мавзу: Педагогика тарихи

Режа:

- 1. Педагогика тарихи илмининг баҳси, мақсади ва вазифаси.*
- 2. Педагогика тарихи илмининг илмий назарий ва миллий асослари*
- 3. Педагогика тарихи илмининг манбалари мазмуни, асосий бўлимлари.*

Педагогика тарихи қадим замонлардан тортиб ҳозирги кунгача бўлган турли тарихий даврларда тарбия мактаб ва педагогика назарияларини тараққиётини урганди. У синфий жамиятдаги тарбия назарияси ва практикасини синфий мохиятини чекланганлигини прогрессив педагогик назарияларнинг реакцион назариялар билан курашни тарбия назарияни ва практикасининг тараққиётидаги тарихий қонуниятларини очиб берди.

Ёш авлодни утмишда тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан практикасининг қандай тараққий қилиб келганлигини билмай туриб ҳозирги жамиятда ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб бўлмайди. Тарбия ва таълим назарияси ҳамда практикасини тархий даврлардаги ривожланиши ПЕДАГОГИКА ТАРИХИДА урганилди.

Тарбиянинг илк шакллари ибтидоий жамият давридаёқ пайдо бўлган: Кекса авлод меҳнат жараёнида ортирган тажрибаларини ёш авлодга ўргатишга ҳаракат қилган. Кулдорлик тузуми даврида ШАРҚДА тарбияга оид турли педагогик қарашлар вужудга келди.

Демократик, Платон, Аристотел ва бошқалар қадимги юнон философлари асарларида тарбиянинг мақсади вазифаси мазмуни ва воситалари ҳақида фикрлар билдирилган.

Қадимги юнон философларини тарбияда этика ва психологик бирлиги принципларига таяниш ақлий, ахлоқий ва жисмоний бирлиги тўғрисидаги гоялари педагогик тафаккурнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Феодализм жамияти даврида таълим тарбия ишлари ҳукмрон феодал тузуми ва диний мафкура мақсадига қаратилди. Хусусан ўрта Осиёда тасаввуф маслагининг реакцион шакллари мактаб ва мадрасаларда катта таъсир кўрсатди. Таълим-тарбия соҳасида икки оқим вужудга келди. Биринчи оқим Газолий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон, Бокиргоний қабилар мадрасаларда аниқ фанлардан таъким берилишига қарши турдилар.

Иккинчи оқим дунёвий таълимни илгари сурди. Бу оқимнинг мохияти Ал-Хоразмий, Абу-Райхон Беруний, Фаробий Абу Али Ибн Сино Улуғбек, Низомий. Ганжавий, Носир, Хусрав, Саъдий, Умар Хайём, Алишер Навоий каби мутафаккирлар фаолиятдан намоён бўлди.

Булар тиббиёт мантиқ, мўзика, адабиёт, география, математика каби илмлар билан ёш авлодни тарбиялаш фикрини олға сурдилар.

Хусусан Фаробий инсоннинг маънавий етук ва мукамал бўлиши учун жисмоний ақлий эстетик ва ахлоқий тарбияни биргаликда олиб бориш зарурлигини қайд этди. Шарқ мутафаккирлари инсон ақл орқали ҳар қандай билимни эгаллашга қодир эканлигини таъкидладилар ва инсон қобилиятига қаттиқ ишондилар.

"Калила ва Димна", да шунингдек Кайкавусни "Кобуснома", Низомул мулкнинг "Сиёсатнома", Носир Хисравнинг "Саодатнома", "Рушноинома" Юсув Хос Хожибнинг "Кутадигу Билиг", Махмуд Кошкарийнинг "Девоний Луготит-Турк", Ахмад Югнакийнинг, "Хиббат ул хакойик", "Алишер Навоийнинг "Махбуб-ул кулуб" асарларида илғор педагогик-карашлар ҳам ифодаланган.

Инсонни тарбиялашни яхлит назарияси бўлган педагогика тарихи чек мутафаккири Я.К.Коменский номи билан боғлиқ. Коменский Европа тарбиясини умумлаштириб таълим ва тарбиянинг асосий масалаларини ишлаб чиқди. Синф дарс таълими системасини яратди. кейинчалик инглиз философи Д.Локк, француз материалистлари А.Гервеци, Д. Дидро, Ж.Ж.Руссо ва бошқалар педагогика фанини илғор гоёлар билан бойитдилар. Ўзбекистонда педагогикани ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлодний, Ниёзий Хусайнхон, А.Ибодиев, И.Рахматуллаев, Абдукодир Шакурий, Кори Ниёзий, О.Шарофиддинов, Р.Уринбоев, Ф.Эргозиев каби педагог ва олимлар номи билан боғлиқдир.

Утмишда прогрессив педагоглар ва атокли мутафаккирлар педагогикага доир муҳим фикрларни айтиб қолдирганлар, буларни ўрганиш педагогика тафаккурини усишига, педагогик маданиятини усишига имкон беради.

Куйида баъзи педагогларни назарияларини қараб чиқамиз. Буюк Славян педагогик Ян Амос Коменскийнинг фикрига тарбия назариясини ўқ вазиқаси бор: Ўзини, теваарак атрофидаги оламни билиш (ақлий тарбия), ўқ ўзини бошқариш (ахлоқий тарбия) ва худони танишга интилиш (диний тарбия).

Коменскийнинг ўрта аср педагогларидан бу масалада фарқли шуки, ў биринчи вазиқани хал қилинишини жуда муҳим деб ҳисоблади.

Коменский тарбияни ролига жуда юксак баҳо берди. Инсон дейди ў - фақат тарбия туфайлигина инсонга айланади, инсонга ў тарбияланишига энг кулай ёшда бўлганида, яъни болалик чоғида тарбия берилиши лозим.

Тарихий тараққиёт давомида турли мамлакатлар ва халқлар жаҳон педагогика тарихи ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Бу борада юнон олимлари Арасту, Платон. Демокрит, каби олимлар ўқ фикрларини баён этдилар. Айниқса, уларнинг инсон камолотидаги назарий қарашлари, тарбиянинг ролига берган катта аҳамиятлари педагогика тарихи назариясини, яратишда асосий замин бўлиб хизмат қилади.

Швейцариялик буюк педагог И.Г.Песталоцци элементар назариясини яратди. Унга қура тарбиялаш энг оддий элементлардан бошланиб, эста секин тобора мураккаброк даражага қутарилиб бориши лозим.

Песталоццининг элемент таълим назарияси жсимоний тарбияни ахлоқий ва эстетик тарбияни ҳамда ақлий тарбия ва ўқитишни ўқ ичига олади.

Мутсақилликка эришганимиздан сунг ўзимизнинг миллий ўрф-одатларимиз қадриятларимизни фойдаланишга кенг йўл очилди. Шунингдек педагогикада ҳам ёшларни қомил инсон бўлиб етиштишларида мустақил Ўзбекистонни мустақиллигини мустаҳкамлаш ўқун барча ишларни сидқидилдан бажаришга қиришилди. Яъни педагогикада ўзимизнинг миллий

асарлар Курони Карим, Хадис президентимиз. И.Каримов асарларидан фойдаланишга имконият яратилди.

Чунки уларда таълим тарбияни юқори чуқкилларини куриш мумкин.

Масалан: Куроннинг Оли-Имрон сурасида "Кишилардаги бахиллик, очкузлик, сифатлари кораланиб, уларни сахий адолатли олийжаноб бўлишга чақиради.

Чунончи хадисларда ҳам таълим тарбияни ҳамма томонларини куришимиз мумкин. "Илмни Хитойдан бориб бўлса, ҳам урган" "бешикдан кабргача илм изла" каби хадисларни илмни қанчалар қудратга эга экани у туфайли инсон буюк даражага етишиб жамиятда уз урнини топишини энгласак "Саломлашишни одат қилинглари, зеро у бир-бирларинга мухаббатларингни зиёда килур" хадисида инсоннинг юксак одоб ахлоқ эгаси эканлигини олий белгиси саломлашиш ҳақида фикр юритилиб у орқали инсонларни бир-бирига бўлган меҳр-мухаббати ортиши яққол ифодаланади.

Биз таълим тарбия беришда ўзимизни узлигимизни англашда аввало миллий маънавий дурдоналаримиздан фойдаланиш зарурдир. Булар бизга миллий асос бўлиб хизмат қилади.

Кадимий Туркистон жаҳонга Козизода Румий, Улуғбек, Лутфий, Хайдар Хоразмий, А.Навоий, Бобур - сингари алломатларни етказди.

Колаверса, уларнинг ахлоқ одобга оид қарамлари, педагогика фанлари бўйича таълимоти бутун жаҳонга урнатилган буларни маъно ва мазмун қасб этган.

Педагогика тарихнинг илмий, назарий ва миллий асосларини пухта ўрганиш ўқитувчиларнинг фақат педагогик маданиятини оширибгина қолмай, балки шу билан бирга, унга педагогик маҳоратни эгаллашга ёрдам беради.

Педагогика тарихи манбалари қуйидагилар: халқ маорифи ҳамда масалаларига доир архив материаллари: кадимий ёзма адабиётлар тарбия ва таълим масалаларига доир кадимий қул ёзмалар эълон қилинган расмий материаллар (қонунлар) лойиҳалар циркулярлар, ҳисоботлар, докладлар ва шу қабилар дарсликлар ва ўқув қўлланмалари дастурлар вав мактаб ишининг ҳаракетерловчиси бошқа материаллар. Атоқли педагогларнинг асарлари умумий ва педагогик матбуот.

Президент Каримов асарлари.

Педагогика тарихи маданият тарихи билан ҳамбарчас боғланган. Тадқиқотчи тарихий педагогика масалаларини ишлаб чиқишда граждонлар тарихи, фалсафа, тарихи, маданият тарихига адабиёт тарихига доир манбалардан ва турли асарлардан, шунингдек мемуарлар ва бадиий асарларни айниқса педагогикага доир қарашлари педагогикага тарихида ёритилган авторларнинг (масалар Ф.Рабле, Ж.Ж.Руссо, Л.Н.Толстой, А.Навоий, М.Кошқарий, Юсуф Хос Хожиб, Ал-Хоразмий ва авторларни) мемуарлар ва бадиий асарларида ҳамда мактаб оила тарбияси ва шу қабилар тасвирланган бадиий асарлардан ҳам фойдаланилади. Педагогика тарихини ўрганиши ўқитувчининг педагогик маданиятини оширибгина қолмайди. Балки шу билан бирга унинг педагогик маҳоратини эгаллашига ҳам ёрдам беради. Ўқитувчи ўтмишнинг энг яхши тажрибаларини ўрганади. Ўтмиш

тажрибасининг бу талхитда ижодий ўқитувчининг кундалик фаолиятида ердан беради.

Педагогикани пайдо бўлиши ва тараққиёти тарихи мактаб ва педагогикани тараққиёти тарихи ўқитувчига педагогикани энг мухим масалаларни кўрсатиб беради. Мактабнинг умумлантирилган тарихий тажрибасини баён қилади ва ўқитувчини бевосита амалий фаолиятга тайёрлайди. Олий ўқув юртларида педагогика тарихи курси 3 асосий иборат:

1. Чет элдаги мактаб педагогика тарихи.

2. Улуғ октябр Социалистик революциясигача қадар Россиядаги мактаб ва педагогика тарихи.

3. СССР даги ва бошқа социалистик мамлакатлардаги мактаб ва педагогика тарихи.

Педагогика тарихининг ҳар қайси бўлими асосан гражданлар тарихида қабул қилинган тартибдаги даврларга бўлишга мувофиқлаштириб давлатларга тақсимланди.

Чет элдаги мактаб ва педагогика тарихида ибтидоий камиятдан тортиб Капиталистик мамлакатлардан XX - аср ўрталаригача бўлган халқ маорифи мактаб ахволи шунингдек буюк педагоглар: Я.А.Коменский, Ж.Локк, И.Г.Писталоцци, И.Гербарг, А.Дистервег, К.Маркс, Ф.Энгельс каби педагогларнинг фаолияти ва педагогика соҳасидаги қарашлари урганилади.

Улуғ октябр Социалистик революциясига қадар Россияда мактаб ва педагогика тарихида феодализмдан бурунги даврдан то 917 йил (Улуғ октябр социалистик революциясигача) бўлган даврни ўз ичига олади. Унда Россиядаги мактаб ва педагогика шунингдек В.Г.Белинский, А.И.Гелсин, Н.И.Порогов, Н.Г.Чернышевский, Н.А.Добролюбов, К.Д.Ушинский каби педагогларнинг фаолияти ва педагогик қарашлари ёритилади.

СССР ва Социалистик мамлакатларда мактаб ва педагогика тарихи бўлимида 1917 йилдан бошлаб 1958 йилгача бўлган даврда маориф ва тарбияни социалистик мамлакатларда қай ҳолатда ривожлангани ёритилган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг президентимиз И.Каримов таълим тарбияга алоҳида эътиборни қаратди ва кадрлар тайёрлаш ва таълим тўғрисидаги қонунлар қабул қилиб мустақил Ўзбекистонни ривожланишига ҳисса қўшувчи ёшларни етарли таълим олишларига шароит яратиб берди. Ҳозирда ёшларимиз ўқ билимлари бўйича чет элларда таълим тарбия олмоқдалар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: Педагогика тарихи, философия, этика, психология, ақлий, ахлоқий ва жисмоний бирликлар, тафаккур, диний мафкура, инсон, таълим, тарбия, педагог.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Педагоглар илмининг мақсад ва вазифалари
2. Таълим тарбия соҳасининг илмий ва диний асослари
3. Педагогика тарихи илмининг манбалари мазмуни ва бўлимлари
4. Мустақилликдан сўнг педагогика фанининг юксалиши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. М.Ф.Шабаета. Педагогика тарихи. Т.1996 5-6 б., 7,189, 386 б.
2. Педагогика курси. Баранов Т.1990 й.
3. Педагогика. Мунавваров. Т.Ўзбекистон 1996 й.
4. Педагогика тарихи. К.Хошимов, С.Нишонова. Т. 1996 й.
5. Ўзбек совет энциклопедияси. Т. 484-486 б.

11 - мавзу: Педагогиканинг қадимий манбалари

Р Е Ж А:

1. Жамиятнинг турли босқичларида тарбиянинг келиб чиқиши ва ижтимоий тарихий тараққиёти.

а) Тарбиянинг келиб чиқишига оид турли ҳил қарашлар.

б) Ибтидоий жамиятда тарбия ва унинг мазмуни, мақсад вазифалари.

2. Қўлдорчилик жамиятида тарбия, унинг синфий характери.

3. Инсоният тараққиётидаги илк педагогик ғоялар ва уларнинг мақсад вазифалари.

ТАРБИЯ – ижтимоий ҳаётнинг зарурий ҳодисаси. У жамиятнинг янада ривожланиши, жамият ишлаб чиқарувчи кучларини, меҳнат жараёнини, инсоннинг ўзини, унинг маънавий ва жисмоний имкониятларини ривожлантириш учун зарурдир.

Тарбия доимо жамият учун жуда муҳим вазифани бажарган ва кишиларнинг турли авлодлари ўртасидан алоқа ва ворисликни амалга оширган. Бироқ, ҳар қандай иқтисодий формация учун, зарур бўлган ҳолда тарбия ўз мақсади ва вазифалари, ўзининг мазмуни, форма ва методлари бўйича ўзгариб борган. Бу ўзгаришлар ижтимоий муносабатлар, яъни жамият тарққиётининг турли босқичларида кишилар ўртасидаги муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Жамиятда қандай ишлаб чиқариш усули ҳукмронлик қилишига қараб, мазкур жамиятда ўз ролини бажариши учун муайян тайёргарликка эга бўлган кишилар талаб этилади. Бундай кишиларни тайёрлаш учун ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация ўз тарбия системасига эга бўлади. Бу система мазкур давр талабларига мос келади. Бу талаблар, жамиятнинг синфий структурасига қараб турлича қаноатлантирилади. Шунинг учун тарбия тарихий ва синфий характерга эга, у жамият билан бирга ўзгаради ва синфий характер касб этади, яъни ўз вазифаси, мазмуни ва ташкил этилишига кўра ҳокимият тепасида турган синф манфаатларига бўйсинади. (Белорусова В. В. ва бошқалар. Т. 1999 йил 5-6 бет)

ТАРБИЯНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШГА ОИД ТУРЛИЧА ҚАРАШЛАР

Тарбиянинг пайдо бўлиши масаласи катта принципал аҳамиятга эга. Олимлар бу масалага турлича қарайдилар. Маълум гуруҳдан олимлар ибтидоий одамларнинг иқтисодий ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан ижтимоий тараққиётининг энг дастлабки босқичидан болалар тарбияси ўртасида маҳкам боғланиш боришини инкор этадилар. Улар тарбияни биологик жараён қилиб кўрсатишга уринадилар. Масалан: Ш. Летурно, А. Эспинас ҳайвонларнинг инстинктив ҳаракатларини ибтидоий одамларнинг тарбиявий ишларига ўхшатадилар ва тарбиянинг асоси одамларнинг ўз зотини давом қилдиришга инстинктив равишда интилишда-иборат, бунда табиий танланиш қонуни амал қилади, деган нотўғри ҳулосага келадилар.

П. Монро назариясига кўра тарбиянинг асоси болаларнинг катталарга фаол равишда тақдим қилишга инстинктив интилишдан иборат деган фикр

юритади. Умуман тарбиянинг келиб чиқиши Ш. Летурно, А. Эспинос, П. Монронинг қарашларича биологик жиҳатдан талкин этилади.

Ислом динида тарбия бу оллохдан нисбат олиш маънавий баркамолликка эришиш орқали оллохнинг инъоми жаннатга эришиш деб ҳисоблайдилар. Муқаддас «Қуръон» кўрсатмаларига қатъий амал қилиш, «ҳадис»лар асосида оллох элчиси Муҳаммад пайғамбар, унинг сафдошлари ва авлиёлар, парайхлардан ибрат олиш деб ҳисоблайдилар. Айнан диний қарашларда мутлоқ ахлоқ, идеал соҳиби оллох ҳисобланиб, диний этикага риоя қилиш тарбия мазмунининг асосини ташкил этади.

Ф. Энгельс ўзининг «Маймуннинг одамга айланиши процессида меҳнатнинг роли» номли классик асарида «.....одамнинг ўзини ҳам меҳнат яратади.....» деб ёзган эди. (Н. А. Константинов, Е. Н. Мединский, М. Ф. Шабаев. Педагогика тарихи. Т. 1976 йил. 7 - бет)

Инсоннинг таркиб топишидаги биологик шароитлар унинг меҳнати туфайлигина ҳайвон ҳолатидан инсон ҳолатига ўтиши учун асос бўлади деб ҳисоблайдилар.

Ибтидоий кишиларнинг омон қолиши ва кўпайишидан иборат ўз табиий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган меҳнат фаолияти ҳайвонни бора-бора инсонга айлантиради, кишилик жамиятини яратди, бу жамиятни таркиб топиши социал қонунятлар билан белгиланадиган бўлди. Тарихдан маълумки, диний қарашлар асосида ўз халқи ва динини энг олий ва юксак даражада таърифлаб, миллий низо ва фожиаи воқеаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Уларнинг қарашларича, гўё маълум бир халқ оллох инъоми орқали тарбияланганлиги ақл-заковати билан ажралиб туради. Шунингдек бошқа халқлар уларга тобе бўлиши лозим. Бундай тасаввурларнинг куч ва асоссиз эканлигини тажрибада исботлаб беришга интилган айрим шахслар ҳам бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда буюк аждодларимиздан катта давлат арбоби ва улуғ шоир Бобурнинг набираси XVI асрда яшаган, ажойиб ҳукмдорлардан бири деб топилган Акбаршоҳ ғайриинсоний бўлсада, ғалати бир тажриба ўтказган.

Жавоҳарлал Нерунинг «Жаҳон тарихига бир назар» номли катта асарида шундай бир ривоятни келтиради: Хинд халқининг фаровонлиги учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлаган, унинг таърифича «ҳинд миллатчилигининг отаси» деб топилган улуғ подшо Акбаршоҳ ҳар хил дин ва ирқдаги кишилар билан диний ва бошқа турли мавзуларда баҳс, суҳбатлар ўтказиб келган. Бу баҳслар, одатда деб ёзади Неру – Акбаршоҳни мусулмончиликдан қайтариб ўз динига киритишга интилган ғайридин вакиллари ҳисобланган энг зўр уламоларнинг мағлубияти билан тугаган ва улар ўз мақсадларига эриша олмаганлар.

Ислом динига садоқатли Акбаршоҳ ҳинд қизи вакилига уйланиб сиёсий фаолиятида нафақат миллатлараро дўстлик ва биродорлик тарафдори бўлибгина қолмай балки виждон эркинлиги ғоясини ҳар томонлама ёқлаб келган. Мазкур сиёсатнинг тўғри эканлигини тажрибада исботлаш мақсадида бу мустабид ҳар хил халқ ва динга мансуб кишиларнинг энди туғилган 12 та фарзандларини тортиб олиб, уларга қараб турувчи гунг энагалар билан бирга баланд деворли қасрга қамаб қўйишни буюради. Шу тариқа маҳбуслар ташқи дунёдан мутлақо ажратилган ҳолда 12 йил давомида қаср ичида яшайдилар.

Болалар 12 ёшига тўлгач, шох ҳузурига турли ирқдаги ва диндаги машҳур олим ва уламолар тўпланишади. Бу ерда ҳозир бўлганларнинг деярли ҳаммаси диний ҳақиқат ва миллий характер туғма, инсон айниқса, муайян динга мансуб она тилида гапирадиган бўлиб туғилади, деган фикрни ўртага ташлаганлар. Акбаршоҳ бу фикрга қарши чиқиб инсон камолотида дин ёки ирқ эмас, даставвал таълим тарбия ва муайян муҳит ҳал қилувчи омил эканлигини айтади ва гунглар тарбиясида бўлган махсус болаларни келтиришини буюрадилар, 12 йил давомида жамиятдан мутлақо ажратиб қуйилган турли ирқ ва диндан одамларнинг фарзандлари на бир тилни, на бир динни билганлар. Улар қандайдир ноаниқ товушлар чиқариб, ўз фикрини имо-ишоралар билан тушунтиришга ҳаракат қилганлар.

Маълумки, тарбия инсон ҳаётидан бирча жараёнларда кечади ва умрининг охиригача давом этади. Энди тарбиянинг эволюцион тараққиётини босиб ўтганлигини, ҳар бир даврда тарбия ўз замонасининг талаби, муҳитидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши ва йиллар давомида алоҳида фан сифатида шакллана боришига эътибор берайлик. Бунда ўз динамик ўсиб бориши, унинг ҳар бир даврдаги мақсади, вазифаси жамиятда тутган ўрнига баҳо берамиз.

ИБТИДОЙ ЖАМИЯТДА ТАРБИЯ

Инсон меҳнат қуроли тайёрлай бошлаган даврдан бошлаб кишилик жамияти пайдо бўлди. Ибтидоий кишиларнинг омон қолиш ва кўпайишидан иборат. Ўз табиий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган меҳнат фаолияти ҳаёвонни бора-бора инсонга айлантирди.

Айнан меҳнат фаолиятида тарбия жараёни юзага келди. Энг оддий меҳнат қуролини қуллари билан қўллаш ва уларни онгли равишда тайёрлашнинг тобора кенгайиб, мураккаблашиб бориши ёки авлодга меҳнат билимларини, кўникма ва тажрибаларини бериш заруратини туғдирди. Дастлабки бу ҳол меҳнат фаоти жараёнида ва бутун ижтимоий ҳаёт қўйнида рўй берди. Кейинчалик тарбия инсон фаолияти ва онгининг алоҳида соҳасига айланди.

Матриархат тараққиётининг охири босқичларида ёш авлоднинг яшаши ва тарбияланиши учун ўғил болалар алоҳида, қиз болаларни тарбияловчи алоҳида муассасалар пайдо бўлди. Бундай муассасалар «ёшлар уйлари» деб номланиб, улуғ оқсоқолларнинг раҳбарлигида яшашга, меҳнатга, ўтказиладиган «синовларга» тайёрланар эди.

Патриархал уруғчилик жамоаси босқичида чорвачилик, деҳқончилик, ҳунар касб пайдо бўлди. Уруғчилик жамоасининг янада ривожланиб бориши натижасида бу жамоа «ўз-ўзини бошқарадиган қуроли ташкилот» бўлиб қолди. Ҳарбий бошланғич тарбиянинг турлари пайдо бўлди.

Ёш авлодни тарбиялаш уруғ тамонидан ажратилган алоҳида кишиларга топширилганлиги, тарбия мазмуни ҳамда синовлар дастурси кенгайганлиги ва мураккаблашганлиги мана шуларнинг барчаси уруғчилик тузуми шароитида тарбия ижтимоий фаолиятининг алоҳида формасига айлана бошланганлигидан далолат беради.

Ибтидоий жамиятнинг емирилиши хусусий мулк, қуллик ва оилали бўлиб яшайдиган даврга келиб, бола тарбияси оила қўлига ўтди. Аҳолининг ҳукмрон гуруҳлари: қохинлар, йўл бошчилар, оқсоқоллар пайдо бўлди. Улар жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишларга ўргатишни, ақлий билим беришдан ажратиб қўйишга ҳаракат қилдилар.

ҚУЛДОРЧИЛИК ЖАМИЯТИДА ТАРБИЯ, УНИНГ СИНФИЙ ХАРАКТЕРИ

Тарихий таққиётнинг кейинги даврларига келиб, ибтидоий жамоа тўзими ўрнини янги ижтимоий формация-қулдорчилик тўзими олди. Қадимги шарқда биринчи синфий жамиятлар пайдо бўлди, ҳамда моддий ва маънавий маданиятга негиз солинди. Греция ва Рим халқлари бу маданиятни маълум даражада қабул қилиб олиб қайта ишлаб чиқдилар. синфий курашда дин катта роль уйнайди. Бу даврда давлат миқёсида динлар вужудга келди. Миср, Ҳиндистон, Хитой мамлакатларида инсоният маданиятининг мураккаб формаларини бошқа жойлардагига қараганда олдинроқ вужудга келтирди.

Мазкур давлатларда ҳисоб-китоб, медицина, котиблик илмининг пайдо бўлишига асос солинди, дастлабки ёзув Миср ва Хитой пиктография ёзувидан шартли-иероглифлар (суратлар) билан ёзиладиган ёзув келиб чиқди. Ўрта денгизнинг шарқ қисмидаги мамлакатларда иероглиф ёзувидан ёзувнинг янги принципи-товушларни ифодаловчи ҳарфлар билан ёзиш ёки алфавит келиб чиқди. Алфавит ёзувчи дастлабхўжалик ишлари ва бошқа шу каби ишларнинг боришини қайд қилиши учун хизмат қилди.

Подшолар саройларида китоблар тайёрлайдиган мактаблар очилди. Бу даврда турли мамлакатлар ва халқлар жаҳон маданиятига турлича ҳисса қўшганлар. Масалан: Хитойда қоғоз ихтиро қилинди, Ҳиндистонда ҳисоблашнинг ўнлик системаси ўйлаб чиқилди. Ибтидоий жамоа тузумидан қулдорчилик тузумига ўтишдан қулдорлик тузумига ўтиш Ўрта Осиёда, Миср, Месопотамия, Хитой, Ҳиндистонга нисбатан кейинроқ содир бўлди. Эрамиз бошланишидан олдин Ўрта Осиёнинг жанубий чеккасига яқин бўлган жойда Ўрта денгиз билан Ҳиндистонни бирлаштирувчи қарвон йули қурилди, сўнгра Ўрта Осиё орқали Ўрта денгизга томон «Буюк йопиқ» йўли очилди.

Ўрта Осиё халқаро савдо сотиқ маркази бўлиб қолди. Бу ўз навбатида Ўрта Осиё воқеаларида маданиятни ўстирди, ёзувнинг тарқалишига ёрдам берди. Ўша вақтда Ўрта Осиё турли воқеаларида атрофдаги мамлакатларнинг алфавитлари: амрея (сурия) алфавити, юнон алфавити, шунингдек армея алфавитидан келиб чиққан маҳаллий ёзувлар эди.

Қадимги Хитойда қуйи ва юқори мактаблар бор эди. Юқори мактабларда задоганларнинг болалари ўқишни ва мураккаб проглифик усулида ёзишни ўрганадилар. Уларга фалсафа ва ахлоқ, ёзувчилар ва шоирларнинг асарлари ўргатилар эди. Бу мактабларда астрономияга доир баъзи маълумотлар ҳам берилар эди.

Қадимги Греция қулдорчилик тизими ривожланган, классик даражасига кўтарилган эди. Бу ерда инсоният цивилизациясининг дастлабки босқичларига асос солинди, таълим-тарбия тизими, мазмуни, мақсад вазифалари ўз даврининг талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилганди.

Тарихда Спарта ва Афина усуллари деб аталувчи мактаблар мазкур даврда вужудга келди. Иккала давлат кулдорчилик тузумига асосланган бўлиб, мактаб тизими кулдорлар фарзандларини тарбиялашга хизмат қилишади. Грецияда куллар барча инсоният ҳуқуқларидан маҳрум этилган бўлиб, фақат улар «гапирадиган иш қуроли» деб ҳисоблар эдилар.

Спартада асосан босқинчилик ҳаёт тарзига асосланган давлат бўлиб, бу ерда 9 минг оиладан иборат кулдорлар 250 минг аҳолига ҳукмронлик қилар эдилар. Спартада тарбия иши давлат миқёсида бўлиб, у спарталикларнинг болаларида бақувват ва чиниккан жангчилар, бўлажак кулдорлар тайёрлашни ўз олдига бевосита вазифа қилиб қўйган эди. Спарталикларининг болалари 7 ёшгача уйда яшар ва кейин агелла деб аталувчи алоҳида давлат муассасаларига жойлаштирилар ва 18 ёшга етгунча ана шу муассасаларда тарбияланиб, сўнгра афебия группасига ўтказилар ва ҳарбий хизматни уташардилар. Ёшларни қўлларга нисбатан шафкатсиз қилиб уларни менсимайдиган қилиб тарбиялаш, хурлаш, азоблаш ва жазолаб улдиришар эдилар. 30 ёшидан бошлаб йигитлар Спарта фукаролигига қабул қилинади.

Бу ерда қизларга эътибор бериларди. Афина тарбияси Спарта тарбиясидан ўз мақсадида вазифалари билан фарқ қилиб, баркамол инсон тарбиялар билан боғланганди. Аммо куллар фақат жисмоний меҳнатга маҳкум этилганди. Афина болалар 7 ёшгача уйда тарбияланар, ўғил болалар 7 ёшдан бошлаб давлат миқёсидаги хусусий мактабга қатнар, қиз болалар уй рузғори ишига жалб қилинади. Дастлаб болалар грамматик ва кифорист мактабларида ўқитилади. Грамматист мактабида ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш ўргатиларди. Кифорист мактабида болалар адабий билим, эстетик тарбия олишар эдилар. Болалар 13-14 ёшга етганларидан кейин полистра (кураш мактаби) деб аталган ўқув юртига утар эдилар. Бу ерда: ўқиш текин бўлиб, жисмоний машқлар: кураш, югуриш, сўзиш, диск ва найза улоқтириш ўргатиларди. Бадавлат оилалар учун палестрадан сўнг гимнасийда ўқиш имконияти мавжуд бўлиб, унда фалсафа, сиёсат, адабиёт фанлари ўқитиларди ва гиснастика билан шуғулланишни давом эттирардилар. 18-20 ёшдан бошлаб ёшлар эфеблар қаторига ўтиб, ҳарбий хизматга тайёрланар эдилар.

Умуман Спарта ва Афинада мукамал тарбия олиш фақат бадавлат кулдорларнинг болаларигагина хос эди.

Аҳолининг эркин қисми (демослар) ўз фарзандларига касб-ҳунар ўргатишардилар.

Эрамиздан олдинги олтинчи асрдан милодий бешинчи асргача ўтган даврда Юнонистондаги кулдорлик давлатлари ва Рим империясида бир қадар демократик тартиблар, республика бошқаруви ўрнатилди. Бу ерда ўзига хос таълим-тарбия тизимлари ва педагогик таълимотлар яратилди. Юнонистонлик олимлар-Демокрит (460), Сухрот(469-339), Афлотун (427-347), Арасту (383-118)лар ўз асарларида таълим-тарбия, ўқитувчи ахлоқига доир педагогик назариялар яратдилар.

Масалан, Демокрит тарбиянинг табиатга мослиги ғоясини ўртага қўйган. Ўқитиш жараёнида болаларнинг қизиқувчанлигини ҳисобга олиш зарурлигини уқтирган. Таълимнинг киши табиатини ўзгартирувчи қудратли куч эканлигини,

ўқитишда мажбурлаш усулидан кўра, ишонтириш воситасидан фойдаланиш афзаллигини; салбий намуналарнинг зарарлигини таъкидлаган эди. У тарбияда меҳнатнинг роли муҳимлигини кўрсатиб, педагоглар, ота-оналар болани ёмон ўрнадан эҳтиёт қилиб, яхши хулқ ҳосил қилиш учун фойдали ғхатти-ҳаракатларнинг кўпроқ машқ қилидиришлари лозим деган эди.

Афлотун, бола тарбиячига итоат қилиши зарурлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. У болани мутассил назорат қилиб бориш: унинг яхши хулқи, итоаткорлигини рағбатлантириш, итоатсизлик қилса- кўрқитиш ва уриб бўлса ҳам тўғри йўлга солиш лозимлигини таъкидлайди. “Агар педагог ёки ота-она, - деган эди у, - болага: мана бу- адолатли, бу эса- адолатсиз, бу ишни қилиш яхши, бу эса уят, бу нарса муқаддас, буэса – нопоклик: бу ишни қилиш керак, буни қилмаслик лозим деб айтмаса кўрсатмаса болани тарбиялай олмайди” /Хрестоматия по истории зарубежной педагогики. Москва, “Просвещение”, 1981 19- бет/.

Арастуниг “Искандарга насихати” / қаранг: “Ўзбек педагогикаси анталогияси”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995, 39-46 бетлар/ да баён этилган педагогик ғоялар ёшларни ахлоқий тарбиялаш нуқтаи назаридан ҳамон ўз қимматини йўқотмаган. Шунингдек, Арастуниг “Афина сиёсати” асарида тасвирланган / қаранг: Писаренко В.И., Педагогическая этика. Минск, 1977, 10-11 бетлар/ афиналикларнинг ўқитувчиларни сайлаш таомили ҳам ўқитувчи одоби бобида диққатга саовордир. Чунончи, муаллимдан ёшларда синфий бурчга садоқат, интизомлилик, давлатни бошқара олиш каби ахлоқий фазилатларни тарбиялаш талаб этилган. Сайлаб қўйиш- ўқитувчи-тарбиячилар зиммасига катта мажбуриятлар юкланган. Бу таомил Афина давлатида педагогик ишининг оммавийлигини, унга катта эътибор берилганини кўрсатади. Ўқитувчи этиб сайланган киши унга давлатнинг келажагини- ёшларни тарбиялашдек улуғ вазифа ишониб топширилганидан фахрланган. Давлат ва тарбияланувчилар билан ўқитувчи ўртасидаги муомула, муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга амал қилиш талаб этилган.

Рим педагогларидан энг машхури Марк Фабий Квинтилиан “Нотикни тарбиялаш тўғрисида” номли асарида педагогик муаммоларни, шунингдек ўқитувчи одобига доир масалаларни ҳам баён этади. Квинтилиан ўз замонасидаги Грек ва Рим педагогик ғояларини яхши ўрганиб нотиклар мактаюида кўп йиллар ўқитувчилик қилиб орттирган катта тажрибасини умумлаштиради. Унинг фикрича, бола мактабда таълим-тарбия олиши лозим. Ўқитувчи ўзи тарбиялаётган ҳар бир болага эҳтиётлик билан ва эътибор бериб муомула қилиши керак, чунки бефаҳм ва қобиятсиз бола камдан кам учрайди. Ўқитувчининг ўзи ўқимишли бўлиши, болаларни севиши, ўзини яхши тута билиш, болаларни бўлар-бўлмасга мақтайвермаслиги ёки жазолайвермаслиги, ўз шогирдлари учун ўрнатқ бўлиши ва уларни синчиклаб ўрганиши лозим. Ҳар бир ўқитувчи ўқитишнинг ҳамма босқичларини ўтиши керак. Юқори типдаги мактаб ўқитувчиси, авало, бошланғич мактабда муаллимлик қилиши мақсадга мувофиқ. Муаллим ва тарбиячиларнинг талаффузи яхши бўлиши керак.

Ўқитувчи одобининг тарихий илдизлари ҳақида гап борар экан, қадимги Юнонистон ва Рим педагоглариининг Юқорида келтирилган ғоларини тилга олиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Чунки, Марказий Осиёда яшаган мутафаккирлар Хиндистон, Хитой каби шарқ мамлакатлари маданияти, илм-фани, тарбияшунослиги, фалсафаси, педагогикасига ҳам эътибор берганлар. Жаҳон алломалариининг илмий алоқалари, маърифатпарварлик, педагогик ахлоқий таълимотлари Марказий Осиёда тарбияшунослик соҳасидаги фикрлар тараққиётининг тарихий илдизларидан биридир.

Таянч тушунчалар: синфий жамият, таълим-тарбия характери, таълим-тарбия мазмуни, таълим-тарбия мақсади, таълим-тарбия вазифалари.

Мустақил ижодий иш мавзуси:

1. Қадимги Юнонистон файлсуфлари Демокрит, Аристотель, Платоннинг педагогик қарашларини ва бугунги кун таълим-тарбия жараёни билан фарқи.

2. Тарбиянинг келиб чиқиши, турли ҳил илмий-педагогик қарашлар, синфий жамиятда мактаб маориф тизими, мақсад вазифалари, таълим-тарбия мазмунини синфий характерини ёритиб бериш.

3. Синфий жамият маорифи ва Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида билим олиш характерини ўзаро қиёслаш.

АДАБИЁТЛАР РҲҲХАТИ:

1. И. Жаббаров. «Ўзбек халқи этнографияси» Т. 1994 йил.
2. И. А. Каримов. «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» Т. 1991 йил.
3. К. Хошимов ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т. 1996 йил.
4. О. Хасанбоева ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т. 1997 йил
5. А. Зунунов. Педагогика тарихи. Т. 1997 йил
6. Н. А. Константинов, Е. Н. Меданский, М. Ф. Шабаева. Педагогика тарихи. Т. 1976 йил.
7. М. Ф. Шабаева. Педагогика тарихи. Т. 1985 йил

12 - мавзу: Ўрта аср буюк шарқ алломалари

Р Е Ж А:

1. Мовароуннахрни араблар томонидан босиб олинishi ва таълим-тарбия мухити.

2. Ватанимизда дунёвий педагогика гоёлари ва унинг намоёндалари.

3. Ватанимизда диний педагогик гоёлар ва уларнинг намоёндалари.

4. Ўзгониш даври таълим тизими.

5. Республикамиз тараққиётида маънавий ислохотларни амалга ошириш мақсад вазифалари. Инсон шахсининг камолотида Ислом дини ва Хадисларнинг роли.

6. Ислом динининг мақсади ва вазифалари.

7. Қуръони - Каримда шахс муаммоси

8. Хадисларнинг яратилиши ва уларнинг турлари.

9. Хадисларда инсон ва унинг ахлоқ-одоби муаммоси.

10. Ватанимизда хонликларнинг пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий оқибатлари.

11. Хонликлар даврида таълим ва маърифат масалалари.

Мовароуннахр (икки даре оралиги ёки дарё орқасидаги жой) VIII асрда араблар томонидан босиб олинган, халқимиз маънавий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Ислом дини улкамиз ижтимоий маънавий ҳаётида ҳукмрон мафкура ролини ўйнай бошлади.

Ислом динини халқимиз ижтимоий-маънавий такомилидаги ролига турли қарашлар мажуд:

1. Ислом дини ва араблар истелосини халқимиз маънавий ҳаётидаги таъсирни идеаллаштириш. Бундай қараш "Авесто" ва "Авесто"гача давр тарихини яхши билмаган ва ислом рухонийларининг айрим вакиллари томонидан эътироф этилади. Уларнинг фикрича: халқимиз истелогача ёввойи қолоқларча турмуш тарзига эга эди, араблар бизга маданият, маърифат олиб кирган.

2. Танқидий асосда ендашув. Овropa, Россия олимлари атеистик (худосизлик) нуқтаи назаридан ендашади. Уларнинг фикрича араблар улкамизга жаҳолат, маданиятсизлик, хурофатни олиб келганлар, бойликларни талаган, тинч аҳолига тажавбус килганлар.

3. Ислом дини ва араблар истелосини таърисини ҳолисона баҳолаш, бундай қараш Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сунг шаклланади.

Ислом дини ва араблар истелоси улкамиз таълим ва педагогик фикрларни тараққиетига қандай таъсир этди?

1. Ислом дини Ватанимизга четдан кириб келганлиги туфайли халқ ўз ихтиери билан уни қабул килмаган. Натижада халқ манавиятининг барча соҳаларида бирдан ҳукмронликка эриша олмаган.

2. Улкамизда фан ва маданиятнинг уша даврда илғор даражада ривожланганлиги ислом гоёларини сингишга тускинлик килган.

3. Ватанимизда ўзигу хос таълим тизими вужудга келди.

Масалан: таълим- ўрганиш
мактаб- таълим берадиган одам
мадраса-муддарис кабилар юзага келди.

Ватанимизда педагогик гоёлар икки йуналишда шаклланди ва ривожланди.

1. Дунёвий педагогика - уни асосида юнон олимлари асос солган гоёлар, хинд эпослари гоёлари, улкамизнинг ўзига хоя маданияти, тажрибалар, ютуқлар турарди. Дунёвий педагогика инсонни тарбиятнинг бир қисми сифатида, таълим тарбия билан камолатга эришади деб ҳисобланади. У яшаётган муҳит, уз хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлади деб асосланади. Болани ешлигидан касб-хунарга ўргатиш лозим деб, одоб-ахлоқни фойдаси тўғрисида гоёлар олга сурилади. (намоендалари) Муҳаммад Мусо ал Хоразмий (780-850) Араб халифалигининг маркази Богдодда илмлар уйи "Академияни" бошқарган. Академия қошидаги мадрасада мударрислик қилган. Унинг "Астрономияга кириш", "Ўттиз фаслдан иборат астрономия кириш".

Абу Наср Ал Фаробий (873-950)

Абу Райхон Беруний (974-1041)

Абу Али Ибн Сино (978-1060)

Ватанимизда XI асрга келиб еш авлод таълим-тарбияси оид жуда кўп асарлар пайдо бўлди: Низомул Мулкнинг "Сиясатнома", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Кайковуснинг "Кобуснома", Юсуф Хос Хожибнинг "Кутагу-билиг", Ахмад Юғнакийнинг "Хакикатлар армугони" кабилар.

Бурхониддин Зарунжий (1150-?) Маргилон мадрасасида катта мударрис бўлиб, унинг "Ўқувчиларни таълимга йуллашга доир насихатлар" асарида: фаннинг моҳияти ва уни такомиллаштириш; таълим жараёнида онгли билим олиш; таълимда фанни, ўқитувчи шерик ва вазиятни танлаш; фан ва олимларни ҳурматлаш; таълимда ўқувчи интилиши, тиришқоқлик, уларни устириш; дарсни бошлаш ва уни ҳажми, дарсни утказиш тартиби ҳақида, машғулот вақти, таълимда ўқувчини ёқтириш ва унга насихат қилиш, билимларни эгаллаш ҳақида; таълимда ўқитувчи ва ўқувчининг муваффақиятини умид қилиш ҳақида; таълимда Худодан қурқиш ҳақида; таълимда ўқувчи хотирасини тарбиялаш ҳақида қабил масалалар ўзига хос усулда ҳал этилади.

Олимнинг фикрича, илм эгаллаш аввало ўқитувчига, ўқиётган китобига, билимга нисбатан тиришқоқ ва чидамли бўлишни талаб этади. Бир дарсни пухта ўзлаштирмай, бир китобни тугатмай, бир ўқитувчида сабоқни ташлаб бошқасига ўтма. Билимни фақат олтита шартига риоя қилса пухта эгаллаб оласан: зийраклик, қучли истак, чидам, ўқитувчи насихати ва етарли вақт,- деб таъкидлайди.

Махмуд Замахшарий (1074-1144). Унинг илм оламидаги мавқеини олимлар "Хоразм осмонидаги қуёш" деб нисбат берганлар. Араб олимларидан бири "Агар Хоразмнинг замахшар қишлоғидан чиққан олим бўлмаганида биз араблар уз она тилимизни мутлақо билмасдан ўтиб кетар эдик"-деб езган экан. Замахшарий: тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, география, ҳадис илмлари соҳасида асарлар езган: "Грамматика ҳикматлари", "Араб тили грамматикаси", "Энг янги лугат", "Ватан ва тоғларнинг номлари" асарларини езган. Бу асарлар

бошқа тилларга таржима қилинган. Замахшарийнинг "Нозик хикматлар" асари ешлар тарбияси, устоз-шогирт муносабатлари, оила муаммолари тўғрисида.

Демак, уйғониш даврида дунёвий педагогика гуллаб яшнаган, таълим-тарбия ўзига хос йуналишда амалга оширилган

Уйғониш даври диний педагогикаси

Ислом дини асосидаги педагогика:

1. Ислом дини гоёлари, (халифалик) сиёсати, маъданияти ва маънавияти таълим-тарбиянинг мазмунини беклига беради.

2. Араб тили давлат, фан, таълим тили эди.

3. Араблар тарихи, адабиёти, урф-одатлари мукаддас эди. Уни билиш ва унга риоя этиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи эди.

Номоёндалар:

Бурхониддин Марғилоний ар- Риштоний (1121-1195) Машхур фикх илми олими, мударрис бўлган. Унинг "Илмга қирувчилар учун биринчи асос", "Илмни ниятсизга етказувчининг қаноатланиши", "Хаж маросими", "Фарзлар ҳақида рисола" асарларида дидактик масалалар талқин этилган. Унинг машхур асари "Ал- хидоя" бўлиб мактаб ва мадрасаларда иймон, урф-одатлар ва маросимларни ўргатиш тўғрисида фикр юритилади. Бу асар бутун ислом дунёси мадрасаларида дарслик бўлган. Форс, Инглиз, Турк, Рус тилларига таржима қилинган. Унинг "Фикх соҳалари бўйича қўлланма" рисоласида ҳуқуқ, ахлоқ, онглик, Ниқоҳ масалалари ёритилган.

Шайх Азизиддин Насафий (ХПаср) "Ҳақиқатлар гулшани", "Сўнги мақсад", "Қомил инсон", "Усуллар ва шохлар" асарларида инсон маънавият билан боғлиқ масалар ёритилган. Унинг машхур асари "Қомил инсон"да шароит, тариқат, маърифат ва ҳақиқатга эришиш йуллари баён этилган.

У "Қомил инсон-яхши сўз, яхши амал, яхши ҳулқ ва ммаърифат эгасидир. Унинг тили, дили пок, илм ва нияти ҳам пок бўлади"- деб ёзади.

Демак, уйғониш даврида ўзига хос диний педагогика шаклланган ва ривожланган.

Уйғониш даври таълим тизими: Бу даврда ўзига хос таълим муассасалари юзага келган. Унинг босқичлари:

1. Бошланғич мактаблар. Бундай мактаблар қишлоқ мажидлари қошида бўлган. Унинг вазифаси - болаларга савод ўргатиш, Қуръон оятларини ёд олдириш бўлган.

2. Мадрасалар. Катта-катта мажидлар қошида бўлган. Унда ўқийдиган талабалар: Катта талабалар, ўрта талабалар, кичик талабаларга бўлинган. Мадрасаларда дарс тинглаш ихтиёрий бўлиб, мударрисни талаба танлаган собоқ талабани қониқтирмаса талаба бу мударрис олидига бормаё қўя қолган. Мустақил билим олиш, билимини муддарис олдида намойиш этиш таълимнинг асосий усули ҳисобланган.

У ёки бу муаммони шарихлаш мударриснинг вазифаси ҳисобланган.

3. Қорихоналар.

4. Қизлар (отин бибилар) мактаби.

Маълумки, узоқ ва бой тарихга эга бўлган Ўрта Осиё халқи ўзининг таълим-тарбияга оид улкан меросини яратиб, асрлар давомида унга сайқал

бериб келган, шунингдек у қанча-қанча авлодларни имонли, эътиқодли, инсонпарвар, меҳр-мурувватли, оқибатли, саховатли, илмпарвар, меҳнатсевар кишилар бўлиб етишишларида хизмат қилиб келган.

Айниқса, доно халқимиз томонидан яратилган қомусий аҳамиятга эга бўлган дидактик характердаги миллий дурдоналар, халқ оғзаки ижодининг ранг-баранг намуналари, диний адабиётимизнинг нодир ёдгорликлари ҳисобланган Қуръони Карим, Ҳадиси Шаъриф асрлар давомида умуминсоний одоб нормаларини ёш авлодга сингдириш воситаси бўлиб хизмат қилиб келди. Афсуски, ҳозирги кунга қадар юзлаб шоирларим, мутафаккирларимиз нодир қобилият соҳиблари, диний қомусий билим эгаларининг ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар илгари сурган асосий ғоянинг моҳиятини ўрганишга етарлича эътибор берилмади. Диний маданиятни ривожлантиришга қарши кескин кураш олиб борилди.

АХИР, алломалар Беруний, Абу Али Ибн Сино, Фирдавсий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Улуғбек, Сўфи Оллоёр, имом Ал-Бухорий, имом Ат-Термизий, Ас-Самарқандий, давлат соҳиблари Темур, Мирзо Улуғбек, Хусайин Бойқаро ва бошқа юзлаб нодир қобилият соҳиблари ислом дини ҳукмронлик қилган бир даврда яшаб, дунёга машхур бўлганлар, уни тарғиб этишга, ривожлантиришга ўз улушларини қўшганлар. Шунинг учун ҳозирги даврда маориф тизимининг барча бўғинларида Ўрта Осиё халқининг адабий мероси, тарихи, унда тарғиб этилган умуминсоний, миллий одоб қоидалари билан ёш авлодни қуроллантириш кечиктириб бўлмайдиган масалалардан ҳисобланади.

Айниқса, бу ўринда Қуръони Карим, Ҳадисларга мурожат этиш, уларнинг моҳиятини дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар ва оилада ўрганишга алоҳида эътибор бериш, бу ишга ижодий ёндашиш мустақил Республикаимизнинг бўлажак қурувчиларини шарқона тарбия нормалари билан қуроллантириш, уларнинг ўзлигини англашларига эришиш давр талабидир.

Мустақиллик мафкураси заминиди авлод аждодаларимиз босиб ўтган ўзоқ тарихий тараққиёт йўлининг ажойиб тажрибалари, сабоқлари, уларнинг илмий яқунлари, халқимизнинг аъзалай анъаналари, урф-одатлари, расм-русмлари, миллий қадриятларининг ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган жиҳатлари ва энг муҳим ғоялари ҳам мавжудлигини эсимизда тутмоғимиз лозим. ... Янги мафкурада инсонни ҳалол бўлишга, илм-фан асосларини эгаллашга, бевабечораларни қўллаб-қувватлашга, табиатни эъзозлашга даъват этадиган диний, ахлоқий қадриятларга алоҳида эътибор берилади –деган эди Президентимиз И.Каримов.

Хўш, дин шахс камолотида қандай аҳамиятга эга?

Биринчидан, ҳар қандай дин ўз хомийлари учун тўлдирувчи, овутувчи вазифасини бажаради. У ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган мунособатлари жараёнида шахсий ва ИЖТИМОЙ эҳтиёж, мақсадларга етишиш қийин, иложсиз бўлиб кўринганда бундай маънавий руҳий эҳтиёж вужудга келган.

Иккинчидан, динлар ўз таълимоти тизимини вужудга келтириб, унга эътиқот қилувчи шахс ва жамоани шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилади. Бунда дин муайян ижтимоий, этник ва маънавий ҳаётнинг ўз таъсири доирасида бўлишини кўзда тутди. Масалан, ислом ўтмишда Марказий Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётига, ахлоқий мунособатларига, таълим-тарбия тизимига, таълим-тарбия мазмунига, ахлоқий мунособатларига ўз таъсирини кўрсатган.

Учинчидан, дин диндорлар ҳаётини тартибга солиш, назорат қилиш (регулятивлик) функциясини бажаради. Дин аъзолари маълум урф-одат, маросим ва байрамлари бўлиб, уларни ўз вақтида бажарилиши шарт қилиб қўйилади.

Тўртинчидан, дин диндорларнинг бирлигини, жамият билан шахснинг ўзаро алоқасини таъминловчи хусусият - алоқа боғлашлик вазифасига ҳам эгадир. Булардан ташқари дин вазифаларининг фалсафий, назарий жиҳатлари бўлиб, инсоннинг яшашдан мақсади, ҳаётининг мазмуни, дорулфано, дорулбақо дунё ҳақидаги масалаларига ўз мунособатларини билдиришдан иборат.

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннахрда 150 йил ҳукумронлик қилган темурийлар сулоласи инкирозга учради. Унинг урнига Шайбонийхонлар(1451-1510) Мовароуннахрда кучли марказлашган давлат барпо этдилар. Бирок уз аро низо, уришлар авж олди. Аввало, Бухоро, Хоразм, XVIII аср охирига келиб Қўқон хонлиги қарор топди. Хонликлар ўртасидаги уришлар мамлакатни маълум даражада ҳароп қила бошлади, фан, маданият, таълим соҳасида тургунлик юз берди. Шунга қарамай фан, маданият ва таълим соҳасида маълум силжишлар кузатилади.

Бу даврда Хофиз Танишнинг "Абдуллонома", Султонали Самаркандийнинг "Дастур ал - илож", Муҳаммад Юсуфнинг "Таҳкик ал-хумаййот", "Зубайдат ул - каҳоллин" асарлар юзага келди. Шоир, адиблардан Бобир, Солих, Мажлисӣ, Хасан Насорӣ, Биноӣ, Восифӣ, Убайдий, Гойиб Самаркандий баракили ижод этган. Муҳаммад Бахийнинг "Субхонкулинома", Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдуллонома", Муҳаммад Вали Самаркандийнинг "Маскираул асхоб", Суфи Аллаер, Бобораҳим Машрабларнинг асарлари вужудга келди.

Бу даврнинг ўзига хос томонларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислом ақидалари ҳукумроҳ эди. Турмушда ҳам, оилада ҳам, ҳар бир киши ахлоқида, ҳуқуқ-атворида диний талабларга риоя этади. Мактаб ва мадрасаларда илоҳиёт таълими ўргатилар эди.

Ватанизмнинг хонликлар давридаги таълим тизими ҳақида маълум тасвурга эги бўлиш учун Жаҳон Отин Увайсий ижодига муроҷат этамиз. Жаҳон Отин 1796 -1797 йилларда онаси отинлик қилган хусусий мактабда дастлаб ердәмчи, кейинчалик мустақил равишда ўқитувчилик қилган. Кизларга бошланғич таълим берар экан, уларни тарбиялаш, гузал ҳаётга эришишни бирдан-бир йули таълим-тарбия бериш деб ҳисоблади. Бутун умрини анна шу ишга бағишлади.

Жахон Отин ўз шогирдаларида эзгулик, вофодорлик хислатларини тарбиялашда адабий жанрлар чистон, муаммо, муашшах каби усуллардан фойдаланади. Уларда шеърий қобилиятлари, зехни ўткирлигини чуқурлаштиришда газаллардан кенг фойдаланган.

Маҳаммад Содик Кашғарий 1740-1843 "одоб ас-солихин" (яхши кишилар одоби), "Зубдат ал-Масойил" (масалаларнинг қаймоғи), "Дуррал-Музохир" (Кумакдошларнинг дурдонаси), "Тазкирон хожагон" (Хужалар мазкираси) асарлари муаллифидир.

Олимнинг "Одоб аз-Солихин" асарида инсонга яхши хулқ эгаллаш зарурлиги ва одоб қоидаларини эгаллаб олмас ва яхши хулқ билан одобли бўлмас, нафақат ўзига, балки бутун дунёга емонлик тарқатади, - деган фикрни асослайди. Инсон одобини зохирий ва ботинийга ажратади. Инсоннинг баркамол бўлиб етишида кундалик турмушда зарур одоб қоидалари: саломлашиш ва рухсат сураш, мулокат одоби, ухлаш ва йул юриш одоби, суҳбат ахлининг ўзини тутиш, эр-хотин одоби, тозалик ва озодалик қоидалари, мезмон кутиш зиёфат ва овқатланиш одоби, сафар қоидалари содда шаклда баён этилади.

Мунис Хоразмий (1788-1829). Шоир, тарихчи олим ва педагог ҳисобланади. Унинг педагогик қарашлари "Саводи таълим" (1804) рисолида баён этилади. Рисола икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида ўқувчиларни хат машқ қилишга тайергарлик, унга керакли асбоблар тўғрисида баён этилади. Иккинчи қисмда эса, хат-машқ қилиш ва унинг усуллари, амал усулида таълим бериш ҳақида фикр кетади.

Педагог олим ўқувчиларга бе", "нун", "мин", "то", "сод", "вов", "ло", "айн", "син"ни қандай ўргатиш усулларига алоҳида тўхталади.

Огаҳий (1809-1874) - шоир, тарихчи олим, таржимон, мударрисдир. Унинг "Риез ул-давлат", "Зубадат ул-таворих", "Жомеъ ул-воқеъ Султоний", "Гулшани давлат", "Икболи Феруз" каби асарлари бор Огаҳий томонидан Шарифиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", "Кобуснома", "Ахлоқий Мухсини" рисоалари ўзбек тилига таржима қилинган.

Огаҳий асарларида ешларни илм, касб-хунарни сабоб билан эгаллашга чақиради. Илм эгаллаган одамни икки олами обод бўлади. Кимки аччик, жахил қилиб илм эгаллашдан воз кечса, унинг обриси барбод бўлади.

Инсонни вояга етишида, уни қилиб инсонга айланишида тарбиянинг ролини холис кура билган Огаҳий езади:

Қилмоқ била парвариш тикон гул бўлмас,

Ҳам тарбия ила зог булбул бўлмас.

Гар асли емонга яхшилик минг килсанг,

Яхшилик онинг нияти билкул бўлмас.

Ўрта Осиё хонликлари даврида ўзига педагогик муҳит вужуди келдики, ислом ақидалари билан дунёвий илм, маданият ғоялари, рухонийлар ва дунёвий олим, шоирлар ўртасида кураш борганини, натижада таълимда ўзига хос зиддиятлар бўлишига қарамай, педагогик фикрларда холислик, инсонпарварлик ҳаракатлари кўринади.

Таянч иборалар:

1. Мовароуннахрни араблар томонидан босиб олинishi;
2. Авесто, Абу Наср Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Бурхониддин, Зарундий, Махмуд Замахшарий, Маргилоний, Насафий.
3. Ўрта Осиё хонликларининг таълим соҳасидаги сиёсати хусусиятлари, Жаҳон Отин, Муҳаммад Содик Қашғарий, Мунис Хоразмий, Огаҳий асарларида илғари сурилган педагогик ғоялар.

Мустақил иш мавзуси:

1. Уйғониш даврида мактаб, таълим-тарбия.
2. Ислом дини ва мактаб.
3. Дунёвий таълим ва диний таълим.
4. Уйғониш даври мутафаккирлари.
5. Уйғониш давридаги илғор педагогик фикрлар.

Адабиётлар:

1. Сафо Очил, К.Хошимов "Ўзбек педагогикаси антологияси" Т. "Ўқитувчи" 1995 йил.
2. К. Хошимов "Педагогика тарихи" "Ўқитувчи" Т. 1997 йил.
3. О. Хасанова "Педагогика тарихидан хрестоматия" Т. "Ўқитувчи" 1994 йил.
4. А.Хасанов "Педагогика тарихи" Т. "Ўқитувчи" 1998 йил.
5. "Ўзбек педагогикаси антологияси" Т. 1995 йил.
6. К.Хошимов,С.Нишонава "Педагогика тарихи" Т. 1995 йил.
7. Х.Абдуллаев "Энтопедагогика" 161-168 бетлар.

13 - мавзу: Темурийлар даврида таълим-тарбия ҳақида

Режа:

1. Улкамиз маънавий ҳаётида Амур Темур ва Темурийларнинг ўрни
2. М.Улуғбек ва 3. Бобур даврида таълим-тарбия равақи.
3. Ж. Девоний, А.Жомий, А.Новоий, Қашғарийларнинг педагогик қарашлари.
4. Темурийлар даврида таълим тизими.

XIV-XVI асрларда тарбия, мактаб ва педагогик қарашлар. XIV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикр тараққиёти тўғрисида қуйдаги маълумотларни келтирамиз:

Мугул истелоси остида бир ярия аср давомида хона вайрон бўлган Мовароуннаҳр халқи XIV аср бошларида Мугиллар зулмидан қутила бошлади. Бухорода Махмуд Таробий бошчилигида, Самарқанд ва Хуросонда эса Сарбадорлар қўзғолони рўй берди. XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр Мугил босқинчиларидан тозаланди ва XV асрда феодал муносабатлари анча ривож топди. Марказлашган буюк Темур давлатининг барпо этилиши Мовароуннаҳрда яна фан ва маданият, маърифат қайтадан равақ топишга йўл очди.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда фан, маърифат ва маданият соҳасидаги саъй-ҳаракатлари жаҳон тараққиёти тарихида Мусулман ренессанси деб аталган илмий, маърифий ва маданий юксалишига олиб келади. Улуғбек, Қозизода Румий, Жамшид Қоший, Али Қушчи, Жомий, Навоий, Бехзод, Бобур ва Бобурийлар ана шу шарқ юксалиши авж олган давр фарзанди эдилар.

Мазкур маъруза матнида Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар баҳолиқудрат ёритилган, Амир Темурнинг илм-фан маориф маданият равақи йўлидаги тadbирлари, унинг Мирзо Улуғбек, Шохрух Мирзо, Хусайн Бойқаро ва бошқалар томонидан янада ривожлантирилиши ҳақида сўз юритилади. Ишда ислом дини, унинг мамлакат илм-фан, маорифи тараққиётига таъсири ҳам ёритилади.

«Амир Темур – буюк шахс,- деб ёзади академик Б.Ахмедов - кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотик, рухшунос, шу билан бирга эл-юртини севган ва уни машҳур қилган инсон».¹

Етти иқлим Соҳибқирони, 27 мамлакатни бирлаштириб Буюк салтанатни вужудга келтирган Мовароуннаҳр Амир Темур ва Хуросонда маданият, илму-маърифат, таълим-тарбияни янада ривожлантириб уни дунёга танитади. У ҳақиқатдан ҳам кўп қиррали ақл, салоҳият эгаси, донишманд бўлган. Унинг шахси ҳақида Президентимиз И.А.Каримов:

«Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли - Амир Темур ёшлиқ чоғларидан мард, довюрак, ғурурли, ўткир зеҳн ва идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади», - деб айтган эди.

Қуръон Каримни ёд олди. Ҳадис илмини ўрганди. Имон-этиқодли, ҳалол пок инсон бўлиб етишди.

Амир Темур мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантирган, ўз эътиборини маърифат, фан ва маданиятнинг тараққиётига қаратди. Шу

¹ Ахмедов. Амир Темур ўғитлари. А.Наврўз. 1993 йил. 2 бет.

мақсадда Амир Темур салтанат марказига дунёга машхур олиму фузало, муҳандису-курувчи, ислом динининг атоқли уламоларию тадқиқотчиларининг, фикҳ илми олимлари, сан.аткору-маърифатчилар, шоиру-шуароларни йиғди. Уларнинг самарали фаолиятлари учун барча шарт-шароитларни яратади.

Масжид, мадрасалар, кутубхоналар қурдирди. Илмни ўстирди. Таълим-тарбия тадбирини мазмунан ривожлантирди. Унинг бу соҳадаги ишларини ўз давридаёқ дунёнинг Осиё, Европа қитъалари бир қатор мамлакатларида эътироф этган, қувватланган ва ундан ўрнак олган эдилар.

Айниқса, Соҳибқироннинг илм-фан, маданият, таълим-тарбия (педагогика) га оид ғоялари шу хунларда бутун жаҳон халқлари диққатини ўзига қаратмоқда.

1996 йил 26-апрельда Парижда ЮНЕСКО доирасида «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг равнақи» мавзусида халқаро анжуманнинг ўтказилиши ва Ушбу мавзудаги кўргазманинг тантанали очилиши, унда Республика Президенти И.Каримовнинг иштирок этиши ва маъруза қилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. И.Каримов «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг равнақи» мавзусида қилган маърузасида «Амир Темур қудратли ва гуллаб яшнаган давлат барпо этиб, Ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган инсон ақл ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан машхур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина машхурдир», дейди.

Шу ўринда таниқли француз олими ЮНЕСКО нинг «Ипак йўли мулоқот йўли» халқаро илмий экспедицияси координатори Дуду Двейнинг «Темур ниҳоятда серқирра фаолияти мураккаб сиймо, улуғ зот. У бир томондан дунёни титратган жаҳонгир, иккинчи томондан дунё авлодларини маънавий, моддий қарздор қилган буюк инсон. Тарихда буюк саркардалар кўп бўлган, борди-ю француз саркардаси Наполеон билан Темурни қиёслайдиган бўлсак, иккинчиси биринчисидан ўн чандон устун туради. Наполеон жаҳонгир бўлиб, борган жойларини вайрон этиб, қурилишларга кам эътибор берган бўлса, Темур ўз даврининг буюк саркардаси, фотиҳи сифатида кўп ерларни босиб олди. Аммо босиб олган жойлардаги яхши усталарни, олиму меъморларини ўзи билан бирга олиб бориб, кўпгина гўзал шаҳарларни бебаҳо бинолар билан беағига безак, кўркига кўрк қўшди...» деган сўзлари фавқулотда эътиборлидир.

Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад равнақ топишни таъминлаган Шарқнинг уйғониш даври бўлади.

Амир Темур ва темурийларнинг маърифий ва таълим-тарбияга оид ишлари Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, Фосих Аҳмад, Г.Вамбери, Де Клавихо, Л.Ланге, В.В.Бартольд, И.Остроумов, И.Мўминов, Бўрибой Аҳмедов, Ашрафхон Аҳмедов ва бошқа мутафаккир ва олимларнинг тадқиқотларида анча мукамал ёритилган. Мазкур олимлар ўз асарларида Амир Темурнинг маърифий ва таълим-тарбияга оид ишларини асосан объектив тарзда талқин этганлар.

Маълумки, Ўзбекистон Мустақилликка эришгунига қадар Амир Темур ва темурийлар даврига оид тарихий ҳақиқатни бизда бир ёклама «коммунистик мафкура» нуқтаи назаридан талқин қилинди.

Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни унинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, жабҳалардаги мероси, шунингдек давлатни бошқариш, ички-ташқи сиёсат олиб бориш, мамлакатни ҳимоя қилиш, ҳарбий санъат, ҳуқуқ, адолат, илм-фан, санъат, адабиёт, маориф соҳасидаги сиёсатига етарлича баҳо берилмади.

Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан сўнггина миллий меросимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз умуман манавиятимизни ўрганиш, унга баҳо бериш ва тиклашнинг имкониятларини яратади.

Кейинги 4-5 йилда Ўзбекистонда, шунингдек, Хорижда Амир Темур ва темурийлар даври тарихини, мафкурасини, маданиятини ўрганишга оид бир қанча китоблар, рисоалар чоп этади. Бироқ чоп этилган асарлар орасида Амир Темур ва темурийлар даври маърифати, таълим-тарбиясига оидлари жуда сийрак. Борлари ҳам даврининг маориф, таълим-тарбиясини асосан, умумий тарзда ифодалаган холос. Мазкур ўқув қўлланма Амир Темур ва темурийлар даври маърифати ва таълим-тарбиясининг аксарият томонлари ҳақида баҳс юритади.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳр маданияти раънақидаги роли

Буюк саркарда, адолатли шоҳ Амир Темур Марказий Осиёда мўғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлигини тугатиб, буюк давлат тузган ва уни дунёга танитган, шунингдек, Мовароуннаҳрда фан ва маданият раънақининг асосини яратган шахс сифатида машҳурдир.

У ўз даврининг энг қудратли шоҳларидан ҳисобланган турк подшоҳи Боязид Илдириمني тор-мор қилиб, Болқон ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларга озодлик бағишлаган. Олтин Ўрда хони Тўхтамишни енгиб, Россиянинг мўғуллар ҳукмронлиги асоратидан қутулишини қарийиб 300 йилга тезлаштирган. Ўз даврида Туркистонда ҳунармандчилик, қурилиш, илм-фан ва маданиятни ривожлантирган.

Амир Темурнинг кўп қиррали фаолияти, мураккаб шахс эканлиги ўша даврда ёзилган қатор асарларда ифодаланган.

Ҳофиз Бобурнинг «Зубдат ут таворих», Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фасиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаус саъдайн ва мажмаул баҳрайн», Ибн Арабшоҳнинг «Ажойибул-махдур фи ахбори Темур» номли асарлари ўша даврнинг қимматли ёзма манбалари ҳисобланиб, уларда Амир Темурнинг ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти маълум даражада, ҳикоя қилинади. Ўша пайтдан Амир Темурнинг Мовароуннаҳрдаги яққа ҳукмдорлик фаолияти бошланади. Бу эса унинг 35 йил мобайнидаги ҳукмронлик ва жаҳонгирлик ҳарбий юришлари қулай вазиятни вужудга келтирган.

Амир Темур қисқа муддат ичида Амударё билан Сирдарё оралиғидаги ерларни, Фарғона ва Шош мулкларини бирлаштирган ва ўзига бўйсундирган. 1372 йилдан 1388 йилга қадар Хоразмни тўла бўйсундириш учун 5 марта юриш

қилиб, уни ўз империясига қўшиб олган, 1395 йилда Шимолий Кавказга юриш қилиб ғалаба қозонган, 1398 йилда Ҳиндистоннинг, 1401 йилда Сурия ерларини, 1402 йилда Анқара яқинидага турк ерларини босиб олган. Султон Боязидни енггач, Хитойга юриш олдидан Ўттор шахрида касалланиб, 1405 йил 18 февраль куни вафот этган.

Темурзодалар-ўғиллари: Жаҳонгир Мирзо, Мироншоҳ, Умаршайх ва Шохрух Мирзо, набиралари: Пирмуҳаммад, Халил Султон, Муҳаммад Султон, Мирзо Улуғбек, ва бошқалар темурийлар сулоласини идора қилишда давом этдилар.

Соҳибқирон дунёда қиёси кам бўлиш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкам, илм-фан ривожланган, ҳарбий жиҳатдан қудратли бўлган буюк давлатнинг яратди. Давлатнинг янада қудратли бўлиши учун "Тузуклар", давлатни бошқариш қонун-қоидаларини ишлаб чиқди.

У салтанат қонун-қоидаларини ислом дини ва (Ҳазрат Муҳаммаднинг ҳадисларига боғлаб яратади).

Хонҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда уларни мустаҳкамлади. Салтанат мартабасини қонун-қоидалари асосида шундай сақланадики, Салтанат ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмади.

Амир Темур давлат ишларини идора этиш қоидаларини ўзининг «Тузуқлари» да баён этган, «Тузуқ» ларнинг ёзилиши ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Баъзилар «Тузуқ» ни Темур ёзган десалар, баъзилар унинг котиблари ёзган дейдилар. Баъзилар «Тузуқлар» XII асрда форс-тожик тилида бошқа саломатчилик томонидан ёзилган деган тахминлар бор.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»- соннинг 90-91 саҳифаларда «Манзумаи турк» асари турк тилида Темур бошдевонида ёзилган ва Темур томонидан таҳрир этилган деб ёзилган.

Амир Темур фикрича, мамлакатни адолатли бошқариш лозим. Албатга, Темур адолатни ўз синфи, сиёсати манфаатлари негизида тушунган. Мулкдор синфлар ҳокимлигини сақлаш йўлида талқин қилган.

«Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, колхан бир улушги қилич билан бажо келтурулур», «Бир ишга киришмай туриб, ундан чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўй» деб ёзади.

У подшо ва вазирлар ҳақидаги ўғит-насихатларида («Ту зуқлар» нинг 2-банди) давлат ишларини адолатли бошқариш учун вазир сайлаш кераклигини айтади. Давлат ишларини ўз вазирларига ишониб топширган буюк Соҳибқирон тоза, насли пок улуғ зотлардан бўлган яхши кишилардан вазир тайинлашни тавсия этади. Унинг фикрича, давлату салтанат 3 нарса: мулк, хазина, лашкар билан тирикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжон тутати.

Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт бир маромда давом қилди ва муайян ижобий ўзгаришлар ҳам рўй беради, Чунончи, Самарқанд Шарқда муҳим савдо, маданият, илм-фан маркази сифатида кўпдан бери маълум эди. Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Шарқ-Европа билан савдо муносабатларн унинг иқтисодий ва маданий ҳаётида катта

роль ўйнайди. Мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари етарли даражада ривожланган бўлса-да, Темурнинг жуда кўп ҳарбий юришлари сабабли тўпланган ғоят катта бойликлар мамлакатларнинг иқтисодий юксалишига маълум даражада ёрдам беради.

Самарқанд ҳунармандчилигида тўқимачилик, металга ишлов бериш, бинокорлик, кулолчилик етакчи ўрин олган бўлиб, шаҳар аҳолисининг кўпчилиги шу тармоқлар билан шуғулланиб келган.

XV-XVI асрлар ёзма манбаларида Самарқандда турли шаклдаги шиша идишлари: кўзачалар, қадахлар, дори солинадиган идишлар, пардоз ашёлар ва рўзғор буюмлар ишлаб чиқариш ривожлангани қайд этилган. Мисол учун М.Е.Массоннинг аниқлашича, Гўри Амир мақбарасида ва Улуғбекнинг шаҳар ичкарасидаги саройида ҳам махсус тайёрланган рангли ойналардан фойдаланилган. Ёғоч ўймакорлик ҳам ривожланган.

Амир Темур асосан Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ясси ва бошқа шаҳарларни қайта қуриш ва обод қилиш ишига зўр эътибор берди. «Темурнинг ҳокимият тепасига келган дастлабки ойларидаёқ, унинг саъй-ҳаракати билан Самарқанд қалъаси бунёд этилди. Шаҳар баландлиги саккиз метрлик девор билан ўраб олинди. Унинг амри ва раҳбарлиги остида Шоҳи Зиндада жуда катта таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилди». Масалан: Туркан оға, Амрзода, Ширин бека оға Амир Турсундуқ мақбаралари қурилди. Шаҳар марказида бунёд этилган Руҳобод ва Гўри Амир мақбаралари, Кўксарой, Бўстонсарой ва Бибиҳоним жомеъ масжидлари шулар жумласидандир. Гумбазли бозор жамоат бинолари масжид мадрасалари, шунингдек, йўллар, қасрлар бунёд этилди. Янги кўчаларнинг икки тарафига турли моллар ишлаб чиқарувчи ва савдо қилувчи икки қаватли дўконлар қурилди. Самарқанд теvaraгида бунёд этилган Миср, Дамашқ, Боғдод, Шероз ва Султония деб аталган шаҳарчалар билан Боғи шамол, Боғи беҳиёт, Боғи Давлатобод, Боғи чинор, Боғи дилкушо, Боғи бўлди каби ажойиб чорбоғлар ҳам, ҳазрат соҳибларнинг номи билан Шаҳрисабз ҳам Амир Темур даврида обод бўлди. Оқ сарой, шаҳобатли қасрлар ва мақбаралар қурилди. Масжид, мадраса, қарвонсарой ва ҳаммом каби жамоат бинолари қад кўтарди.

Амир Темур нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам қалъалар, қасрлар, шаҳарлар қурдирди. Оғдод ва Дарбанд шаҳарларини таъмирлади. «Қудратимизга шак-шубҳасиз бўлса, биз қурдирган биноларга бир боқинг, дейишида катта ҳикмат бор. Амир Темур даври халқ амалий санъати билан ўймакорлик, заргарлик, саҳҳофлик, зардўзлик ҳам ривожланди.

Самарқанд ўзига хос тасвирий санъат билан дунёга машҳурдир. Шаҳарда Гунг хожа Абдулхай устод Шамсиддин Бағишамолий, Жунайд наққош каби йирик намояндалар яшаб ижод этдилар. Улар яратган санъат асарлари АҚШ да сақланиб қолган.

Амир Темур ўз давлатида маърифий, таълим-тарбиянинг асосини яратишда дунёнинг машҳур ҳадиснавис олимлари, машойих авлиёлар, табиатшунос, математик, астроном, адабиётшунос, санъатшунос, қурувчи-муҳандислар, шунингдек, шахматчи, мисгар, заргар каби устозлар фаолиятига

суянган. Тарихий манбаларга кўра, Темур олиму фозилларга жуда катта ҳурмат билан қараган. Уларни етарлича маблағ билан таъминлаб турган.

Амир Темур саройида Мисрли Табризий, Амир Саййид, Шариф Журжоний, Саъдуддин Тафтазоний, Хожа Муҳаммад Парсо каби олимлар хизмат қилган.

(Манбалар: 1. Миср Саййид Шариф Раҳим. Тарихи Раҳим, 2. Хондамир, Ҳабибус-сийр. 3. Собрание восточных рукописей, АН УЗССР).

Мирали Табризий. Амир Темур даврининг етук ҳаттоти. Самарқандда эканлигида насх ва таълиқ хат-услуглари асосида хатини ихтиро этади.

Мирали замониғача таълиқ хати қўлланилганди. Мирали настаълиқ хатини ихтиро қилади, ҳамда таълиқ хатига нахс (бекор қилиш) қаламини уради. Шунинг учун ҳам хатига масҳи таълим номи берилади.

Унинг 2 шогирди бўлиб бири МАВЛОНО ЖАЪФАР бўлиб Шохрух Мирзо саройи хаттотларининг пешвоси ҳисобланса, иккинчиси МИР АБДУЛҲАЙ - китоби санъат иншо тарихида тенгсиз бўлган. У Султон Абдусаид саройида хизмат қилган.

Амир Саййид Шариф Журжоний (1339-1413) йирик файласуф, фикҳ олими Шерозда, сўнгра Амир Темур саройида хизмат қилган. У Шархут-тазкиратул Назрия (Насриддин Тўқайнинг «Астрономия тўғрисида рисоласига шарҳ») ва бир неча асарларга шарҳ ёзган.

Саъдуддин Тафтазоний – фикҳ олими. У «Шартли рисолаи Шамсия», «Шарҳи танқих» асарларини ёзган.

У Саъихс вилоятида олтига мадраса бино қилиб, унда сўз усталарини, олимларни етиштирган. Амир Темур саройида улар олим бўлган.

Улардан бири Хожи Муҳаммад Парсо, авлиёлар тарихи ҳақида китоблар ёзган. У Шохрух Мирзо саройида ҳам хизмат қилган.

Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган тарихчи олимлардан бири *Шохобиддин Абдуллоҳ Ибн Лутфуллоҳ Ибн Абдурашид ал-Харавий* (1430) бўлиб, уни Хофизиброҳим лақаби билан аташган.

Бу олим, асосан, темурийлар салтанатининг тарихчиси сифатида машҳур бўлиш билан бирга, жўғрофия, астрономия, геодезия соҳаларидан ҳам яхши хабардор эдилар. Шеърлар ҳам ёзган. Жумладан Шохрух ва унинг ўғилларига бағишлаб ёзган бир мадҳияси Ҳиротдаги бинолардан бирининг Кошинига битилган эди.

«Матла-ас-саъдайн» асари Абдураззоқ Самарқандий уни "фасихлару мустақалимларнинг иш фасоҳатлиси, насабнома тузувчилару, солномачиларнинг энг билимдони, шон-шавкат қоидалари муншійси, фахрли (ишларни) намоён қилувчи-улуғ султонлар жамнишини марур ҳақонлар улфати эди"- деб ёзади.

Амир Темур ўзи забт қилган мамлакатлардан нодир китобларни кўплаб Самарқандга жўнатган. Бу ҳақда рус тарихчиси А.Л.Куннинг «Прндание в библиотеке Темура. - Материал для статистики Туркестанского края.- Ежегодник. Вып.3.Соб.; 1874. с 406. Асарида қуйидагилар баён этилган. Арман вилояти Темур томонидан забт этилгач, Талв моностири қошидаги университетнинг кўп китоблари, қўлёзмалари Самарқандга юборилган. У

китоблар ичида бизнинг асримизгача бўлган 150 йил илгари даврда ёзилган Эрон, Халдей, арман каби Шарқ мамлакатларида яратилган китоблар ҳам бўлган. Китобларни Темур Самарқандда соқчи ёрдамида сақланган. Бу китоблардан фойдаланиш айрим одамларгагина насиб бўлган.

Темур кутубхонаси аввал Кешда, сўнг Самарқандда бўлган. 1580 йилдан сўнг бу китобхона Шегибани кишилари томонидан Бухорога, Машҳадга кўчирилган. Бухоро амири кушбеги Диванбеги Астанакулнинг таъкидлашича, Бухородаги китоблар уйғур, форс, эрон, пушт, араб тилларида бўлган. Бу кутубхона китобларидан бизнинг замонамизгача етиб келганларидан бири Усмон Қуръонидир, Бу китобни 1876 йил Кауфман император кутубхонасига топширган.

Темурийлар даврида Самарқандга машҳур Темур кутубхонасидан ташқари сарой ва хусусий масжид, мадраса, хонақоларда мазор масжидларида ҳам бўлган.

Ундан ташқари машҳур Шайх Муҳаммад Пассо (1419 йил вафот этган) томонидан ташкил этилган умумий жамият фойдаланиши мумкин бўлган хона кутубхона ҳам ишлаган. Бу кутубхона Бухорода бўлиб, унда 100 нинг қўлёзма асарлар сақланган. Унда ахлоқ-одобга оид форс, араб тилларида ёзилган дунё тарихи ҳақида медицинага, философияга оид адабиётлар сақланган.

Улуғбек замонида кутубхона иша янада ривожланади. Обсерватория қошидаги кутубхона 2 қаватли, расмлар билан безатилган бинога жойлашган. Бу кутубхонанинг 15 минг том китоб фонди фаннинг турли соҳаларига бағишланган. Кутубхонада Улуғбекнинг "Астрономия" жадвали ҳам сақланган.

Шоҳрух Мирзо замонида китоб чоп этиш ва таъмирлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Унинг кутубхонасида Ҳофиз Абрунинг жўғрофияга оид асари арабчадан форс тилига кўчирилиб сақланган. Дунё тарихига оид китоблар, жумладан, табара, Рашиддиннинг «Йилномалар тўплами», «Темур тарихи» ва бошқа адабиётлар кутубхонанинг катта бойлиги ҳисобланади.

Шоҳрух Мирзо, Бойсункур Мирзо Ҳиротда катта маданий-маърифий ишларини амалга оширганлар ва шавқатли, адолатпарварликни ўз умрининг мазмуни деб билган ва маърифатга эътибор берган.

Соҳибқирон Вақф мулкидан (бу ислом қонун-қоидаларига оид ва хайрли мақсадлар учун Аллоҳ йўлига ажратилган мол-мулкларидир) мусулмон давлатларида мактаб ва мадрасалар, аҳоли учун мусофирхоналар, етимхона ва касалхоналар қурилишига ажратилган.

Масжид Туркистон меъморчилигининг олий намунаси бўлган обидаларидан биридир.

Амир Темур Самарқандни Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатининг пойтахти сифатида дунёда илм-фан, санъат ва маърифат марказига айлантиришни орзу қилган эди. Шунинг учун Соҳибқирон Самарқандда «Бибиҳоним», «Муҳаммад Султон» мадрасаларини шахсан ўзи қурдирган. Унинг бу соҳадаги ишлари ўғли Шоҳрух ва набиралари Улуғбек Мирзо, Бойсункур Мирзо ҳукмронлиги даврида янада ривожлантирилган. Улуғбек Самарқандда Амир Темур макбараси, Шоҳи Зинда ансамбли қурилишини поёнига етказди. Сўнгра 1417 йилда Бухорода мадраса қурдиради. Улуғбек

мадраса пештоқига «Билимга интилиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир» деб ёздириб қўйган.

Амир Темур ва темурийлар даврида мактаб ва таълим-тарбия

Темур замонасида ўғил болалар учун бошланғич маълумот берадиган диний мактаблар кенг тарқалган эди. Бу мамбалар анъанага кўра масжидлар қошида ва хусусий уйларда ўқимишли кишилар (домла, имомлар) томонида очилар эди.

Мактабларда масжид имомлари ёки азончилар дарс берар эдилар. Аҳоли гавжум бўлган шаҳарларда мактаблар махсус мактабдорлар томонидан очилган. Кўчманчи ва чорвадор аҳоли орасида мактаблар асосан баҳор ва ёз ойларида очиларди. Бундай мактабларда масжид имомлари ёки мадраса толиблари ўзларининг иқтисодий аҳволларини яхшилаш мақсадида ўқитувчи бўлиб ишлардилар. Шаҳар мактабларида ўқувчилар сони 20-30 та, қишлоқ мактабларида эса 10-15 та, айрим ҳолларда ундан ҳам оз бўлар эди.

Мактаб ўқувчиларининг ёшлари турлича бўлган. Унда 5 вақт намоз ўргатилган. Мактабда араб алифбосида ўқувчиларнинг саволлари чиқарилгач, «Хафтияк», «Қуръон» китобининг 7 дан 1 қисми материаллари танлаб олиниб, у Эрон, форс ва тожик тилида тайёрланар эди, бу - китобда кўпроқ диний маросимларда ўқиладиган қуръон оятлари жамланган бўлиб, ўрганишга 2-3 йил вақт кетарди. Хафтиякдан сўнг "Чор китоб" ва Сўфи Оллаёرنинг ҳикматлари ўқитилган.

Мактаб аниқ ўқув дастурига эга бўлмаган. Ўқувчилар якка-якка тартибда ўқитилган. Синфдан-синфга кўчириш ўқувчиларнинг ота-оналари бериб турадиган «совға» ларга боғлиқ бўлган. Мактабга қабул қилишнинг ҳам аниқ вақти бўлмаган. Мактабга ўқувчилар кичик ва катта гуруҳларга ажратилиб ўтилган. Кичик гуруҳ ўқувчилари «Қуръон» оятларни ўқиши билан чегараланар эди. Катта гуруҳ ўқувчилари ўзлаштираётган билимларидан ташқари *Ислом* динининг асосларини ташвиқот қилиш билан шуғулланганлар. Бу билан бирга, улар форс шоири Ҳофиз ва Саъдий Шерозийнинг ғазалларидан ёд олишган.

Мактаб ўқув дастурлари ўқувчиларнинг ота-оналари билан мактаб ўртасидаги келишилган шартнома асосида тузилган. Мактаб таълими мазмуни ўқувчи (домланинг) билим савияси ва маҳоратига боғлиқ бўлган.

Мактаб ва тарбиявий ишлар

Мактабда дарслар якка тарзда олиб борилган. Ҳар бир ўқувчининг ўқув мавзуи ёки бирор бир китобни тугатганларида ўқитувчи диний расм-русумларга амал қилган ҳолда машқ қилдирган. Энг кичик ўқувчилар ҳам намоз ва ибодат қилишга ўргатилган. Мактабда дарслар тўхтатилган ҳолда диний байрамлар нишонланган. Масалан: Наврўз, Рамазон ҳайитлари ҳамиша нишонланиб келинган.

Демак, болалар миллий ва диний анъаналар руҳида тарбияланарди. Миллий урф-одатларни тўғри тушуниш ўқувчиларнинг ўз миллатига бўлган ҳурматини янада оширарди. Мактабда болаларни кўрқитиш йўлига қўйилган эди. Ўқувчилар ўқитувчилардан тез-тез диний қонунларни бузганликлари учун,

нариги дунёдаги ҳаётга шафқатсиз жазога маҳкум бўлиши ҳақидаги кўрқинчли хабарни эшитиб туришарди.

Қўрқитиш мақсадида кўп мактабларда жисмоний жазо кенг йўлга қўйилган.

Машғулотлар кун чиқиши билан бошланиб, тушликкача давом этарди. Тушликдан сўнг болалар яна шуғулланишга келишарди. Айрими мактабларда эрталабгача ўқитиларди. Эрталабки нонуштагача яна бир марта танаффус бўларди.

Болалар бир китоб устида соатлаб шуғулланишарди. Ўқитувчи ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган машғулотлар ташкил қилмас эди. Мактаб эстетик тарбия, яъни мўзика, ашула айтиш, расмчилик каби, тарбияларни билмас эди. Шундай қилиб, Туркистон мактаблари ҳар қандай кўргазмали қуролларга эга эмас эди.

Натижада бу мактабни битирганлар механик равишда ўқитиларди холос, лекин араб тилининг асл маъносига тушунмасдилар.

Мусулмон диний мактаблари болалар мактабига ва аёллар мактабига бўлинган эди. Маълумки, Марказий Осиёнинг кўп шаҳарларида қизлар учун бир неча бошланғич диний мактаблар мавжуд эди. Бундай мактаблар, одатда, ўқитувчининг уйида бўлар эди. Ўқитувчини эса отин биби деб аталар эди. У қизларга араб тилини ўргатарди.

Умумий мактаблар сонининг 4-1 қисми қизлар мактабига тўғри келарди. Отин биби ҳар бир ўқувчидан бошқа мактаблардагидан кўп ҳақ оларди. Қизлар мактабда араб матнлари, яъни Қуръон устида ҳам шуғулланишарди.

Қорихоналар: Қорихона катта ёшдаги кишиларни қори боши раҳбарлиги остида Қуръонни овоз чиқариб ўқиш билан уни ёд олдирадиган билим маскани ҳисобланган. Қорибошилар Қуръонни мазор ва қабристонларда ўқиб пул ишлаганлар. Қорихонада одамлар сони ўртача 10 тадан ҳам кам бўлган. Кимда-ким мадрасада ўқишни давом эттирмоқчи бўлса, уларга ёрдам берилган.

Далаихона: Далаихона қорихона билан бир хил моддий базага яъни вақф мулкига эга эди. Далаихонада кўпгина катта ёшдаги кишилар. XV асрда тузилган пайғамбар Муҳаммад ва унинг диний қасидалари тўплами «Далаихайрат» ни ёд олганлар. Шу тўпламни ёд олиш учун сал кам бир йил керак эди. Далаихоналарда оилали кишилар ҳам ўқишар эдилар. Улар шу далаихоналарга келиб домладан топшириқ, олиб кетишар ва уни уйда тайёрлаб маълум вақтда уни топширар эдидар. Хонликлар даврида далаихоналар Тошкентда, Фарғона водийси, Бухоро ва Хивада ишлаб турган.

Мадраса: Амир Темур даврида мадрасалар - олий ўқув юрти вазифасини ўтаган. Мадрасалар диний ва кейинчалик дунёвий билимлар ўчоғи, тафаккур гулшани, кадрлар тайёрлаш маскани эди. Мадрасаларда мамлакатнинг энг атоқли донишмандлари, шайхлари, уламо олимлари мударрислик қилишган, маърузалар ўқишган.

Темурийлар, даврида мадрасалар Ўрта Шарқ архитектураси режасига биноан кўркам қилиб қурилган.

Мадраса бошқармаси: Пойтахт шаҳарлардаги асосий мадрасаларга Темур ва Темурийлар асос солган эдилар. Мадрасалар ва унинг ҳаёти юзасидан

умумий назорат олиб даражадаги диний шахс-шайх ул Ислом ва қозилар томонидан олиб борилса, алоҳида текширув-яъни ўқув ва ҳўжалик ишлари бўйича назорат мутавалли бошига топширилган эди. Мутавали бошининг вазифаси туманлардаги мадрасалар ишларини назорат қилиш бўлган мадраса бошида йирик мусулмон воизи, мударрис барча ўқув предметлари бўйича бериладиган билимларга раҳбарлик қилувчи шахс турган. Мударрис фақат ўқув ишлари бўйича жавоб берган. Мударрис ва мутавали сайлови ҳукумат раҳбарлари томонидан олиб борилган. Агар номзод ҳукумдорга маълум бўлмаса унда бу номзодни қозилар ва бир неча ўқимишлилар томонидан имтиҳон қилинган. Шу аснода мударрислар ҳам ишдан бўшатишган.

Ўрта аср авторитар педагогикаси даврида мактабларда таълимнинг синф – дарс тизими қўлланилмаган эди. Бир хонада ёши ва маълумоти ҳар хил бўлган болалар ўқитилар эди. Дарс эса, қатъий белгиланган жадвал асосида олиб борилмас эди. Хусусан, феодализм даврида қадимги Ўрта Осиё Республикасида асосан ерли маҳаллий миллат болалари учун, асосан 3 типдаги мактаблар бўлган. Булар эски мактаблар – мачитлар ҳужрасида ўқитилган қорихона мактаблари – дахмалар қошида очилган мадраса мактаблари – олий типдаги дорилфунун.

Мадраса ўқув курсининг мазмуни

Биринчи навбатда барча талабалар учун мадрасада ўқитиладиган бошланғич курс араб тили грамматикасини ўрганиши эди, чунки барча адабиётлар араб тилида ёзилган. Араб тили грамматикаси бир неча китобларга бўлинган. Араб филологияси машғулоти учун мадраса талабаларининг камида 3 йил вақтлари сарф бўлган, Туркистон мадрасасининг мударрислари араб олимларининг ҳикматли сўзларидан ўртак олишган ва шу бўйича иш тутишган. «Энтимология фанларнинг онаси, синтаксис эса уларнинг отасидир». Грамматик тайёрловдан ўтгандан сўнг бунга боғлиқ равишда формат логикани ўрганишарди. Бу эса талабаларга кейинги ўқишларини қайси предмет бўйича, китоблардан қайси бирини танлашларига ёрдам берар эди. Китоблар ҳуқуқшунослик ва умумий таълим дарсликларига бўлинар эди. Мадрасадаги кўпчилик талабалар қелгусида мадраса ва масжидда имом-хатиб ўрнини олиш ёки давлат маҳкамаларида қотиб бўлиб ишлаш мақсадида кўпроқ ҳуқуқшунослик фанлари бўйича ўқишни давом эттирар эдилар. Кимки, мударрис бўлишни хоҳлаган бўлса, ўша араб тилини мукамал билишга ҳаракат қиларди. Улар катта ҳажмга эга бўлган диний, ҳуқуқий фанлардан қуйидагиларни ўзлаштириб олишлари лозим бўлгач.

Булар.

- Пайғамбар сўзларини ўзлари Қуръондан қайд қилиш;
- Пайғамбар ҳақидаги ривоятлар Қуръонни тўлдирувчилардир;
- Пайғамбарнинг шахси ўзи билан суҳбатлашган кишиларнинг кўрсатмалари;
- Олий насабдаги шахсларни билувчи инсонларнинг берган гувоҳликлари ва бошқалар.

Касбнинг умумий таълим бўлимига кўпчилик муллалар кам эътибор берар эдилар. Талабалар фан тизимини эмас, балки айрим китобларни ўрганишар эди. Мадрасаларлаги ўқув предметлардан бири математика эди. Талабалар бу фанни меросий конун дарси билан бирга чегараланган ҳажмда ўрганишарди. Арифметиканинг 4 та амалини ўрганишганидан сўнг геометрияга ўтишарди. Бу билимлар ерни сотиб олиш, мерос қолдирганда уни ўлчашда керак бўларди. Худди шу маълумотлар билан математика курси тугарди. Алгебра эса ўқитилмасди. Қизиқувчан муллалар географик ва тарихий темадаги фантастик ҳикоялар тўпламини ўқир эдилар. Шундай китоблардан бирида дунёниинг атрофий 4 та нарса, олов, шамол, сув ва ер (тупрок) ҳақида фантастик ҳикоялар мавжуд эди.

Олов – ой билан шамол ўртасида мавжуд, шамол-олов қобиқлари билан сув ўртасида, сув-шамол ва ер ўртасида, ер бўлса бошқа стихияларнинг барчаси билан ўралган. Худди осмон 7та бўлган каби, планеталар системаси ҳам 7та, 7та поялар ёки ёруғлик жисмлари, 7 та денгиз. Ҳатто инсоний тур ҳам 7та ирққа бўлинган эди. Улар:Хитойлар, араблар, Турклар, форслар, Европаликлар, индуслар, негрлар.

Дарслар кун чиқиши билан эрталабки нонуштадан кейин бошланарди. Тугаши эса домлани дарс ўтиши қобилиятига қараб белгиланарди. Домла хонага киргандан сўнг жамоа, яъни 5тадан 20тагача бўлган гуруҳ талабалари киришарди. Дарс охирида ўқитувчи «Оллоҳу Акбар» дейди. Талабалар чиқиб кетганларидан сўнг, янги гуруҳ келарди.

Ҳафтанинг шанба, якшанба, душанба ва сешанба кунлари ўқиш бўлар эди, қолган кунлари ўтилган дарсларни такрорлаш, қўшимча тайёргарлик кўриларди ва дам олинарди. Бундан ташқари Рамазон ойида, Қурбон ҳайити байрамида 2 ҳафта дарс бўлмасди. Май ойининг сентябргача таътил ҳисобланган ўртача ҳисобида мадрасадаги ўқув йили 30 ҳафта бўлган. Мадрасада ўқиш ва хужрада яшаш учун мударрисдан, айрим вақтда катта муллалардан руҳсат сўраш керак эди. Хужрада фақат 2 тадан 5 тагача ўрин бўларди, холос.

Айрим талабалар рўйхатда бўлишса ҳам дарсларга унча келипмасди. Курсдан-курсга қолиб 20 йил давомида ҳам ўқиганлар бўлган. Маърузага қатнашмаганларнинг нафақаси конун бўйича бекор қилинар эди. Амалда эса бундай эмас эди, бу конун фақатгина начор аҳволда яшайдиган талабаларга тааллуқли эди. Кўп талабалар савдогарлар, йирик руҳонийларнинг оиласидан чиққан эди. Мадрасада улар бирдан икки гуруҳга бўлинишар эди. Мадрасани тугатганларидан сўнг бири имом-хатиб, бири ихтисослиги бўйича ўқитувчи бўлиб ишларди. Камбағаллар эса ўз қишлоқларида дарс берадиган ўқитувчи бўлар эдилар. Мадрасада педагогика курси ёки бирон-бир предмет бўйича дарс бериш методикаси фани йўқ, эди. Лекин баъзи адабиётларда кўрсатилишича қадимги грек философларининг педагогик қарашлари, таълим-методлари ўрганилган. Лекин талабалар асосан диний тарбия олар эдилар. 7 ёшдан болани таҳорат ва ибодат қилишга ўргатилар эди. 10 ёшдан бошлаб болаларга жаннат ва дўзах азоблари ҳақида тасаввурлар ҳосил қилинарди.

Бу болаларнинг психикасига катта таъсир кўрсатар эди.

Дўзах азобини ҳис қилган талаба ёмон йўлга киришдан хайиққан.

Амир Темур даврида асосан анъанавий диний мактаб ва мадрасалардан ташқари саройларда хонзодалар ва бекзодалар, Амирзодалар учун алоҳида мактаб типигаги ўқув муассасалари мавжуд эди. Шахзодалар, хонзодалар ва бекзодалар 4-5 ёшларидан бошлаб ўқиш ва ёзишни подшо қиссахоналаридан олганлар. Қиссахоналар болаларнинг зеҳнини ўстириш мақсадида уларга ўзлари эшитган ва кўрган нарсалари, дунё воқеалари ва ғаройиб воқеалари ҳақида ҳикоя қилиб берганлар.

Амир Темур ўз қиссахонни билан тез-тез суҳбат ўтказиб турган. Бир сафар қиссахонни Соҳибқирон ўз ҳузурига чорлаганда у зот: «Ҳазратимнинг муборак кўнгиллари нени хуш куради? Рустаму достон ва Афросиёб қиссасиму, Искандар Зулқарнайнданму ёки Абу Муслим достониданму?»- деб сўраган. Амир Темур:

Майли бу гал Искандар Зулқарнайндан бўлақолсин деган, Қиссахон Амир Темурга узоқ пенонистонлик файласуф, унинг зийрак ва жаҳонгир ўғил Искандарнинг Эрон, Турон ва Ҳиндистонда олиб борган зафарли урушлар ҳақида мароқ ила сўзлаб берган. Қиссани тинглагач, Амир Темур «Ҳа, буюк подшоҳ бўлгон у. Жаҳон ҳали унақасини кўрмаган ҳам, эшитмигон ҳам ичида «Подшоҳ бўлсанг ўшандай подшоҳ бўлиш керак» деб унга ҳавас қилган.

Бу суҳбатдан шу нарса аёнки, Қиссахон тажрибали, ҳар тарафлама билимли ва тарбиявий таъсир ўтказа оладиган шахс бўлган.

Қиссахон ўз ҳаётида учраган ғаройиб саргузаштларидан, тарихдан, фандан, санъат ва адабиётдан мазмунли қиссалар сўзлаб Темур ва темурийларни давлат тузиш, уни бошқариш, халқ билан муомалада бўлиш, чет эл фуқаролари билан дипломатик ишларни олиб бориш, жанг-жадалларда зафарга эришиш йўллариини ўргатган.

Қиссахонлар ҳар бир шахзода, амирзодалар учун алоҳида-алоҳида тайинлаганлар. Улар шахзодалар учун биринчи муаллимлик қилганлар.

Мирзо Улуғбекка Темур қиссахоннинг жияни Ҳамза ибн Али бириктириб қуйилди. У Улуғбекдан 12 ёш катта, савод чиққан ва кўп нарсаларни ўқиб олган йигит эди. Шунингдек, шахзодаларга оталиқ (мураббийлар) ҳам тайин этилган. Улар шахзодаларни тарбия қилар эди. Масалан: Улуғбекка Шохмалак оталиқ қилиб тайинланган эди.

Мирзо Улуғбек ҳисоб-китобни Мавлоно Бадриддиндан ўрганган эди.

Мавлоно Бадриддин жуда билимдон эди. У Улуғбекни Кўксаройдаги хос кутубхонасига бошлаб бориб, ундаги китобларни, кўрсатиб, баъзилари ҳақида маълумот берди. Бу билан у Улуғбекда китобга ҳавас уйғотган. Айниқса, Мирзо Улуғбек, Хоразмий, Насриддин Тусий, Булжандийнинг фалакиёт ҳақидаги китоблари билан жуда қизиқиб қолган.

Шахзодалар савод чиқарганларидан кейин "Сулук-ул Мулук" (подшолар қўлланаси) ни ўрганганлар. Бу қўлланмадан улар бўлажак ҳукумдор давлатни идора қилиш санъати: одамларни лавозимларга дипломатик ишлар, молия ишлари ҳақида мамлакатлар эгаллаганлар.

Улуғбек замониға келиб математика, астраномия фанлари равнақ топди. Бухоро, Самарканд ва Гиждивонда уч мадраса курилиб улар фан тараққиетида марказ бўлиб колди. Бухородаги мадраса бештокига езилган "Илм олмокка интилмок хар биримизни ва муслима учун карзу фарздир" хикмат ҳозирги кунда ҳам кўзга яққол ташланади.

Улубек олмларға хомийлик қилиб, фан ахлини рағбатлантирди, ўзи эса математика ва астраномия бўйича муҳим ишларни амалға оширди. Шу даврда Самаркандда Козизода Румий, Жамшиддин Маъсудий, Али Ибн Муҳаммад, Хиротда эса Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, улуғ рассом Бехзод ва бошқалар ижодиёт чуққиларига кўтарилдилар.

Улуғбекнинг шогирди Аловиддин Али Кушчи (1403-1474) Моварауннахр маданий ва илмий ҳаётида катта роль ўйнайди.

Астраномия тўғрисидаги "Рисоали Дар Фалаккиет" асари Али Кушчи уз даврининг Пталомейи дейишга сабаб булди. XIV-XV асрларда Самаркандда яшаган аллома Мир Саид Шариф Журжоний (1340-1413) тил, мантиқ, ҳуқуқ, фалсафа, ва бошқа фанларға оид 50 дан ортиқ асар езд.

Султон Хусайн Бойкаро даврида Хирот илмий-маданий марказға айланди. Алешер Навоий фан, маданият, маърифат ишларини йўлга қўйишда, у ерларни ободонлаштиришга катта хизматлар қилди. Алишер Навоий тил-адабиёт, мусиқа, тарих, фалсафа, астраномия, тарбия назарияси соҳасида жуда кўп илмий асарлар яратди.

Амир Темур – комил инсон ахлоқи ҳақида

Амир Темур баркамол инсоннинг ахлоқий камолоти ҳақида ўйлар эди. Комил инсон унинг назарида Қуръон Карим ва Ҳадис шариф таълимотларига содиқ бўлмоғи лозим. У ўз фарзандларини ва набираларини ана шундай руҳда тарбиялашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, комил инсон - ҳокимиятни бошқарадиган, имон-эътиқодли, адолатли, ғайратли, эл-юрт ғамини ўйлаб, уларнинг мушкулларини ҳал қиладиган шахсдир.

Амир Темур комил инсон «Миллатнинг дардаларига дармон бўладиган, зиёлиларни ҳимоя қиладиган, камбағалларни бойлар зулмига ташлаб қўймайдиган бўлишни» такидлар эди.

Соҳибқирон ёшларни адолат ва озодлик учун курашга даъват этади. «Узоқ салтанат сурмоқ истасангиз қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз»- дер эди у.

Амир Темур комил инсон ахлоқининг асосларини ислом динига садоқатли бўлишдан иборат деб тушунган. Соҳибқироннинг ўзи бутун умри бўйича ислом динига, саййидларига садоқатда бўлган. Бунда у ўз одами Муҳаммад Тарағай Баҳодирнинг «Энг аввало тангри таоллонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатиға хизмат этишдан чекинма. Ўз саъй-ҳаракатинг билан исломни қўллаб-қувватла, - деган ўғит-насихатиға амал қилади.

«Ҳа мамлакатда адолат эшигини очдим, зулм-ситам йўлини тўсдим» деб ёзади у.

«Қайси мамлакатларни забт этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдик, саййидлари, уламолари, фуқаролари ва машойиҳларига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим. Уларга раҳбарлик лавозимларини бердим, яхши маошлар белгиладим».

Амир Темурнинг бу сўзидан унинг адолатли амир эканлигига ишонса бўлади. Дарҳақиқат, Амир Темур қайси мамлакатни забт этган бўлса «Ўша вилоятнинг улуғларини, оға-иниларимдек, ёшларини ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек кўрдим» деб таъкидлаган.

Комил инсоннинг сўзи ва иши бир бўлиши лозим. Бу ҳақда Амир Темур «Белда камар ва тилда сано, яъни иш ва сўз бир бўлсин» дейишни хуш кўрар эди. Унинг ўзи эса шахсий ҳаётида сўз ва ишнинг бир бўлишига алоҳида эътибор берган.

Амир Темур лашкарбошиларнинг сўзи ва иши бир бўлишини ғалабанинг асоси деб ҳисоблаган.

Комил инсон ахлоқнинг яна бир қирраси дўстлик, дўстликка соғлиқдир. Амир Темур дўстликни кадрлаган, дўстга содиқ бўлган. У ўзининг диний пири, дўсти имом Барака вафот этганда йиллаб кўз ёши қилган. У ўзининг «Тузуқлар» ида дўстлик ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Дўстлик синовда чиниқади», «Дўст душман билан мураса-ю мадора қилдим», «Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди».

Амир Темур доимо ўз фарзандлари, қариндошлари, ошна-оғайнилари, ўзи билан бир вақтларда дўстлик қилган барча одамларга ҳокимиятни қўлга олгани, уларга яхшилик қилади.

Дўстлардан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, улар билан жуда хуш муомала қилган. Бундай ҳолда дўстлик ишлари янада мустаҳкамланган.

Комил инсон ширинсуҳан, хуш муомалали ахлоқга эга бўлмоғи лозим.

Амир Темур ширин сўзлилиқни хуш кўрган, ғазабни, қаҳрли муомалани ёқтирмаган. «Бошқаларга бир калима ширин сўз қилишни қинига тикар», «Тил қиличдан ўткир» деб таъкидланишни хуш кўрган ва ўзи ҳам шунга амал қилган. Шундай қилиб, Амир Темур комил инсоннинг ахлоқи ҳақида жуда бой мерос қолдирган, Соҳибқироннинг бу таълимоти бўлажак темурий шахзодаларнинг давлати бошқаришга тайёрлашда дастур бўлиб хизмат қилади.

Ислом динининг маърифий ва маданий тараққиётдаги ўрни

Соҳибқирон ҳар бир ишни аввало ўз диний пирлари, саййидлар билан маелаҳатлашиб, шу билан бирга Қуръондан фол- очдириб сўнгра бажарар эди.

Амир Темур ўз диний пири Зайниддин Абубакр Тоябодий билан маслаҳатлашганда пир давлатни бошқариш ҳақида қуйидаги маслаҳатни берган: «Абдулмансур Темурбек! Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилғил.

1. Кенгаш.
2. Машварат ва маслаҳат.
3. Қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик.
4. Эҳтиёткорлик.

Амир Темур мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари – «тафсир», «Ҳадис» фикҳдан дарс берсинлар деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайян қилган.

Соҳибқирон пиричинг: "Кимки Муҳаммад динини қўллаб-қувватласа сен ҳам уни қўллагин. Кимки Муҳаммад динини хор қилса сен ҳам уни хор тутгин» деган насиҳатига доимо амал қилган.

Салтаъат қонун-қоидаларуни ислом дини ва кишиларнинг энг ҳайрлиси (Ҳазрати Муҳаммад) нинг шариатиға боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган янхазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда уларни мустаҳкамлади. Шунинг учун ҳам салтанат узоқ вақт мустаҳкам турди.

Амир Темур бола тарбияси, ота-она ва фарзанд ҳақидаги ҳадисни яхши билган. У ҳадисдаги «Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангизлар». «Оила нафақасидаги тежамкорлик тежмкорликнинг ярмига тенг», «Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлу аёлига (яъни оила аъзоларига) хушмуомлада бўладиганларингиздир», «Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккаласини ёки бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин», «Отага итоат қилиш - тангрига итоат қилишдир», «Ота-онаси қарғагани тангри қарғайди» ибратли ўғитларни ҳар доим ёдда тутган.

Ҳадисда ота-онани, оила ва қариндошларни ҳурматлаш ҳақидаги ғояларни Соҳибқирон ўзининг дастур ул амлаи деб тушунган. Ҳадисдаги «Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил», «Тангридан кўрқинглар ва фарзандаларини газни бир хил меҳрда бўлинглар» деган ғояларга ўзи амал қилган.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср тарихда Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичи деб аталади. Чунки бу давр маданият йуналишлари, иқтисодий асослари IX-XII аср маданиятининг давоми ҳисобланади.

Амир Темур ҳукумронлик даврида жаҳоннинг кўплаб шаҳарларидан Самарқандга кўплаб хунарамандлар, олимлар, саънаткорлар, муҳандислар олиб келинди. Самарқанд ва Хиротда мадрасалар, кутубхоналар ва расатхоналар қурилди. Тиббиёт, риезийет, фалаккиёт, жугрофия, тарих, адабиёт, фалсафа ҳамда тарбияшуносликка оид бир қанча ажойиб асарлар яратилди.

Темур ва Темурийлар даврида фан ва маданият ривожланди. Айниқса, Самарқанд ва Хирот шаҳарлари илм марифат, маданият марказига айланди. Шохизинда, Гуриамир мақбараси, Бибиҳоним Жомеъ масжиди, Регистон майдони ва шу сингари кўплаб мадраса ва масжидлар бунёд этилди.

Таянч иборалар:

1. Уйғониш даврининг иккинчи босқичи.
2. Амур Темур илм фан, маърифат хомийси.
3. Улуғбек илм фан хомийси.
4. Козизода Румий.
5. Алешер Новойй.
6. Абдурахмон Жомий.
7. Бехзод.

8. Бобир.
9. Ж. Девоний
10. М.Кашгарийларнинг педагогик карашлари.

Мустақил иш мавзуси:

1. XIV-XVI асрларда Моворауннахрда таълим ва тарбия.
2. Амур Темур даврида марифат тараққиети.
3. Мирзо Улуғбекнинг педагогик карашлари.
4. Ж.Девонийнинг педагогик карашлари.

Адабиётлар:

1. К.Хошимов "Педагогика тарихи" Т. "Ўқитувчи" 1997 йил.
2. Сафо Очил, К.Хошимов "Ўзбек педагогикаси антологияси" Т."Ўқитувчи" 1995 йил.
3. О.Хасанова "Педагогика тарихида хрестоматия" Т. "Ўқитувчи" 1994 йил.

14 - мавзу: Педагогиканинг фан сифатида асосланиши

Режа:

1. Педагогиканинг фн сифтида ривожланиши.
2. Фалсафа педагогиканинг методологик асоси.
3. Педагогика атамасининг келиб чиқиши.
4. Мактабларнинг пейдо бўлиши.

XXI аср бўсағасида ижтимоий иқтисодий муносабатлар ривожда инсон ақл-заковати ва маънавияти асосий мувофиқлаштирувчи, ривожлантирувчи омил ва восита эканлиги тобора намоён бўлмоқда. Шунинг учун инсонпарварлик бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий, демократик давлат эркин фуқаролик жамияти қурилишининг бош тамойили сифатида қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида (1997 йил 29 август) таълим давлатимиз ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилиниши Педагогика фани зиммасига жуда катта масъулиятли улуғвор вазифаларни юклади. Келажаги буюк давлатни қураётган кишиларнинг тафаккури, ахлоқи янги иқтисодий муносабатларни тиклашга, моддий неъматлар ишлаб чиқаришга астойдил киришиб, доимо ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим. Мана шундай ижобий ҳислатларга бой комил инсонни тарбиялаш олий таълим муассасаларининг, қолаверса барча турдаги таълим муассасаларининг асосий вазифасидир.

Ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети (мавзуси) ва методологик асосларига эгадир. Жумладан, Педагогика ҳам фан сифатида шаклланиб, ўзининг предметиға эга бўлди. Педагогиканинг кишилиқ тараққиётида алоҳида ўрни, функцияси, илмий билиш соҳаси мавжуд. Педагогика тарбия илми ҳисобланади. Тарбия оддий ва содда қилиб тушунтирилганда, ўсиб келаётган ёш авлодни мазкур муҳит, жамият талаблари асосида ҳаётга тарбиялашдан иборат. Тарбия жараёнида ёш авлод ўзидан олдинги авлод томонидан тўпланган билим, одоб, урф-одат, маданият ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштиради, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш ва ҳаётий тажрибаға эга бўлиш учун ўз савияси ва дунёқарашини шакллантиради. Педагогик маънода тарбияда деганда умуман ўқув-тарбия тизимида ёки алоҳида олинган бир ўқув-тарбия муассасасида амалға ошириладиган, маълум мақсадға йўналтирилган тарбиявий жараён тушунилади. Бошқа фанлар каби Педагогика ҳам фан сифатида пайдо бўлар экан, у аввало жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида пайдо бўлди.

Шу сабабли тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, деб қараш лозим, чунки тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб жамиятни, унинг ривожланишини тасаввур қилиш қийин.

Мутафаккир Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот: ё нажот, ё ҳалокат: ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган эди. Бу фикр ҳозирда ддекмократик жамият қураётган, келажакда буюк давлат барпо қилиш ниятида бўлган Ўзбекистон Республикаси учун алоҳида аҳамият касб этади.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолият ҳам мавжуд бўлган.

Инсонни дунёга келиши, фақат туғилишидан иборат табиий-биологик ҳодиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасининг тараққиёти даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши, яъни тарбия олиши керак. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш, кураш ва меҳнат тажрибасини, билим ва малакаларини кичик авлодларга бера бошлайди, яъни янги туғилган одам боласининг ривожланиши, шаклланиши ва вояга етиши жараёнига раҳбарлик қилинган, бошқарилган. Бу тарбия деб аталмиш ижтимоий ҳодиса орқали амалга оширилган. Жамият ривожлангани сари етук, баркамол шахсларни етиштириш эҳтиёжи ҳам ортиб борган ҳамда ўзгариб, янгилашиб, жамиятга хизмат қилган. Инсоният жамиятнинг турли босқичларида таълим-тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажрибаларни назарий жиҳатдан англаш, умумлаштириш ва ҳаётга тадбиқ қилиш жараёнида Педагогика фани пайдо бўла бошлади. Педагогика таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифалари, давлат таълим стандартлари, таълим ва тарбиянинг усуллари, ташкил этиш шакллари, умуман унинг қонуниятлари ҳақида билим, маълумот берадиган фанга айланди.

Инсон яратилиши, пайдо бўлиши заҳотиёқ илм ва тарбиявий сифатлар унинг яшаш, ҳаёт кечириши учун энг зарурий шарт ва воситалар эканлигини англаб боради. Шунинг учун инсоният жамиятнинг илк кўринишлариданок тарбия билан шуғулланувчи мутахассисларга эҳтиёж туғилди, десак биз тарбияни фақат бир томонини, яъни бошқаларни яна ҳам хусусийлаштириб, агар ёшларни тарбиялаш, десак тарбия тушунчасига жуда ҳам тор қаралган бўлади. Чунки тарбия энг аввало ҳар бир инсонни ўзига қаратилгандир. Ҳар бир киши доимо ҳам ақлий, тарбиявий, жисмонан такомиллашиб, шаклланиб боради. Айрим кишилар бу фикрга қўшилмасликлари мумкин. Чунки бунда жамиятдаги ўрта, катта авлоднинг тарбиясида камчиликлар, етишмовчиликлар бор экан-да, деган хулоса чиқармаслиги керак.

Чунки оламнинг моддий-маънавий тузилиши, қурилиши, унинг ривожи, инсоннинг моддий-маънавий яшаш шароити, имкониятлари, унинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ҳолати билан узвий боғлиқ. Шунинг учун табиатнинг инсон яшаш, мавжудлиги, бахтиёрлигини таъминлаш имкониятлари, унинг ақлий-ахлоқий, жисмоний ривожи, ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Тарбия жамият ҳаётида сезиларли рол ўйнайди. Жамиятда тарбия жараёнида тўпланган тажрибани умумлаштириш эҳтиёжи туъилиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга дурустроқ ва режали асосда тайёрлаш имконини берадиган махсус ўқув юртларини очиш зарурияти пайдо бўлиши билан бирга, таълим назарияси ҳам фан сифатида ривожлана бошлади.

Ибтидоий жамоа даврида ҳам ижобий тарбия тажрибасини оммалаштиришга уриниш куртаклари бўлган. Масалан, катталар ва ёшлар Ўртасидаги муносабатлар билан, кейинроқ турли одат ва маросимлар билан боғлиқ ўзини тутишнинг баъзи бир шакллари шакллана бошлаган.

Тарбияда назарий умумлаштиришнинг илдизини фалсафа қаъридан ахтармоқ даркор. Фалсафа қадим замонлардан бошлаб давр ва ҳаёт мазмуни, борлиқнинг бирлиги, унинг жамиятдаги ўрни ва роли, одамларнинг ҳаётда белгиланган вазифаси нималардан иборат, деган саволга жавоб излаш ва тайёрлаш билан шуьулланган.

Қадимий ва Ўрта Шарқ адабиёти намоёндалари орасида назарий-педагогик тусга эга қатор илмий қарашлар мавжуд бўлган. Улар орасида Ал-Форобий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларини мисол келтириш мумкин.

Педагогика фанининг предмети бўлган илмий билиш асосида жамиятнинг алоҳида функцияси-тарбия мазмуни ётади.

«Педагогика» атамаси қадимий Юнонистондан келиб чиққан. Бу ерда қулдорлар болаларини мактабга кузатиб қўядиган, олиб бордиган одамларни «педагог» деб аташган. Кейинчалик бу атаманинг маноси бир мунча ўзгарди. Махсус тайёргарлик кўрган ва тарбия билан шуьулланадиган шахслар «педагог» деб атала бошлади. Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиянинг умумий принциплари фақат болалар тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогиканинг ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбилаш ва ўқитиш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан деб белгилаш одатга айланган.

Кишилиқ жамиятининг қадимий ибтидоий, яъни бошланғич даврида одамлар тайёр махсулотдан фойдаланишган. Ов, турли-туман хунармандчиликнинг ривожланиши одамлар меҳнат тажрибасини ошишига олиб келган. Меҳнат фаолияти борган сари мураккаблаша бориб, одамларнинг шаклланишида ва кишилиқ жамиятининг ривожланишида муҳим рол уйнай бошлади. Меҳнат одамларнинг тарбиясига таъсир кўрсатиб, тарбияни ҳаётий зарурият қилиб қўяди. Одамларнинг меҳнат кўникмалари ёш авлодга мерос бўлиб қола бошлади. Энди тарбия меҳнат фаолиятининг, меҳнат тажрибасининг махсулига бевосита боғлиқ бўлиб қолди.

Олдиниға бола тарбияси катталар томонидан бевосита меҳнат фаолиятида амалга оширилган бўлса, жамият ривожлана борган сари бундай йўл талабга жавоб бермай қуйди. Энди тарбия билан билимдон, тажрибаси етарли одамлар шуьуллана бошлади. Машғулотлар тобора ташкилий шаклларга, кўринишларга эга бўлиб борди. Секин-секин мактаблар пайдо бўлди.

«Мактаб» атамаси қадимий Юнонистондан келиб чиққан. (Мактаб юнонча-буш вақт, меҳнатдан дам олиш маъноларини билдиради). Юнонистонда талабаларнинг мутафаккирлар билан суҳбатини мактаб деб аташган, кейинчалик махсус ўқув тарбия муассасаларини ҳам мактаб дейишадиган бўлди. Мактабнинг шу маъноси ҳозирги кунгача ҳам ақланиб келмоқда.

Мактабнинг таркиб топиши, тарбиянинг такомиллашиши билан бирга, тарбия фаолиятининг узи алоҳида касбий фаолиятга айланди, педагоглиқ касби эса алоҳида касб бўлиб ажрала бошлади.

Педагогика таълим тарбия мақсадини жамият талбларига ва талабаларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришни ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги боғланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йўллари кўрсатиб беради.

Фалсафа фани эса педагогика фани учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, ҳозирги таълим-тарбия назарияси ютуқлари фалсафий фикрлар кураши ва тараққиётнинг маҳсулидир. Фалсафа фани педагогикани илмий усуллар билан қуроллантиради, таълим ва тарбиянинг объектив қонун-қоидаларини ишлаб чиқишга манбаа бўлади.

Этика ва эстетика фанлари педагогиканинг тарбия назарияси бўлими бўйича маълумот беради. Бу фан талабанинг хулки ва одоби меъёрларини белгилаш ҳамда гўзалликни чин маънода тушунтириш, талабаонгида ҳаётнинг жозибали, нафис қирраларига бевосита раъбат уйғотиш борасида педагогика фани билан алоқададир. Фанларни ўқитиш йўллари ҳам педагогика фаниниг дидактикасига алоқадор, чунки ҳар қандай фаннинг ўқитилиш усули шу фаннинг мазмуни, тизимини талабалар томонидан узлаштириб олинишига хизмат қилади. Демак, педагогика фани болалар анатомияси, физиологияси, гигиенаси ва педиатрия фанлари каби билан ҳамма вақт боғлиқдир.

Педагогика фани объектив равишда йил сайин кенгайиб бормокда, натижада унинг тармоқлари ҳам бир нечта гуруҳларга ажралмокда. Улар педагогика фанлари тизими деб номланади.

Таянч иборалар: Таълим, тарбия, комил инсон, ахлоқий-амалий ўқув, шахс камолоти, педагогика, мактаб, педагоглар, фалсафа.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Т. 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. Т. 1997.
3. И. Каримов. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т. 1997.
4. Ўзбек педагогикаси тарихи. (Қўлланма. проф. А.Зуннунов таҳрири остида). Т. “Ўқитувчи”. 1997.
5. Педагогика. (Қўлланма. А. Мунавваров таҳрири остида) Т. “Ўқитувчи”. 1996.
6. Педагогика. (Қўлланма. проф. А.Ильина таҳрири остида). М. 1984.
7. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари. “Таълим ва тарбия” журнали. 1997. 5-6 сон.
8. Педагогика. (Маърузалар матни. Проф. Н.Ғайбуллаев таҳрири остида). Т. 2000.

15 - мавзу: Жаидлар педагогикаси

РЕЖА.

1. Октябрь инқилоби давлат тўнтариши.
2. Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиёти.
3. Маърифатпарварлик ҳаракати ва таълим-тарбия
4. Туркистонда илгор маърифатпарварларнинг педагогик қарашлари

1880 – 1882 йилларда Ўрта Осиёда рус – тузем мактаблари ишлай бошлади, сўнгра 1889 – 1900 йиллардан бошлаб янги усул, яъни жаид мактаблари ишлай бошлади. Бу мактабнинг асосчиси татар зиёлиси Исмоил Гаспиринский (1852 – 1914) бўлган ва у дастлаб Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Хива, Қўқон, Андижон, Хўжанд шаҳарларида оммалашиб кетишига сабабчи бўлган, жаидчилар: Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, А.Авлоний, Домла Ибодий, Мунаввар Қори Абдурашидов ва бошқалар ўзлари мактаблар очиб дарс берганлар.

1917 йил тунтаришидан сўнг Марказий Осиёдаги 3 та (Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги) давлат урнида янги йўналишдаги мафкурага асосланган республикалар, яъни Туркистон Мухтор Жумхурияти (Собиқ Туркистон АССР), Бухоро Халқ Республикаси, Хива халқ Республикаси ташкил топди.

Янги Шуро ҳукумати аввалги таълим тизими, ўқув-тарбиявий ишларни ислоҳ қилиш. Халқ маорифи тизимининг янги шаклини жорий этиш юзасидан бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Бундай тадбирларни амалга ошириш Туркистонда Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 14 майдаги декрети асосида бошланди.

Халқ маорифи тизимини тасдиқ этиш республика халқ маорифи Комиссарлигига ва унинг маҳаллий Советлар ҳузуридаги бўлимларига юкланди. Ўқувчиларга илм фаннинг зарур асослари билан бир қаторда, меҳнат кўникмаларини ҳам бера оладиган ягона Шуро "Меҳнат мактаби" халқ маорифи учун асосий негиз қилиб олинди.

Лекин янги мактабларни вужудга келтириш бир қанча муоммоларга дуч келди. Айниқса, ўқитувчининг етишмаслиги, дарсликларнинг ва мактаб жихозларининг йўқлиги ишни янада қийинлаштирди.

Собиқ Туркистон АССРда янги типдаги халқ маорифи тизимини ташкил этишда ҳукумат РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг "Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида"ги 1918 йил 28 январдаги декретига асосланиб, муллалар ва турли зиёли дин ахллариининг мактабларда дарс беришига йўл қўймаслик тўғрисида декрет қабул қилди. Мазкур декретга мувофиқ собиқ Туркистон АССР Халқ маорифи Комиссарлиги аҳолининг ҳамма талабаларидан бўлган болаларни қайси миллатга ва жинсга мансуб бўлишидан қатъий назар мактабларда текин ўқитишни Туркистон республикасида жорий қилиш тўғрисида буйруқ чиқарди.

"Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил май ойининг бошида, мактаб тубдан қайта қурилди, деб эълон қилди. 1917 йил тунтаришигача мавжуд мактаб ва умуман, болалар ҳамда усмирларни ўқитиш ишининг ташкил этишига хос бўлган синфий табақавийлик ҳамда камситувчиликни тезроқ бартараф этиш мақсадида қарор қилинди. Бу ҳақда чиқарган ҳукумат мурожаат номасида: "Улка Советлари съездининг иродасини бажара бориб, дархол ягона ва ҳамма учун очиқ мактаб ташкил этишга киришилди. Барча кириш имтихонлари бекор қилинди. Ҳамма бўлсича ва идора мактаблари эндиликда ёши, миллати ва динидан қатъий назар ўқишни истаган ҳамма кишилар учун очиқ қўйилди", - дейилган эди.

Ушбу мурожаатни улка аҳолиси халқ маорифи соҳасидаги бўрилиши, чуқур демократлаштиришнинг яқоол далили деб баҳолади.

С.Р.Ражабов маълумотига кўра. Туркистон Республикаси партия ташкилоти ҳамда ҳукуматининг халқ маорифи соҳасида амалга оширган янги сиёсатида жавобан улкада дархол жуда кўплаб мактаблар очилди, улардаги ўқувчилар сони бир неча баробар кўпайган.

1918 йилнинг июнида Тошкентда маориф ходимларининг биринчи съезди очилиб, унда халқ маорифи соҳасидаги аҳвол муҳокама қилинди ҳамда уни қайта кўриш бўйича аниқ тадбирлар белгиланади.

1918 йил декабрда Туркистон Республикаси халқ маориф комиссарлиги буйруқ чиқариб, ҳамма мактабларда она тили ва рус тили ўқитиш қарор қилинди.

Ушбу қарорни қўллаб-қувватланиши натижасида маҳаллий миллатга мансуб хотин-қизларни маданияти, илм-фанга, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишга жалб қилиш ҳаракати жадвал йусинда авж олиб кетди.

1918 йилда Туркистон Республикасининг Марказий ижроия Комитети мактабларда ўқувчиларни ўз она тилида ўқитишга ўтиш тўғрисида декрет чиқардики, бу улка халқлари миллий маданиятлари истиқболи учун халқ қилувчи аҳамият касб этди.

Орадан бир ой ўтқач: "Туркистон мактабларининг структураси тўғрисида Низом" чиқарди.

Мактабларни янги ижтимоий негизларда ташкилий жиҳатдан тартибга солиш, ҳамма қайта қуриш, мақсадида халқ маорифи Комиссарлигининг буйруғига мувофиқ мудирлик, инспекторлик ва директорлик лавозимлари бекор қилинди: сайлаб қўйиладиган раис ҳамда котиб раҳбарлигида ишловчи коллегиял орган-педагогика кенгаши умумтаълим мактабларига бошчилик қиладиган бўлди.

1918 йил ноябр ойида Халқ маориф кенгашлари ўқув юртларини, уларнинг турларини ҳисобга олган ҳолда, рўйхатдан ўтказдилар ва шу асосда янги мактаблар очиш ҳамда уларни жойлаштириш эҳтиёжлари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқдилар. Мазкур тадбир ҳам улкада маориф ишини тартибга солишда муҳим рол уйнайди. Масалан, "меҳнат мактаблари" деб аталган мактаблар политехник таълимини амалга оширишга катта эътибор берилди. Улкада меҳнаткашлар оммаси мададига суянган ҳолда янги типдаги мактаблар вужудга кела бошлади. Жумладан: Тошкент шаҳрининг эски шаҳар

қисмида халқнинг бевосита иштироки билан дастлабки 13 та ўзбек мактаби, Қуқонда 17 та рус мактаби ташкил этилди.

Шундай қилиб, 1918 йилнинг баҳоларига келиб, республикада ишлаб турган мактабларнинг сони 330 тага етди, 1918/1919 ўқув йилининг бошида эса Тошкентнинг ўзида 75 та мактаб ва Самарқанд вилоятида 100 дан ортиқ мактаб ишлаб турган.

1919/20 йилининг бошида ишлаб турган мактаблар Фарғона вилоятида 350 тага, Сирдарё вилоятида 839 тага, Самарқанд вилоятида 216 тага етди.

Махалий аҳолидан миллий ўқитувчилар тайёрлаш, миллий дарсликлар нашр қилиш, Шуро ҳокимияти мафқурасига асосланган таълим-тарбиявий жараёни амалга ошириш ишлари юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланди.

Халқ маорифи комиссарлиги педагоглар илғор тажрибасини ёйиши ҳамда уларнинг методик жиҳатдан тайёргарлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб тошкентлик илғор муаллимларнинг ташаббусини маъқуллади. Улар Туркистонда Шуро ҳокимиятининг дастлабки мактабларини ташкил этиб, янги мактаб муаммоалрини ўрганиш билан чекланмай, балки мактабшунослик, хусусий методика ҳамда педагогика масалаларига оид материалларни ҳам нашр қилдилар. Жумладан, "Умумтаълим мактаблари бўлимининг бюллетени" чиқарилди, фан предметлари бўйича методик хоналар ташкил этилди."

1918-1919 йиллардаёқ ўзбек тилида ўқув адабиётларини чоп этишга киришилди.

Шу даврда нашр этилган ўқув адабиёти Крубернинг "Бошланғич география" табиий география бўйича ўқитувчилар учун қуланма, "Туркистон" (у Крубер ёзган "Россия географияси очерклари"дан ўзбекчага ағдарилган) қуланмаси, биринчи ва 2-синфлар учун арифметика масалалари туплами (Валишевнинг татар тилидан тажримаси) Қори-Ниёзовнинг табиатшуносликка оид қуланмаси шулар жумласидадир.

1920 йилгача ўқув адабиётини чоп этиш ишлари билан республика Халқ маорифи комиссарлиги шуғулланган эди. Шундан сўнг бу иш янги ташкил этилган. Туркистон Давлат нашриёти зиммасига юклатилди.

Шуро ҳукумати халқ маорифига доир тадбирларни амалга оширар экан, ўқитувчилар тайёрлашга кўпроқ эътибор берди, тез орада Тошкент ўқитувчилар тайёрлашнинг марказига айланди. 1918 йилнинг июнида бу ерда дорилмуаллимин (ерли миллат ёшларидан муаллимлар тайёрлаш институти) очилди. Олти ойлик улка курслари ташкил этилди. 1918-21 йилгача махалий миллатлардан 3 мингга яқин муаллимлар тайёрланди.

1918-21 йилгача вақт ичида Туркистонда бир неча ўқув юртлари, жумладан, Туркистон шарқшунослик институти, Самарқандда ўзбек билим юрти, 1921 йилда химия-фармакология институти ташкил этилди. Ўқитувчила тайёрлаш йилда-йилга яхшиланиб борди. 1925 йилда Ўзбекистон қишлоқларида ишлаб турган муаллимлар 2748 кишига етди ёки 1917 йилга қадар ҳукумат мактабларида ишлаб турган муаллимларга нисбатан турт баробар кўпайди. Шу билан бирга таълим-тарбия ишлари яхшиланди. Ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув қуроли билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳукумат халқ маорифи учун маблағ аямайди.

1925-25 ўқув йилида халқ маорифи эҳтиёжларига 11,4 млн. сум, республика бюджетининг 24% сарфланди.

IV. Мактабларни ташкил этишда маҳаллий аҳоли орасидан биринчи бўлиб етишиб чиққан муаллимлар Х.Х.Ниёзий, А.Авлоний, Абдукодир Шакурий, Исматулла Рахматуллаев, Абдурауф Фитрат, Исрохон Иброт Г.Н.Кори-Ниёзий, Мунаввар Кори, Тухтаназар Шермухамедов, Эргаш Комилов, Окилхон Шарофиддинов ва шу сингари зиёлилар фаол қатнашдилар.

Ибротнинг асли исми Исрохон, отасининг исми Жунайдулладир. Исрохон 1962 йилда Наманганда туғилган. У ватанпарвар шоир, забардаст тилшунос, тарихшунос олим, илу ўзбек матбаатчиларидан бири, сайёх, каллиграф, наққош, оташин публицист ва илғор педагогдир. Кишиларни замон илмидан, илғор маданиятдан, таълим-тарбия системасидан урناк олишга чақирди.

Абдукодир Шакурий 1875 йилда Самарқандда дунёга келган. Шакурий эски усулдаги мактабни тамомлагач Самарқанд шаҳридаги мадрасага ўқишга киради. Рус гимназиясига бориб у ернинг ички ўқитиш усуллари ва қоидалари билан танишиб, "Гимназия" шеърини ёзади. Шеърда болаларни саводли қилиб ўқитиш, билим бериш ва гимназиянинг эски мактаб-мадрасадан афзаллигини таъкидлайди. Шакурий ўқитувчилик қилибгина қолмай, у ўз мактаби учун дарсликлар ёзиб, уларни ўз маблағи эвазига чоп қилдирган.

Абдурауф Фитрат 1886 йил Бухоро шаҳрида туғилган. "Фитрат" Абдурауф адабий таҳаллуси бўлиб бу сўз туғма табиат, туғма истъедод деган маънони англатади. Унинг отаси ўзбек, онаси тожик бўлган. Дастлаб эски мактаб, сўнгра Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил куради. У араб, форс тожик, турк адабиётларини, фалсафани, Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини чуқур ўрганади. "Хинд сайёҳи хиссаси"да янгича ғояни-муайян даражада Бухоро амирлигига нисбатан ўз эътирозномасини баён этади.

1916 йили Фитрат Оренбургдаги "Шуро" ойнамаси саҳифаларида "Жохилон таассубга қарши"ма қоласини эълон қилади.

А.Фитрат таълим-тарбия ҳақидаги қарашларини тожик тилидаги "Сайёҳи хинди баёноти", "Раҳбари нажот", "Сайха", "Восе кузғолони", "Амир Олимқоннинг ҳукмронлик даври", ўзбек тилида "Оила", "Қиёмат", "Беғижон", "Мунозара", "Оқ мазор", "Абдулфайзхон" ва бошқа мақола ва асрларида намоён қилади. Намоёндаларнинг таълим-тарбия соҳасидаги ишлари ҳақида жуда кўп гапирсак озлик қилди.

Хулоса қилиб айтганда, Октябрь тўнтаришидан сўнг Шуро ҳукумати томонидан Туркистонда халқ маорифи тараққиёти учун қилинган ишлар, Туркистонда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда халқнинг савод чиқариши учун жуда қисқа муддати керак бўлди.

XIX асрнинг ўрталарида Туркистонда бошланғич маълумот берадиган мактаблар, ҳамда ўрта ва олий диний таълим берадиган мадрасалар мавжуд эди.

Мактабларнинг аксарияти диний таълим берувчи мактаблар эди. Бу мактаблар араб тилида Қуръонни ўқишни ўргатиш ва ҳар бир мусулмон учун зарур бўлган вазифаларни ўргатар эди.

Шаҳар мактабларида диний таълимдан ташқари умумий таълим элементлари - езиш ва ҳисоблаш ўргатилар эди, машхур шоирларнинг шеър ва газаллари ҳам ўқитилар эди. Бундай мактаб ўқувчилар бадавлат оилалар фарзандлари булар эди. Улар ўқишни тамомлаб савдо-сотик, хунармандчилик билан шуғулланар эдилар, баъзилари кўшимча таълим олиб хаттотлик билан шуғуллана, баъзилари мадрасага кириб ўқишни давом эттирардилар. Олий диний мактаб бўлган мадрасаларда ўрта асрга оид диний фалсафа, мусулмон ҳуқуқлари, араб тили грамматикаси ва мантиқ илмларидан дарс ўтилган. Мадрасани томонлаганлар имомлик қилиш ва козихоналарда ишлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Мактаб ва мадрасаларда асосан ўғил болалар ўқитилар эди. Мактаб ва мадрасаларда дарс ўзбек, араб ва форс тожик тилларида олиб борилар эди.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин мактаб ва мадрасаларда баъзи ўзгаришлар юз берди. Мусулмон мактабларида босмахонада чоп этилган дарсликлар пайдо булди.

Мустамлака маъмурияти машғулотлар ўрта аср тартибида олиб борилаётган мусулмон мактаблари ишига аралашмас эдилар. Аммо рус тилини ўқитишни рағбатлантириш чораларини кураб эдилар. XX аср бошларида мадрасаларда рус тилини ўқитилиши жорий қилинсин, деган кўрсатма берилган.

XX аср бошларида Туркистонда мадрасалар: Бухорода- 80, Қўқонда-40, Самаркандда-22, Марғилонда - 28, Тошкентда - 17, Хива хонлигида -130 та мавжуд бўлиб, уларда 400 дан 500 тагача талабалар тахсил олар эди.

Туркистон улкасида 1905-1906 йилларда 5290 та мактаб бўлиб уларда 70955 талаба таълим олган. 1860 йилда Марказий Осиёнинг кўпгина қисми Россия томонидан босиб олинди. 1965 йилдан Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли ерларнинг маркази бўлиб қолди.

Ўрта аср мусулмон мактабларининг ислох қилишдан бош тортган чоризм, руслар урнашган ерларда очилган рус мактабларини Туркистонда маориф соҳасида уз сиегатининг курули қилиб олишга ҳаракат қилди. (Дастлабки рус мактаби Тошкентда 1866 йилда очилган). Рус мактабига руслар билан бирга ўқиш учун маҳалий аҳоли болалари ҳам қабул қилинар эди. Ўқувчиларнинг 1-4 қисмини маҳалий аҳоли болалари ташкил этар эди (жами 200та) Буларнинг кўпчилиги озод болалари бўлиб, ўзбек ва тожик болалари нихоятда кам эди. Рус мактабларида бойлар ва оқ суякларнинг болаларигина уқир эди. 1884 йилда 19 декабрдан синаб куриш учун биринчи рус тузен мактаби маҳалий болаларни ўқитиш учун очилди. 10 йилдан сунг бутунлай мактадлар сони 4 тага кўпайди. 1904 йилга келиб уларнинг сони 57 тага етди. Уларни 1830 та ўғил 104 та қиз болалар ўқирдилар.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган Тошкент, Қўқон шаҳарларда хунар-техника билим юртлари очилди янги типдаги комелия билим юртлари пайдо булди.

XIX асрнинг бошларида Бухорода марифатпарвар мусулмон луғонийлари ўртасида мактаб ва мадрасаларни ислох қилиш керак деган фикр пайдо булди. (Ислом динига кириб келган ислох қилиш). Шундай ислох тарафдорларининг жаидлар, яни янгилик тарафдорлари деб атай бошладилар. Уларга қарши

турган оким яъни фиодао ўрта асир диний фанатизими руҳида бўлган кишиларни эса кадимислар деб атай бошладилар.

XIX аср бошларидаги биринчи жаидчи Ал Курсавий эди. Жаидчилар Бухородаги 200 га яқин мадрасани ислох қилиш гояси билан чиқдилар. Кадимислар эса уларни кофирлар деб худосизликда айибладилар. Бухоро амири Хайдар эса уларни зимдонга ташлар ва улим жазосига ҳукм этди. XIX асрнинг 50-60 йилларида диний ислохатчилар яна кўпайди. Янди бу ҳаракат бошида Бухоролик мударрис ва тарихчи олим Маржоний (1818-1889) турар эди.

Маржоний ўзининг дастурида қуйидаги олтита масалани қўяди:

1. Куръондаги ҳар қандай диний масала юзасидан кишилар билган ҳолда ўзлари эркин фикр юритсинлар.

2. Бировнинг бировга кўр кўрона эргашиши қатъий ман этилсин.

3. Мадрасаларда ўқитиладиган ҳожи ва ширк каби қуруқ мазмунга эга бўлган ва ўқувчилар учун фойдаси бўлган, уларни вақтини оладиган дарслар дарс жадвалидан олиб ташлансин.

4. Мадрасаларда Куръони Карим, Ходиси шариф уларнинг таржимонлари ва ислом тарихи каби дарслар утилсин.

5. Арихметика, тарих, жуғрофия, тобобат, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўқишга қаршилик кўрсатилмасин.

6. Ҳар бир ишда мусулмончиликни Муҳаммад Аллайхусалом даврилдаги кадимий ислом маданиятига қайтариш кузда тутилсин.

Бирок реакцион кучлар тазикига учраган Маржоний Бухорони тарк этишга мажбур бўлади. Унинг маслакдошлари жалолашди. XIX аср охири XX аср бошлари Туркистонда чор мустамлакаси кучайди. Бу даврда жаидчилик ҳаракати кучайди.

Жаидчилик жамияти тунтариш йули билан эмас, ислохатлар йули билан ривожлантириш тарафдори эди. Бу даврда Эронда (1907), Туркияда (1908) бурчида давлат тунтариш руй берган эди. Булар Ўрта Осиёда жаидчилик ҳаракатини расмий тусда ривожланишига таъсир кўрсатди. Жаидчилар барча ижтимоий-сиёсий кучлар билан иттифоқ тузиб халқ ва келажак манфаати йулида ислохот тарафдорлари эдилар. Бехбудий мана шундай иттифоқ тузиш гояси билан чиқди. У "Уломо ёки зиёлий ва тараққий парварларимиз, бой ва авомимиз бирлашиб, дин ва миллат ва ватаннинг ривожи учун хизмат этишади" деб езган. 1906 йилда "Тараққий" деб номланган жаиди газетаси чиқа бошлади. Орадан кўп утмай "Хуршид", "Шухрат" сингари газета чиқарувчилар.

Жаидчилик ҳаракати дастури қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

1. Диний таассуф ва фанатизмга қарши кураш.

2. Феодал даври маорифини ислох қилиш

3. Жаидчилик гояларини тарғиб қилиш, янги ўзбек адабий тилини ишлаб чиқиш, ўзбек халқига тушинарли адабиёт ва театир яратиш.

4. Хотин-кизларни паранжидан чиқиш ва мактабда ўқитилиши. Улар тағдирини ўзгартириш, оилада ислохот утказиш.

5. Маҳаллий бойлар ва совдогарлари сиёсий, иқтисодий жиҳатдан рус буржуазия билан тенг ҳуқуқли бўлиш, Мустамлакачилик сиёсатини ислох қилиш.

Биринчи марта жаҳидчилик Қримда пайдо бўлди. Унинг ижодкори XX аср бошида Исломбек Гасперали эди. Шарқ халқлари манавий ҳаётида, мактаб маорифида инқилоб ясаган "усули жаҳид" номини олган "Усули савтия"ни у бошлаб берган. Убарча туркий халқлари яхлит, ягона миллат деб билди. Уларнинг ҳам илм-маорифатда, ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараққий этган миллатлари билан тенг курмокни орзу қилди.

Янги усул мактаби қуйдагиларга асосланган:

- синфда болалар сони 30 дан ошмаслиги;
- болалар ёз ва қишда 2 марта мактабга қабул қилиши (бир йилда икки дафа);
- ҳар бир қабул 1-синфдан ошмаслиги;
- ҳар бир муаллимда кўпи билан 3-4 синф бўлиш;
- дарслар кетма-кет тартибда бўлиши;
- 7-9 ешдаги болалар 7-8 соат ўқишолмайди, уларнинг ўқиши учун 5 соат кифоя.
- жума ва байрам кунлари дам олиш.
- ўқишдан сунг ёзги иссиқ кунларида таътил бўлиши;
- дарс зериктирмаслиги;
- шогирдни уриш ва сўқиш бефойда эканлиги;
- ўқиш қоидаларини риоя этиш: Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Қўқон, Тошкентда кўплаб зиёлилар жаҳидчилик ҳаракатига бош-қош бўлдилар;

Файзулла Хўжаев (1896-1938), Исроҳон Иброт (1862-1937), Сиддик Азизий (1864-1924), Саидрасул Азизий (1864-1933), Муҳаммад Шариф Сўфизода (1869-1937), Махмудхужа Бехбудий (1875-1919), Абдулқодир Шуқурий (1875-1993), Абдулла Авлоний (1878-1934), Садриддин Айний (1878-1954), Мунаввар қори Абдурашидов (1878-1931), Исмаилла Раҳматуллаев (1883-1962), Абдурауф Фитрат (1884-1939), Х.Х.Ниезий (1889-1929) ва бошқалар.

Маълумки, Марказий Осиё заминида Темурийлар ҳукмронлиги инқирозга юз тутгандан кейин, бу ўлкани қўлга киритиш учун жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ҳаракат қилдилар. Ана шулардан бири Чор Россияси эди.

XIX асрнинг II ярмида собиқ империя ўрнида 3 хонлик бўлиб, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонликлари эди. Шу 3 мустақил давлат ўзаро ўрталарида зиддиятлар бўлиб турган вақтда рус давлати Марказий Осиёни босиб олиш учун ҳужум бошлади ва дастлаб Қозоғистонни, сўнгра Туркистон, Чимкент, Авлиё отани, 1865 йилда Тошкентни забт этдилар 1868йил Самарқанд 1876 йил Фарғона вилояти Россия қўлига ўтди.

Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олинган, синг-минглаб рус олимларини Марказий Осиёга кўчириб келтиради. Кейинчалик ўлкада рус мактаблари, рус тузем мактаблари, гимназия каби мактаблар очилди ва бу мактабларни кенгайтириш натижасида маҳаллий мактаб, мадрасалар қисқартира бошлади.

1917 йил тўнтаришгача ўлка аҳолисини, саводсиз деб камситишга уриндилар, қуруқ бўхтон ёғдирдилар. Улар ўлка аҳолисини саводхон қилиш

учун рус, рус тузе мактабларида, гимназия каби ўқув масканлари керак, мадраса ва эски усул мактабларида, отин мактабларида савод чиқариб бўлмайдиган дегаднинг сиёсатини илгари суришга ҳаракат қилдилар.

Аслида Туркистон ўлкаси халқларининг саводхонлик даражаси Россия аҳолисининг саводхонлик даражасидан паст эмас эди. Чунки 1917 йилги тўнтарилишдан олдин ўлкада халқлар шахсий ва оммавий мактаблар, мадрасаларда билим олишар эдилар.

Чор Россиясининг асосий мафкуравий кураши натижасида рус миллатидан бошқа миллатга мансуб фуқаролар камситилар эди. Чунки рус-тузем мактабларини битирганлар саводли ҳисобланар эди. Хаттоки, улар дунёвий мактаблар очиш, она тилидаги дарсликлар, газета ва журналларни нашр қилишга қаттиқ таъқиб қилар эдилар.

1970 йилда Рус миллатига мансуб бўлмаган халқлар 3 тоифага бўлинган эди.

1. «Жуда кам руслашган халқлар». Булар асосан аввал она тилида ўқишни бошлар ва кейинчалик рус тилида ўқишга ўтиш тавсия қилинади.
2. «Руслар ҳам яшайдиган районларда яшовчи халқлар». Бу тоифадагилар фақат рус тилида ўқитиш кераклиги таъкидланади.
3. «Етарли даражада руслашган халқлар» Украина, Беларус ва бошқалар, буларнинг мактабларида ўқитиш фақат рус тилида олиб борилар эди.

Тарихда ўзбек халқи кўп босқинчиларни кўрган. М-н: Мўғил-татар босқинчилигини оладиган бўлсак, улар одамларни қирган, бойликларини талон-тарож қилган . . . аммо, маданиятига, тилига ва динига тегмаганлар. Энг даҳшатлиси, руслар Туркистонда барча босқинчилик ишларини олиб бориш билан бирга халқнинг урф-одатидан, тили ва динидан ҳам айирмоқчи бўлдилар.

XX аср бошларида Туркистонда ҳаммаси бўлиб 20925 ишчи бўлган холос. Темир йўллар ўлкамизнинг барча бойликларини Россияга ташиб олиб кетиш мақсадида қурилган эди. Янги очилган турли мактаблар мустамлакачи амалдорлар учун тилмочлар тайёрлаб бериш учун хизмат қилган.

Иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган Қўқон ва Тошкент шаҳарларида 1905-1907 йилларда янги турдаги мактаблар - ўғил ва қиз болалар бирга ўқийдиган билим юртлири очилди.

1897 йилда иррагация назоратчилари тайёрлайдиган курс ташкил этилди. 1902 йилда Тошкентда қишлоқ хўжалик гидротехника мактаби очилди. 1904 йилда Самарқандда боғдорчилик ва Тошкентда темир йўл техника билим юрти очилди. Шу тариқа Туркистонда маданий иқтисодий ривожланиш анча юксак поғонага кўтарилди.

2. Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиёти.

XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкасида бошланғич маълумот берадиган мактаб ҳамда ўрта ва Олий диний таълим берадиган мадрасалар мавжуд эди. Қишлоқ мактаблари оддий диний таълим берувчи мактаблар эди.

Бундай мактабларда араб тилида ёзилган Қуръонни ўқишни ўргатар, ҳар бир мусулмон учун зарур бўлган асосий вазифаларни ўргатишар эди.

Шаҳар мактабларида диний таълимдан ташқари, умумий таълим элементлари – ёзиш ва ҳисоблаш йўллари ўргатилар, халқ орасида машҳур бўлган шоирларимизнинг асарлари /шеър ва ғазаллари ўқитилар эди/.

Олий диний мактаб бўлган мадрасаларда ўрта асрга оид фалсафа ва мусулмон ҳуқуқлари, араб тилининг грамматикаси ва мантиқ илмларидан дарс ўтиларди. Мактаб ва мадрасаларда дарс ўзбек, форс ва араб-тожик тилларида олиб борилади.

Мусулмон мактаблариди таълим 5 тоифада бўлган:

1. Қуйи мактаб – бу мактабда ўғил болалар ўқитилган. /4/
2. халилхона мактаби- /намоз/ ёд олдириб ўргатилган.
3. Қорихона- Қуръон ёд олинган.
4. Мактаб интернат- бу мактабда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб, ўрта маълумот берилган.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейин мактаб ва мадрасаларда ўзгаришлар юз берган. Мусулмон мактабларида босмохонада чоп этилган дарсликлар яратилди. Босмохонада Қуръон ва ҳафтияклар нашр қилинган, Хиндистон ва Эронлардан шоирларнинг тўпламлари нашр қилинган.

Секин-асталик билан мактабларда рус тилини ўқитишга эътибор берилди. XX аср бошларида мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий қилинсин деган кўрсатмага биноан 1913-1917 йилларда мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий қилинди.

Асримизнинг бошларига келиб, Туркистон ўлкасида йирик Марказий шаҳарларда мадраса очилди. Улар Олий таълим йўналишида олиб борилди. Бухорода – 80, Қўқонда – 40, Самарқандада – 22, Марғилонда – 28, Тошкентда – 17, Хева хонлигида 130 мавжуд бўлиб, уларда 400 дан 5000 тагача талаба таҳсил оларди.

Умуман олганда Туркистонда 1905-1906 йилларда 5290 та мактаб бўлиб, уларда 70955 талаба ўқир эди.

Бу даврга келиб маҳаллий фуқаро болаларидан илмий кишилар тайёрлаш мақсадида Хева хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон Боҳодирхони Соний –Феруз /1844-1910/ катта ишларни амалга оширди. Унинг ташаббуси билан 1884 йили ўз саройида мактаб ояилиб, бу мактабда ёшларга таълим-тарбия бериларди. Феруз фармонида мувофиқ 1904 йили Урганчда биринчи янги усул мактаби очилди. Унда Туркиялик Хусайин Қўшаев деган ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бера бошлади. У Урганчда қизлар мактабини ташкил этди. Бу мактабда Комила Қўшаева қизларга билим берди.

Маърифатпарвар Комил Хоразмий гимназия ва мактабларда ўқитиш усулини Тошкент шаҳридан ўрганиб келиб, бу соҳадаги ишларни жонлантириб юборди. Бу мактабларда ўқув дастури ҳамда режасига – риёзиёт, тарих, жўғрофия, табиёт, рус тили, маҳаллий савод /она тили/ ва исломшунослик фанларини ўқитиш белгиланади. Бу мактабларда машғулот жараёнида шарқ мутафаккирлари Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб каби бир қатор шоирларимиз билан бирга бир қаторда рус шоир ёзувчиларнинг асарлари

ўрганиллади. Шунингдек, санъат ва маориф ҳамда маданиятни ривожлантириш мақсадида, саройда «Подшохи замон типолитографияси»ни ташкил қилди.

«Литография» юнонча сўз бўлиб, «Литос- тош ва «графос- ёзаман» деган маънони билдиради. Бу атама ўзбек тилида тошбосма тарзида қўлланилган.

Феруз саройида бу тошбосмахона илк бор Абу Наср Форобийнинг «Нисобус-сибиён» /Болалар насибаси/, Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асаридан парча, «Хайрат ул-аброр» достони, Ферузнинг «Девонк Феруз» ва бошқа ўнлаб асарлар нашр этилган.

3. Маърифатпарварлик ҳаракати ва таълим-тарбия

XIX асрнинг бошларидан Бухородаги маърифатпарвар рухонийлари ва зиёилари орасида мадраса ва мактаб тизимига ҳамда исломдинига кириб қолганларни ислоҳ қилиш фикри пайдо бўла бошлайди. Шундай ислохат тарафдорларини маърифатпарварлар /жадидлар/, яъни янгилик тарафдорлари деб атай бошладилар. Ўша даврдан бошлаб бунга қарама-қарши бўлган оқимларни эса қадимистлар деб атай бошладилар. XIX асрларида бир қанча маърифатпарварлар Бухоро шаҳридаги 200 га яқин мадрасани ислоҳ қилиш ғоясини билан чиқдилар. Қадимистлар эса уларни кофарлик ва худосизликда айбладилар.

XIX асрнинг 50-60 йилларида диний ислохатчилик янада кучаяди. Бу даврдаги маърифатпарварлар мадраса ва мактабларни ислоҳ қилишни эмас балки ортиқча дарсларни олиб ташлаш тарафдорлари эдилар.

XIX аср охири – XX асрларнинг бошларида Туркистонда Чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўп жойларида маърифатпарварлар ҳаракати кучайиб кетди. Чунки улар аввалгидек ижтимоий хорлик, иқтисодий ва маданий қолоқлик шароитида яшаш мумкин эмасликларини тушуниб етишган эдилар. Нафақат Марказий Осиё, балки Россияда яшовчи халқлар ҳам ўз тақдирларини ўзгартириб, феодал тузумнинг негизларини парчалаб ташлаш орқали янги ҳаётга қадам қўйишлари мумкин эди. 1905 йили Россияда тўнтариш содир бўлди. Бу тўнтаришнинг асосий мақсади жамиятни демократлаштириш, саккиз соатлик иш кунини жорий этиш, деҳқонларга ер-мулкни бўлиб бериш эди. 1907 йил Эрон буржуа тушунтириш, 1908 йили Туркия буржуа тўнтариши, Марказий Осиёда маърифатпарварлик ҳаракатининг кучайишига ва расмийлашувига катта аҳамият касб этди.

Маърифатпарварлар жамиятни тўнтариш йўли билан эмас, ислохатлар йўли билан ривожлантиришни асосий вазифаси деб белгиладилар. Умуман улар инсонларни синфларга бўлиб ташлаш эмас, балки уларни қадимчилар билан ҳам иттифоқ қилиб, халқ ва келажак йўлида ишлаш, тинч-тотув яшаш ва ишлаши ғоясини илгари сурдилар.

Маърифатпарварлар 1906 йилдаёқ «Тараккий» деб номланган газета нашр эттирдилар ва ўз ғояларини тарқатдилар. Кейинчалик «Хуршид», «Шухрат» сингари янги газеталар нашр этирилди. Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида маърифатпарвар мактабларида диний илмлар билан биргаликда дунёвий илмлар ҳам кенг тарқатилган эди.

Маърифатпарварларнинг ҳаракат дастурлари қўйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган эди.

1. диний таассуф ва фанатизмга қарши кураш.
2. Феодал даври маориф тизимини ислоҳ қилиш, дунёвий билимларни онатилида ўқитишга мосланган янги мактабларни ташкил этиш.
3. Маърифатпарварлик ғояларини халқ оммасига етказиш ва адабий тилини ишлаб чиқиш халқ оммасига тушунарли бўлган адабиёт ва театрни яратиш.
4. Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ва мактабларда таҳсил олишига имконият яратиш.
5. Маҳаллий бойлар ва савдогар аҳолининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бир ҳуқуқда бўлиш ҳамда мустамлакачилик сиёсатини ислоҳ қилиш.

Асосий талаблари мана шундан иборат маърифатпарварлар учун илм ва маърифат ягона қурол бўлиб, улар шу қурол ёрдамида ўлкада ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқ эдилар.

Маърифатпарварлар ҳаракати савод чиқариш услубининг янгича шакллари ижод қилдилар. Улар томонидан математик, география, тарих, табиёт каби фанларнинг дарсликлари дастури ишлаб чиқилди.

Марказий Осиё жаҳид маърифатпарварларидан М.Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, С.Айний, Исҳоқхон Иброт, Шакурийлар маърифатпарвар ҳаракатининг асосчиларидир.

XX аср бошларидан 30 йиллар ўрталаригача Туркистон ва бутун Россия ижтимоий ҳаётида юз берган кўплаб воқеа ва ходисалар маърифатпарварларнинг оқими ҳаракати билан боғлиқдир.

1917 йил тўнтаришдан кейин маърифатпарварлар ўз қарашларини турли шаклларда давом эттирдилар. Улар ғоят мустаҳкам иймон эътиқодли бўлганликларидан ўз йўларидан қайтмадилар.

4. Туркистонда илғор маърифатпарварларнинг педагогик қарашлари

Туркистонда маърифатпарвар ҳаракати асосчиларидан бири, жаҳонга машҳур бўлган ўзбекнинг ягона жугрофияшуноси, улуғ педагог ва ахлоқшунос, юксак дидли журналист, Махмудхужа Бехбудий 1874 йил Самаркандда таваллуд топди.

Бехбудий Туркистонда маърифат мактабини ташкил этди ва шу мактабларни китоблар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди. У Самарканднинг эски шаҳарларида киротхора, кутубхона, уз ховлисида мактаб очди.

М.Бехбудий маърифатпарвар мактаблари учун дарслиklar ёзди. М-н: «Мутахтам жўғрофия умумий»/Қисқача умумий жўғрофия», «Қибатул-атфол» / «Болалар мактуби»/. Мухтараси тарихи ислом» / «Исломнинг қисқача тарихи/, «Амалёти ислом» ва бошқа китоблари дарслик сифатида ўқитилган. Бехбудийнинг очган мактабларида ўқитиш қуйдагича тартибда олиб борилад эди: «Мактаб 2 босқичдан иборат бўлиб 1-чи босқич – ибтидоий қисм, 2-босқичда – рушадия бўлиб, тунга тўрт синф-ибтидоий қисмни тамомлаганлар

ўтказилар эди. 1-чи босқичда 4 йил ўқитилади. Биринчи йилда : форсча ва арабча ҳамда ўқишни ўрганилган. 2-чи йилда: ҳафтияк, имом ва эътиқоддан дарс, форс, туркий ва араб тилида шеърлар ўқитилган. 3-чи йилда Қуръони Карим, ислом ибодати, тажвий, форс ва туркий тил пухта ўрганилган. 4-чи йилда: эса Калому шариф, форсий ва туркий назм ва наср, ахлоқ дарси туркий ва форсий тил.ҳисоб, тарих ва жўғрофия ўқитилган. Бу тўрт синфни тамомлаганларни муаллим ўзи тақсимлаган. Хохласа 2-босқичга қолдирар эди.

Мактабнинг 2-босқичида эса 1- йили араб тили, жўғрофия, форс ёзуви ва ҳақозалар. 3-йили араб тили, ҳисоб, хат ёзуви, тарих, туркий тил, рус тили ўқитилган, 4- йил араб тили турк тили ва адабиёти, саломатлик, мактаб ва ҳаёт, ишқ ва муҳаббатсиз ахлоқ ва бошқа кўпгина ҳаётий дарслар ўқитилган.

Бехбудий мактабининг ҳар йилнинг сўнгида ўтказилар эди. Имтиҳонларга ота-оналар ва бошқа меҳмонлар таклиф этилар эди. Бехбудий бутун вужуди билан муаллим эди. У таълим ва тарбия ва унинг муаммолари тўғрисида асарлар ёзди. М-н: «Иймон ва ислом», «Хуррият-озодлик-эркинлик», «Тахсил ойи», «Ватанпарварлик керак», «Бизга ислоҳ керак» ва бошқалар.

Бехбудий Туркистоннинг келажагини унинг янги кадрларида, мутахассисларида ва ўқимишли ёшларда деб биларди. Шунинг учун ҳар бир ёзган мақоласида янги тараққиётга жавоб берадиган кадрларни тарбиялаб етиштириш масаласини кўярди. Шундагина ўн йиллар орасида бизда яхши-яхши ўқимишли муҳандис, шифокор, ҳуқуқшунос, иқтисодчи каби мутахассислар етишиб чиқади, деган умид қилади.

Таянч иборалар:

1. *Диний мактаблар, XX аср бошларида мадрасалар.*
2. *Мусулмон мактабларини ислоҳ қилиниши.*
3. *Жадидчилик ҳаракати.*
4. *Чоризимнинг мактаб соҳасига сиесати.*
5. *Маржоний.*

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мактаб ва мадрасалардаги таълим тарбиянинг ахволи.
2. Маржонийнинг мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги дастурида қандай масалалар кутарилган?
3. Жадидчилик ҳаракати вакилларикимлар, уларнинг талаби нима эди?
4. Янги усул ва рус тузем мактаблари асослари.

Адабиётлар:

1. К.Хошимов "Педагогика тарихи" Т. "Ўқитувчи" 1997 йил.
2. И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиев "Педагогика курси" Т."Ўқитувчи" 1997 йил.

16 - мавзу: XX аср педагогикаси

РЕЖА :

1. *Шўро хокимиятининг дастлабки йилларида маориф ва педагогик фикрлар.*
2. *Иккинчи жаҳон уриши ва уришдан кегинги йилларда халқ маорифи ва педагогик фикрлар.*
3. *XX асрнинг 70-80 йилларида Ўзбекистон халқ таълими равнақи.*
4. *Туркистонда диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикрлар тараққиёти.*
5. *Туркистонда чоризм мактаби сиесатининг бошланиши. Рус тузем мактаби.*
6. *Туркистонда Жадидчилик маърифати ва таълим тарбия.*

1917 йил тунтаришидан сунг Марказий Осиёда 3 та давлат (Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонлиги) урнида янги йуналишдаги мафкурага асосланган республикалар (Туркистон Мухтор Жумхурияти, Бухоро халқ Республикаси, Хива халқ Республикаси) ташкил топди. Янги Шўро Хукумати аввалги таълим тизими, ўқув-тарбиявий ишларни ислох қилиш, халқ маорифи тизимининг янги шаклини жорий этиш юзасидан бир катор вазифаларни белгилаб берди. Бундай тадбирларни амалга ошириш Туркистонда Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 14 майдаги декрети асосида бошланди. Ягона Шўро "Меҳнат мактаби" халқ маорифи учун асосий негиз қилиб олинди. 1918 йил 20 январда "Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида"ги декретга асосланиб, муллалар вазиели дин ахлларининг мактабларда дарс беришига йул қўймаслик тўғрисида декрет қабул қилинди. Мазкур декретга мувофиқ аҳолининг барча табакалари болалари миллати, дини ва жинсидан қатъий назар мактаби текин ўқитилиши тўғрисида буйруқ чиқарилди. Туркистонда 1918 йил май ойининг бошида мактаб тубдан қайта курилди ва эълон қилинди.

1918 йил июнда Тошкентда маориф ходимларининг биринчи съезда очилди, унда халқ маорифи соҳасидаги ахвол муҳокама қилинди, қайта куриш тадбирлари белгиланди.

1918 йил декабрда Туркистон Республикаси халқ маорифи комиссарлиги буйруқ чиқариб, ҳамма мактабларда она тили ўқитиш тўғрисида катор қабул қилинди.

1918 йил августда Туркистон Республикасининг Марказий Ижроя Еомитети мактабларда ўқувчиларни уз она тилида ўқитишга утиш тўғрисида декрет чиқарди, бу улка халқлари миллий маданиятлари истиқболи учун хал килувчи аҳамият касб этди. Орадан уч ой утгач "Туркистон мактабларининг структураси тўғрисида Низом" чиқарилди.

1918 йил бахорига келиб республикада ишлаб турган мактаблар сони 330 тага етди.

1919-20 йилининг бошида мактаблар сони Фарғонада (вилоятида) 350 та, Сирдарё вилоятида 839 та, Самарканд вилоятида 216 та эди.

Мактабларни ташкил этишда маҳаллий аҳоли орасидан биринчи муаллим сифатида етишиб чиққан Ҳамза, Авлоний, Абдукодир Шукурый, Исматулла Рахматуллаев, Абдурауф Фитрат, Исхокхон Иброт, Т.Н.Кори Ниезий,

Тухтаназар Шермухамедов, Эргаш Комилов, Окилхон Шарофиддинов ва гу сингари зиелилар фаол қатнашдилар.

Кизларни ўқитиш учун алоҳида мактаблар очилди, бундай мактаблар 1920 йил бошида Тошкентда 12 та, Андижонда 2 таси очилган. Қўқонда шундай мактабларда ўзбек кизларидан 270 таси, киргиз кизларидан 13 таси уқир эди. Шундай қилиб, улкамизда янги мактаблар очилди ва маҳаллий аҳолидан миллий ўқитувчилар тайерлаш, миллий дарсликлар нашр этиш, Шуро мафкураси асосида таълим-тарбиявий жараенни амалга ошириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

1918 йил июнь ойида Тошкентда дорилмуаллимин очилди. (миллат ешларидан муамиллар институти).

1918-21 йилларда маҳаллий миллатдан 3 мингга яқин муаллим тайерланди.

1918 йилларда Туркистон шарқшунослик ишститути, Тимирязев номли билим юрти, Миллий хотин-кизлар учун билим юртлари очилди.

1921 йилда химия-фармакология институти, консерватория 6 та қишлоқ хўжалик техникуми ишга тушди. Булар орасида 1918 йил 21 апрелда ишга тутгаш Тошкентда очилган Туркистон Халқ Университети алоҳида аҳамият этади. Университетнинг Тошкентда эки шаҳарда, Андижон, Қўқон, Самарканд ва Жиззахда бўлимлари бор эди.

РСФСР Халқ Комисарлари Советининг 1920 йил 7 сентябрдаги декретига биноан Тошкент халқ университети негизида Туркистон давлат университети (Тош ДУ) ташкил этилди.

1920 йилларда Туркистон болаларининг 25% мактабда ўқитилар эди.

Ўқитувчи кадр тайерлашга катта эъбор берилди. 1925 йилда Ўзбекистон қишлоқларида ишлаб турган муаллимлар сони 2748 кишига етди. 1924-25 ўқув йилида халқ маорифи эҳтиёжларига 11,4 миллион сум еки республика бюджетнинг 24% сарфланди.

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОН ЎҒЛИ. /1878-1931/

Абдурашидхон Сотиболдихон олим ўғли Мунаввар Қори 1878 йили Тошкент шаҳрида дунёга келади.

Мунаввар Қори рус тузем мактабларига қарши чиқиб ўзининг янги Тошкентда «усули савтия» мактабини очди. У мактабни ўз ховлисида очди.

Мунаввар Қори 1909 йили Ўбайдулла Хўжаев, Абдулло Авлоний, Карим Норбеков ва бошқалар билан ҳамкорликда Тошкентлик бир бойнинг раислигида «жамияти хайрия» ташкил этади. Бу жамият орқали қашшоқ ва касалманд кишиларга, ўқувчиларга ёрдам кўрсатади, ҳамда Россия ва Туркиядаги олий ўқув юртларига талабалар юбориш билан ҳам шуғулланади.

Мунаввар Қори форс, араб, рус, турк тилларини мукамал билган. У кўп адибларнинг асарларини мутолаа қилган.

Мунаввар Қори 1971 йил май ойида тараққийпарвар мусулмон ёшлари ва руҳонийлари иштирокида ўтган қурултойда «Шўрои исломия» жамияти раисининг муовини этиб сайланди. Унинг атрофига илғор кишилар тўплана бошлади.

1918 йили Тошкентда «Турк учоғи»илмий-маданий жамият тузди. Бу жамият асосий мақсади Туркистон халқини маърифатли қилиб тарбиялаш, ҳамда санъат ва маданиятни ривожлантириш эди.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ

Абдулла Авлониининг ҳаёти ва ижодиёти: ижодкор, адиб, ўқитувчи, санъатшунос олим 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентдаги Мерганча маҳаласида туғилди. Оталари Миравлон ака ҳунармандчилик билан шуғулланар эдилар.

Абдулла Авлониий дастлабки бошланғич таълимни Ўқчидаги мадрасада. Сўнг Шаёхонтохурдаги Абдумаликбой мадрасада таҳсил олди. Авлониий таржимаи ҳолида шундай ёзган эди:

"1891 йилдан бошлаб фақат киш кунларида ўқиб бошқа фаслларда мардикор ишладим". У бўш вақтларида Навоий, Ғолиий, Саъдий Шерозийларни асарларини севиб ўқиб ўзи ҳам шеър ёзишга киришган эди. (проф. Б.Қосимовнинг изланишларига кўра ў даврда ёзган илк шеърлари бизгача етиб келмаган).

1904 йилдан бошлаб уни уни ижодий фаолиятида кескин ўзгаришлар вужудга келди:

у Миробод маҳаласида янги усул мактабини очди. Бу мактабда синф - дарс тартиби ўқувчилар жамоаси товуш фойдаланган ҳолда болаларни 6 ойда саводлари чиқар эди. Болаларни билимини аниқлаш мақсадида имтиҳон жорий этилган эди.

1905 йилдаги инқилобий ҳаракатлар натижасида Туркистонда "Тараққий", "Хуршид", "Тужжор" каби рўзмонлар пайдо бўлди. Авлониий ҳам ташаббус кўрсатиб, 1907 йил 4 декабрда "Шухрат" рўзномасининг биринчи сони босмадан чиқди. Авлониининг маърифатчилик фаолияти жараёнида ижтимоий ҳаёт ҳодисаларни таъсирида мақола ва шеърлари рўзномаларда босилиб чиқди. У шеърларида "ҳижрон" тахаллуси билан мақолаларини эса "мулла Абдулла", "Авлониий" ёки "Абдулла Авлониий" деб нашр этар эди. У 1913 йилдан бошлаб театрчилик ишлари билан шуғулланади. У биринчи "Туркистон" номли театр труппасини тузди. 1914-1915 йилларда театр труппаси Туркистонни бир қатор ўлкаларида ўз фаолиятларини намойиш қилдилар.

Абдулла Авлониининг ижодий фаолиятини ёшлар қалбида етказишда проф. А.Бобоҳон, проф. Б.Қосимов, Ф.Н.Маҳсумов, К.Ориповлар илмий изланишлари орқали етказдилар. Б.Қосимовнинг "излай, излай топганим", "Тошкент тонги", "Маърифат дарғалари", А.Бобоҳонов ва М.Маҳсумовларни "Абдулла Авлониий педагогик фаолияти", "Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ" асарини нашрга тайёрлашда ҳам хизматлари каттадир.

Абдулла Авлониий номи адабиётлаштирди. Уни ижодиётига атаб "Музей" таъсис этилди. Ёшлар ва бўлажак ўқитувчилар қалбида доим барҳаётдир.

Авлониий ва бошланғич таълим мазмуни ҳақида

Абдулла Авлониий бошланғич таълимнинг мазмунини миллат истиқболига қараб белгилайди. Унда инсонни миллий заруратга чорлайдиган

халқ яратган сўз санъатидаги дурдоналар ўз аксини топган. Унда инсон қалбига зиё нурларини берадиган аجدодларимиз мерослари асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, унда буюк сиймоларнинг асарлари ҳамда ўз каламига мансуб асарларидан ҳам фойдаланилади.

Абдулла Авлонийнинг болаларни ақлини пешловчи уларда ҳам фикрлаш ҳам инсоний гуруҳ фазилатларни тарбияловчи ғоясини очиб берувчи фикрларидан айрим намуналар келтирамиз. Бу мавзулар Авлоний ўзининг "Биринчи муаллим" дарслигида "Тақсим", "Икки девона", "Очкўзлик", "Ақли боғбон" ҳикоялари киритилган бўлиб, улар замона руҳига мослаштирилган.

Таянч иборалар:

1. Шўро мактаби.
2. Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисидаги декрет.
3. Меҳнат мактаби.
4. Ҳамза
5. А.Авлоний, Абдукодир Шукурий, Фитрат, Ибрat, Оқилхон Шарафуддинов.

Савол ва топшириқлар:

1. Шуро ҳукуматиғача мактабдаги ахвол қандай эди?
2. Ўқув тарбия тизими ислохати.
3. Ўқитувчи кадрлар тайерлашга эътибор.

Адабиётлар:

1. К.Хошимов "Педагогика тарихи" Т. "Ўқитувчи" 1997 йил.
2. А.К.Мунавваров "Педагогика" Т. "Ўқитувчи" 1996 йил.

17-мавзу: XX аср педагогикаси

РЕЖА

1. Ўзбекистонда дастлабки ўрта таълим мактабларининг ташкил этилиши ва ривожланиши.
2. Бошланғич ва ўрта мактабда ўқитиш мазмунининг такомиллашиб бориши.
3. Янги усул мактабларининг вужудга келиши.
4. Мактаб учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш тартиби, умумий мактаб тавсилининг истиқболи.

1. Халқ таълими тизимида (жумладан) муҳим уринни эгаллаган умумий таълим мактаблари республикамиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган бўлиб, давлатнинг мафкуравий, маданий вазифаларига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам республикамиз ҳуқуқмати, халқ таълими вазирлиги жойлардаги ҳокимиятлар ва жамоатчилик халқ таълими тизимини жумладан, умумий таълим мактабларини ривожлантириш, уларнинг тармоқларини кенгайтириш ва янги бинолар билан таъминлаш, укук моддий ва техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларни юқори билимга эга бўлган ўқитувчилар билан таъминлаш борасида бир катор тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Чунончи 1966 йилда собик СССР томонидан қабул қилинган "Умумий таълим мактабларини" янада ривожлантириш чоралари тўғрисида, 1972 йил 20 июлдаги "Ёшларни умумий ўрта таълимга утказишни тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида", шунингдек, "Қишлоқ умумий таълим мактабининг иш шароитини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида", "Мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 1972-1977 йиллар мобайнида қабул қилинган тарихий қарорлари асосида республикамизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Ёшларни умумий ўрта таълимга утказиш 1975 йилга келиб тугалланди.

Мазкур қарорларга асосан республикамизда меҳнат таълими ва тарбияси, айниқса, ижтимоий фойдалаи меҳнатни ҳамда ўқувчи-ёшларни касбга йуналтириш ишининг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди, ва у амалга оширилди.

Мактаб уз табиатига кура иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминловчи, уни сакловчи инсоният томонидан тупланган умум-инсоний маънавий бойликларни авлоддан-авлодга етказиб берувчи ва бойитувчи муҳим тармоқ ҳисобланади.

Таълим тарбия самарадорлигини иширишда ахлоқий, бадиий ва эстетик тарбия беришга алоҳида аҳамият берилади. Ўқувчиларда ёшлик чоғиданок жамоатчилик, ўзига ва бир-бирига талабчанлик, ҳаллолик ва ҳақгуйлик, саҳийлик каби хусусиятларни шакллантириш ҳар бир ўқитувчининг кундалик вазифасига айланмоғи зарур.

Жамиятнинг тубдан қайта қурилиши маорифнинг барча бугинларини мазмунан қайта тузилишини талаб этади.

Жумладан, мактабда таълим тарбия бериш ҳисобланган ўқувчилар ўзини бошқариш ташкилотлари фаолиятидаги расчиатчиликка совукконликка барҳам бериш, унинг иш мазмуни ва шакллари тубдан ўзгарутириш, ўқувчиларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини кондиришга хизмат қиладиган ўқувчиларнинг ихтиёрий жинслашган бирлашмаларига айлантириш кузда тутилади.

Халқ маорифини бошқариш, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга тўғри раҳбарлик қилиш, мактаб учун гамхурликни умум халқ ишига айлантириш мактабда ўқув тарбиявий ишларни самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидир.

2. Бошланғич ва ўрта мактабда ўқитиш мазмунининг такомиллашиб бориши. Урушлар даврида мактабларда тармоғи бирмунча қисқарган ўқувчилар сони ҳам шунга яраша камайган эди.

Уша йиллари янги мактаб бинолари қурилмаганлиги ва эски мактабларни уз вақтида бирдай ремонт қилинмаганлиги сабабли кўп мактаб бинолари ўқув жараёнини маромида ташкил этиш ва гигиена талабларига жавоб бермас эди.

Урушдан кейинги йилларда 1943 йилда очилган ишчи ва деҳқон ёшлари мактаблари тармоғи янада кенгайди. Урушдан кейинги тинч қурилиш даври мактаблардаги таълим мазмуни ва ўқитиш усулларини тубдан ўзгартирди.

1954-1955 йилда бошланғич ва ўрта мактаблар учун янги ўқув мактаблар дастурлари жорий этилди. Ва бу дастурга асосан I-IV синфларда меҳнат дарслари киритилди. V-VII синфларда устахонларда, ва ўқув-тажриба майдонларида амалий машғулоти, VIII-X синфларда машинасозлик, электроника ва қишлоқ хужалигига доир практикумлар утказиладиган бўлди.

Мана шундай катор маъсулиятли вазифаларни амалга оширишда педагог ходимларнинг танкилиги тобора сезила борди. Чунки барчага маълумки, ўқитувчиларнинг асосий қисми фронтга жалб этилганлиги қишлоқ хужалигининг муҳим тармоқларига тортилганлиги сабабли мамлакатда ўқитувчилар сони анча камайиб қолган эди.

Ўқитувчилар давр талабидан келиб чиқиб, замонавий ижодкорлик билан ишлай бошладилар. Ўқитувчилар таълим мазмунини ошириш билан бирга, тарбия бирлиги принципини таъминладилар. 1974 йилдан бошлаб бошланғич мактабда турт йиллик бошланғич таълимдан уч йиллик бошланғич таълимга утишни амалга оширди лекин бу тадбир ўқувчилар олаётган билимга салбий таъсир этгани йук. Туккиз етти йиллик мактаб ташкиллаб, умумий мажбурий саккиз йиллик таълим мактабига айлантирилди. Саккиз йиллик мактабни тамомлагач ўқувчилар.

1. тулик умумий таълим мактабларида (IX-X) синфларда.

2. ўқиш муддати 4-3 йиллик бўлган техникумларда ўқиши мумкин эди. умуман олганда халқ таълим соҳасида жумладан бошланғич ва ўрта мактаб таълим қурилишида жуда кўп ислохатлар утказди.

3. Янги усул мактабларининг вужудга келиши.

Янги усул мактабларини вужудга келиши Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг кўп хиссасини қушган.

Ўзбек халқининг тунгич педагоги, шоир, драматург, композитор Х.Х.Ниёзий 1889 йил 16 июлда Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди. Ҳамза ўзининг ўқишга бўлган зўр иштиёқи туфайли 12 ёшидаёқ тўла хат-саводли бўлиб етишди. 1906 йилда мадрасага кириб ўқий бошлади. Бирок, мадраса таълими Ҳамзани қаноатлантирмади. Шунга кўра у мустақил суратда Лутфий, Алишер Навоий, Гулҳаний Муқимий, Фурқат асарлари ўқиб урганди.

Ҳамза турмушга кўп кийинчиликларга дуч келади, илм-фанга ҳаваси зур бўлсада, кунгилдагидек ўқий олмайди.

Ҳамза 1911 йили Қўқоннинг Хожибек гузарига мактаб очиб, етим ва камбағал болаларни ўқитади, ўқувчилар учун "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби" ўқув қўлланмаларини яратади.

Х.Х.Ниёзий 20 йиллик ўқитувчилик фаолияти давомида ёшлар тарбияси масалаласида амалий ва назарий жиҳатдан муҳим ҳолатларни олға сурди.

Ҳамза ташкил этган мактаб чинакам халқ мактабларининг дастлабки намунаси эди. Ҳамза бу мактабда дунёвий фанларни ўқитади, ақлий-ахлоқий тарбияга алоҳида аҳамият беради.

Ҳамза республикасиз педагогик ривожига салмоқли ҳисса қўшган моҳир педагогик шоирдир. XX аср бошларида янги рус-тузем мактаблари ҳам улкан саводсизликни тугатишда, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалаларни бир мунча ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

XIX аср охири XX аср бош улканда кенг тарқалган "Янги усул" мактаблари ҳам ўзига ҳос тарихга эга. Бу мактабнинг хусусиятларидан бири шундай иборатки, бой ва камбағал болалар биргаликда ўқишлари мумкин.

4. Мактаб учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш тартиби, умумий мактаб тавсилининг истиқболи. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида жумладан, халқ таълими тизимида сунгги ун йилликларда катта ўзгаришлар юз берди. Республикада мактабгача тарбия муассалари ва мактаблар тармоғи ривожланди, ўқитувчилар ҳамда илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш жараёни такомиллашди.

Аммо кўп йиллар давомида собиқ Совет Республикаларида ва улканларида ягона педагогик тизим ҳукмронлик қилиб, таълим жараёни Марказда юбоирилган дарслик ва тавсиялар, ўқув режалар, дастурлар асосида ташкил этилди.

Она тили, ватан тарихи, географияси миллий урф-одат ва анъаналар эътибордан четда қилиб, болалар ота-боболар утмишидан беҳабар ўқитилди.

Республикаимизнинг истиқлолга эришуви натижасида ўзбек педагогикаси тарихида узок давр таққиланган, эътибордан четда қолган маданий меросга қизиқиш кучайди. Улардаги тарбия жараёнига таъбиқ этила бошланди. Янги мазмунли дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишда миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, улкан материалларидан кенг фойдаланилмоқда. Зур кечмишга боқиб келгуси кунни режалаштириш иборатлидир, утган кун тажрибаси ишончли манбадир.

Малакали педагогик кадрлар тайёрлашда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. XX асрнинг 80-йилларига қилиб республика умумий таълим мактабларида қарийиб 237 мингдан ортиқ ўқитувчи ёшларга таълим ва тарбия

бериш билан шуғулландилар., булардан 77,5% и олий маълумотга эгадир. 1981-1982 ўқув йили бошида эса 18 мингдан ортиқ ёш мутахассис маорифчилар сафига келиб қўшилди.

1981 йилда янгидан 5 та Кашшофлар уйи ва саройи, 12 та ёш табиатшунослар ва туристлар станцияси очилди, мактабдан ташқари муассасаларга тортилган болалар сони 440 мингдан ошди.

Мактабларда, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалардан педагогика ўқув юртларига таълим-тарбия жараёни яхшиланди. 1980-1981 йилининг ўқув якунларига кура, ўқувчиларнинг ўзлаштириши 99,95% ташкил этди.

Хукумат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятини такомиллаштиришга доимо эътибор бериб келди. Чунончи, педагогика ўқув юртларининг моддий-техника базасининг яхшиланганлиги туфайли 23 ихтисос бўйича ўқитувчилар тайёрлаш ишлари кучайтириб юборилди. Таълимнинг мазмунига аниқликлар киритилди. Ўқув дастурлари қайтадан тузилди, ўқувчиларни ортиқча маълумотлар билан банд этишдан, зўриқтиришдан холос этилди.

Таянч иборалар: Ўзбекистонда маориф тараққиётининг ижтимоий ва маълумот асослари бошланғич ва ўрта мактабда таълим тарбияни мазмуни, уруш ва урушдан кейинги даврлардаги мактабдаги ижтимоий илмий ахвол.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси ва халқ таълими вазирлиги "Умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш борасида қандай чорларни қўймоқда?
2. Бошланғич ва ўрта мактабда ўқитишнинг мазмуни
3. Янги усул мактабларини вужудга келишида ўзбек педагогларнинг роли?
4. "Янги усул" мактабларининг оддий мактабдан қандай ажралиб туради?
5. истиқлолдан сунг халқ таълими тизимида қандай ўзгаришлар берди?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Педагогика тарихи. К.Хошимов ва бошқалар. Т.1996 й.
2. С.Ражабов Халқ маорифи ва педагогика фанининг буюк алломалари. Ўқитувчи, Т. 1990 й.
3. Ражабов С.Р. "Тарбия ва ўқитиш ҳақида классик таъминот." Фан Т.1971 й.
4. К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Хасанов "Педагогика тарихи". Т., 1996

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни 1997й.
2. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". Т.: 1997 й.
3. И.А.Каримов "Буюк келажак сари". Т., "Ўзбекистон" 1998 й.
4. И.А.Каримов "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори". Т., 1998 й.
5. К.Хошимов "Ўзбек педагогикаси антологияси". Т., 1995 й.

18 - мавзу: Ўзбекистон мустақиллик даври педагогикаси

Р Е Ж А

1. *Мустақил Ўзбекистонда педагогика фанининг равнақ топиши*
2. *Таълим тизимини ислоҳ қилиш-давр талаби.*
3. *Таълим тизимини ислоҳ қилишдаги асосий йўналишлар.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.*
5. *Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари.*
6. *Таълим тизимини тузилиши.*
7. *И.А.Каримов асарларида, нутқ ва рисоаларда педагогик тадқиқотлар, уларнинг асосий йўналишлари ва натижалари.*
8. *Ўзбек халқнинг маърифий қадриятларидан таълим-тарбияда фойдаланиши.*
9. *И.А.Каримов асарларида маънавий тарбия.*

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 31 август нафақат Ўзбекистон учун балки тинчлик тарафдори бўлмиш барча демократик давлатлар учун аҳамиятли воқеа сифатида қабул қилинди. Шу йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳар йили 1 сентябрда мустақиллик куни байрамини нишонлайди.

Аввалам бор ислохатларнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги;
2. XX асрга ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчилик роли;
3. Қонуннинг устиворлиги.
4. Аҳолининг манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат.
5. Ислохатларни босқичма-босқич амалга оширилиши.

Ушбу беш асосий тамойил албатта педагогика фанинг ҳам кейинги ривожини белгилаб берувчи йўналишлар сифатида қаралиши керак. Чунки ана шу тамойил Ўзбекистон Республикасини мустақил, демократик давлат сифатида шаклланиши ва кейинги ривожланишини таъминловчи кучга эга. Демак, педагогика фани ўз лдига қўядиган мақсадлари ҳам ана шу тамойилларга ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Педагогика фани таълим - тарбия ишини шундай уюштириши керакки бу жараёнда қуйидаги хусусиятлар тарбиялансин:

- хур фикрлилик, миллий ифтихор, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик, ватанпарварлик, биродарлик ва ҳамкорлик, иймон ва эътиқод, ҳалоллик, ахлоқий поклик, ижодкорлик ва ташаббускорлик, тadbиркорлик ва ишбилармонлик.

Мустақиллик тарбиясининг шу йўналишлари - миллий ахлоқ-одобнинг таркибий қисмидир. Шунингдек, улар мустақиллик тарбиясининг асосини ташкил қилади. Зикр қилинган педагогик асослар халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда, халқни тарбиялашда муҳим роль ўйнаши табиий ҳолдир. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар қалби ва онгина сингдириш таълим-тарбиянинг турли шакл лари орқали амалга оширилади. Бунда қуйидаги вазифаларни назарда тутиш лозим:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафкурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;

- ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;

- мактаб, лицей, коллеж, институтларда ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;

- педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш.

Республикаимизнинг истиқлолга эришуви жамият ҳаётининг барча жабхаларида шу жумладан таълим-тарбия соҳасида ҳам ўз аксини топди. Ўзбек педагогикаси тарихида бурилиш даври, янгиланиш даври бошланади. Ўзбекистон Республикасидаги мустақил ҳукуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, уни интеллектуал-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб берди. Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий-илмий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: "Фуқаролар энди ижтимоий-иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкор ва ташкилотчисидир. Бундай янгича ёндашиш албутта педагогика фанини кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Энди педагогика фани фақат таълим-тарбия жараёнини назарий, методик-амалий таъминловчи эмас, комил инсонни шаклланиши, ривожланишини таъминлови кенг соҳаларни ўз ичига ола бошлади. Эндиликда педагогика фани ўз олдида янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифаларини қўйди. Шунинг учун ҳам янги таълим концепцияси қабул қилинди ва унда кейинги ривожлантиришларнинг барча йўналишлари қайта кўриб чиқилди. Кўп йиллар давомида педагогика сиёсатга хизмат қилиб келган ва унда маълум чегараланишларга амал қилишга мажбур бўлган бўлса, эндиликда у сиёсатдан холи бўлган ҳолда эркин фан сифатида ўз ривожланишини давом эттириш имкониятига эга бўлди. Ўзбек педагогикаси ўз миллий хусусиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлди."

Совет даврида ягона педагогик тизим ҳукмронлик қилиб, таълим жараёни марказдан юборилган дарслик ва тавсиялар, ўқув режалари, дастурлар асосида ташкил этилар эди.

Она тили, ватан тарихи, география, миллий урф-одат ва анъаналар эътибордан четда қолиб, болалар ота-боболар ўтмишидан беҳабар ўқитилар эди. Республикаимизнинг истиқлолга эришуви натижасида ўзбек педагогикаси ижодий ва миллий йўналишда эътиборли ўзгаришлар касб этди. Бой миллий маданий меърос ва авваллари эътибордан четда қолган илғор педагогик фикрлар Ўзбекистон педагогикасида ўз ўрнини топди ҳамда ўз вазифасини бажара бошлади. Янги мазмунли дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишда

миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, ўлка материалларидан кенг фойдаланила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига асосан "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда тасдиқланган умумий ўрта таълим мактаби тўғрисида муваққат Низоми ҳамда "Таълим тўғрисида"ги Қонуни таълим тизимини жиддий янгиланиши, ислоҳ қилишига асос бўлди. Олдинги қабул қилинган Қонунлардан 1930, 1949, 1958, 1973, 1984 йиллар фарқли улароқ, халқ таълими тизими тузилишининг қуйидаги янги тамойиллари жорий этилди:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда халқчиллиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида ҳар бир кишига миллат, динидан қатъи назар таълим олиши учун имконият яратилганлиги;
- давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;
- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устиворлиги;
- таянч (тўққиз синф даражасида) таълимнинг мажбурийлиги;
- таълим стандартларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув бўлишига асосланганлиги;
- таълим муассасаларида чет тилларини жиддий ўрганиш, дин тарихи, халқимиз тарихи, маданияти ва жаҳон маданиятини тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;
- таълим муассасаларининг турли сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳолилиги;
- амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклдаги таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлиги;
- билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;
- тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;
- педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш ва бошқалар.

Таълимни қуйидаги йўналишларда ислоҳ қилиш вазифалари белгилаб олинди:

- умуминсоний қадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборда тутган ҳолда таълим-тарбия мазмунини миллий муфкура, мустақил Ватан туйғуси асосида ўзгартириш ва такомиллаштириш;
- таълим самарадорлигини тинмай ошириш, жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш;
- вариатив ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар яратиш;
- билимдонлик ва истеъдодни қўллаб-қувватлаш;
- илғор тажрибаларга, ижодкор устозлар тажрибасига суяниш;
- синов ишлари олиб бориш, таълим-тарбияда илм-фан, техника ютуқларига суяниш;
- таълим тарбияда бош ислохатчи бўлган ўқитувчи, тарбиячиларнинг янги авлодни тайёрлашга киришиш;

- таълим муассасаларининг моддий-техника асосини мустахкамлаш, таълимни компьютерлаштириш, ўқув жараёнига янги педагогик технологияни олиб кириш;

- таълим тизимини, бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;
- ислоҳ ғояларини иложи борида вилоят, туман, мактаб педагогик жамоаларига тезроқ етказиш, сингдириш, амалга ошириш;
- ислохни босқичма-босқич, мавжуд, ўзини оқлаган услублардан воз кечмаган ҳолда амалга ошириб бориш.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқда, қаерда таълим ва тарбияга эътибор катта бўлса, ўша ерда тараққиёт, юксалиш бор. Шунинг учун республикамизнинг истиқболи узлуксиз таълимни қай даражада амалга оширилишига боғлиқ.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тарққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор соҳадир.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълимнинг устиворлиги - унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфўзи;

- таълимнинг демократлашуви - таълим ва тарбия услубларининг танланишида ўқув юртлирини мустақиллигини кенгайтириш, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

- таълимнинг инсонпарварлашуви - инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устиворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф муҳим ўзаро муносабатларининг уйғунлашувчи;

- таълимнинг ижтимоийлашуви - таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрларни шакллантириш;

- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги - таълим миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётининг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама комил топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

- иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар.

Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфўзини ошириш;

- давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

- таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта кўриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълимини дастурларини тубдан ўзгартириш;

- мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

- махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларни вужудга келтириш;

- илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- миллий мустақиллик принципларини ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устиворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш;

- таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамият бошқаруви шакллари ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

- таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жаҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

- таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатида холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

- таълим тизимини молиявий, моддий-техник ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

- узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

- туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

- таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария - гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб боориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларнинг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хослиги мустақил равишда тўққиз йиллик умумий ўрта ҳам уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурларига изчил ўтилишни таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (1-4 синф), умумий ўрта таълим (1-9 синфлар), ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

Касб-хунар таълими дастурлари ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий (бакалавриат, магистратура) таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимини, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

Мактабгача таълим Ўзбекистон халқ таълими тизимидаги биринчи босқичдир. Бу босқичда хилма-хил тоифадаги турлича муассасаларни кўриш мумкин. Яъни яслилар, болалар боғчалари, соғломлаштириш боғчалари, ақлий, жисмоний жиҳатдан нуқсонли болалар боғчалари, хонадон боғчалари мавжуд.

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизмида асосий буғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билимлар олишини, меҳнат таълими, бошланғич касб кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

Умумий таълим "Таълим туғрисида"ги қонуннинг 9-бандига мувофиқ уч босқичдан иборат:

- бошланғич таълим (1-4 синфлар);
- таянч таълим (5-9 синфлар);
- ўрта таълим (10-11-12 синфлар);

Таълим ҳақидаги давлат сиёсатининг асосий моҳияти таянч таълимнинг (тўққиз йиллик) мажбурийлигидир.

Ўрта махсус таълим (академик лицей, касб-хунар коллежлари) уч уч йиллик муддатни ўз ичига олади.

Олий таълим табақалаштирилган бўлиб:

Биринчи босқич-бакалавр;

Иккинчи босқич магистратурадан иборат;

Олий ўқув юртидан кейинги таълим: Асперантура, докторантура, тадқиқотчи кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоғи.

Мактабдан ташқари таълим

Таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб у бошланғич ва танч мактабларда 1995-1996 ўқув йилларигача, ўрта мактабларда эса, 1998-1999 ўқув йиллига қадар жорий этилиши керак. Сўнгра олийгоҳлар учун стандартлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури "Таълим туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳолда юксак умумий ва касбкор маданиятига, ижодий ҳамда ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳайтда мастақил равишда мулжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазиларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларни янга авлодни шакллантиришга йўналтирилгандир. Ўзбекистон Республикаси давлат мутақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмуни қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди. Янги ўқув режалари, дастурларни, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таълимотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларни аттестациядан ўтказишни ва акредитациялашни, янги типдаги таълим муассаларни ташкил этишни тақозо этди.

Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожлана бошлади. Ҳозирги кунда 238 та лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. "Иқтисодий таълим", "Қишлоқ мактаби", "Ривожланишда нуқсони бўлган болаларни тиклаш" ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73% олий маълумотлидир.

Меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан, 209 касб-ҳунар мактаби, 180 касб-ҳунар лицейи ва 53 бизнес мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-ҳунар таълими ўқув юртларида қарийб 20минг ўқитувчи ва малкали мутахиссислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-ҳунар таълим ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон олий мактаби тизми 58 олий ўқув юртини, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади. Уларда 164 минг талаба таълим олмоқда. 16 университетнинг ўн икkitаси Ўзбекистон мутақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий таълимни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилди.

Ислох қилиш омиллари

Кадрлар тайёрлаш тизмини тубдан ислох қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

- республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;
- мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишидаги рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятини кенгаётганлиги;

- давлат ижтимоий сиёсатида шахс маданияти ва таълим устиворлиги қарор топганлиги;

- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

- Ўзбекистоннинг жаҳог ҳам жамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрусининг мустахкамланиб бораётганлиги.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши ҳам кўзда тутилган:

- Биринчи босқич - (1997-2001 йиллар) - мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимини ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислох қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий жиҳатдан, илмий услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

- Иккинчи босқич - (2001-2005 йиллар) - миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқлик киритиш.

- Учинчи босқич - (2005 ва ундан кейинги йиллар) - тўпланган тажриба таҳлил қилиниши ва умумлаштирилиши асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Ўтказиладиган ислохатлар, самарали тажрибалар республикада таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш даври талаби эканлиги, бу ишни кечиктирмай амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Таълим стандартлари воситасида талабадаги маълумотлилик даражаси мувозанати сақланади, ривожлантирилади, жамият тараққиёти истиқболлари мувофиқлиги таъминланади. Давлат таълим стандартлари ўқув жараёнини қатъий чегараланган қолипга солиб қуймайди, балки, аксинча педагогик ижодкорликка, таълим музминининг ягона негизи атрофида турли-туман табақалаштирилган дастурлар, ўқув қўлланмалари, ўқитиш услубиятларига катта йўл очади.

Таълимнинг мазмунига аниқликлар киритилди. Ўқув дастурлари қайтадан тузилди, ортиқча маълумотлар олиб ташланиб, таълимнинг методлари такомиллаштирилди. Ўқитувчилар меҳнатига табақалаштириб ҳақ тўлаш жорий этилди. Ўқитувчиларни таълим ва тарбияга оид бўлмаган ортиқча топшириқлардан халос этиш, қишлоқ мактабларига алоҳида эътибор бериш, мактаб учун ғамхўрликни умумхалқ ишига айлантириш каби масалалар кўриб чиқилди, ҳулоса қилиб айтганда таълим ислохати Ўзбекистоннинг кейинги раванқи юксалишининг гарови эканлиги аниқ экан, биз ушбу ислохатларни амалга оширишда яқдиллик билан иштирок этишимиз лозим.

Табиийки биз нафақат келажакни, балки бугунги кунимизни ҳам фан-техника тараққиётисиз тасаввур эта олмаймиз.

Мадомики, мустақиллик, истиқлол тақдири илмий-техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ экан, илму фан ахволига ва келажакига бефарқ қарай олмаймиз - дейди президентимиз И.А. Каримов. Мамлакат тараққиётида фундаментал фан муҳим ўрин тутди. Бу борада, яъни фундаментал фанни

ривожлантириш учун бизда яхшигина тажриба ва имкониятлар мавжуд. Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қлсак, тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайди, кўп ҳосил беради.

И.А.Каримов 1994 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқида шундай деди:

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас. Мустақилликнинг ўтган уч йили мобайнида ижтимоий фанлар соҳасида, айтиш мумкинки, бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Аммо, маънавият ва маърифат, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни кўплаб чоп этиш, айниқса маданий мерос билан бирга янгиланаётган бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмун-моҳиятини теранроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш муҳимдир. Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт-жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуқлиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фархланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак.

Бундай инсонни тарбиялаш ижтимоий фанлар, хусусан педагогика фанининг муқаддас бурчидир. Педагогика фани янгича иқтисодий дунёқарашни шакллантиришда фаол иштирок этиши лозим. Одамлардаги тайёргарлик, боқимандлик кайфиятларини йўқотиш ва ишбилармонлик, тадбиркорлик, ижодкорлик каби хусусиятларни ривожлантиришнинг йўналишлари ва методлари ишлаб чиқилиши зарур бўлиб қолди. Ҳозирги кунда олимлар, тарбияшунос мутахассислар, нашриётлар олдида рўзғор иқтисодини, жамоа ҳўжалиги корхона, муассаса ва ташкилотлар иқтисодини ва қолаверса, давлат иқтисодиётини юритиш, бошқариш бўйича тадқиқот ишлари билан шуғулланиш вазифалари турибди. Демак, тарбияшунослик фани иқтисодиётнинг сиёсатдан ва ҳар хил мафкурада устун туришини педагогик жиҳатдан ўрганиши, таҳлил қилиши ва бу соҳадаги буюк бурилишларни ёшлар онгига сингдиришга ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир.

Ўтиш давр жуда мураккаб жараён бўлиб бу даврда айниқса уюшқоқлик ва бир йўналишдаги ҳаракатлар талаб эитали. Бундай бир ёқадан бош чиқариб биргаликда ҳаракат қилиш эса фақат марказлашган бошқарув орқали амалга оширилиши мумкин. Бу туғрида Президентимиз И.А.Каримов жуда яхши таълимот беради: "Ўтиш даврида давлат жиливини қўлдан бермаслик керак. Шундагина у давлат бўла олади. Жилов қўлдан кетган жойларда ахвол қандай таянчли эканини ҳаммамиз кўриб турибмиз".

Президентимиз И.А.Каримовнинг иқтисодиёт ҳақидаги, давлатнинг бош истилохатчилик роли туғрисидаги доно фикр ва мулоҳазаларни педагогик жиҳатдан таҳлил ва талқин этиш ҳозирги куч ва келажак учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки яратилажак шу педагогик руҳдаги тадқиқотлар ёшларни янги

мустақиллик иқтисодиёти талаблари асосида тарбиялашда қўлланма ва йўлланма вазифасини ўтиши мумкин. Умуман давлатнинг бош ислохатчилик ролини ва унинг республикада амалга ошириладиган халқчилик демократик ўзгаришлар, ислохатларнинг доимий ва изчил ташаббускори эканини тушунтиришда таълим-тарбиянинг белгили ўрни ва роли албатта.

Ривожланган демократик давлатларда қонун устиворлигига алоҳида аҳамият берилади, чунки бу демократиянинг ажралмас бир қисмидир. Қонунлар турли мамлакатларда кўплаб қабул қилинади, аммо уларга амал қилиш ва шу қонунларнинг ишлаш даражаси ҳар хил. Бу қабул қилинган қонуннинг донолигига ва аҳолининг маънавий даражасига боғлиқ. Қайси мамлакатда аҳолиси юқори ҳуқуқий тарбияга эга бўлса ана шу диёрда қонун самарали иш беради. Биз қабул қилган қонун қанчалик пухта тайёрланган бўлмасин, ана шу қонунга амал қилиши лозим бўлган фуқароларнинг ҳуқуқий тарбияси паст даражада бўлса қуйилган мақсадга эришиш амри маҳолдир. Чунки қонунни ишлатувчи омил бу инсондир. Қабул қилинадиган қонунларни ишлашини таъминлаш учун биз ёшларда нисбатан ҳурмат, ҳуқуқий масъулият каби хис-туйғуларни тарбиялашимиз лозим. Бу масалани ечимини топишда ва ҳал этишда педагогика фанида илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштириш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш давр талабидир.

Ислохатнинг яна бир муҳим тамойили сифатида диққат-эътиборнинг ижтимоий сиёсатга қаратилган бежиз эмас. Бу туғрида И.А.Каримов шундай ёзади: "Ислохатларимизнинг муҳим тамойилларидан бири-аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта химоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишида ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир".

Ижтимоий сиёсатнинг устиворлиги қуйидаги маънавий, тарбиявий баркамоллик хусусиятларини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир:

- давлат ва ўз халқига ишонч;
- мустақиллик келажагига ва унинг устивор ишларига ҳамкор ва ҳамдам бўлиш;
- мустақиллик ва унинг мафкурасига эътиқод;
- мустақиллик равнақи йўлида холис хизмат қилиш;
- халқнинг маънавий-ахлоқий анъаналарини пухта ўрганиш ва уларга нисбатан садоқат;

Ижтимоий химоялаш сиёсати кишиларда меҳр-шавқат, ҳиммат, биродарлик каби ҳислатларни тарбиялашни тақозо этади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш сиёсати аста-секин асос яратиш ва сунъийликдан қочишга ёрдам беради. Бозор муносабатлари бу биринчи галда дунёқарашни ўзгаришидир. Янгича иқтисодий дунёқарашни сунъий равишда четдан келтириб бўлмайди, уни ўстириш ва шакллантириш лозим. Бунинг учун эса маълум ва қт талаб этилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, уни ҳеч қандай зиён кўрмасдан амалга ошириш мумкинлиги ҳақида олим А.Саидов шундай дейди: "Бозор иқтисодиётига ўтиш - куруқ мақсад эмас, балки биринчи навбатда халқ учун

муносиб ва фаровон ҳаётни таъминлаш воситасидир. Бу ерда Шарқ турмуш тарзини, психологиясини, фалсафасини, буюк ислом фанини ҳисобга олмоқ керак. Шунинг учун бизнинг асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзасиз, очлик-қашшоқлик кўрмасдан, кишиларга зиён-захмат етказмасдан ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига етиб келишдир".

Таълим-табия жараёнида мана шу тамойилни хусусиятларини ёшларга тўғри тушунтириб, талкин этиб бериш жуда муҳим. Токи улар шошмашошарлик қилиб, иқтисодий янгилашниш орқасидан қувиб, воқеаларни табиий ривожланишини издан чиқармасинлар.

Ўқувчиларда янгича моддий ва иқтисодий фаровонлик ҳақида туйғуларни тарбиялашга аҳамият бериш, эзгу мақсадга эришиш малакаларини вужудга келтириш ва такомиллаштириш, ҳалоллик ва фидойилик одобини тарбиялаш масалалари бугунги кунда педагогика фани олдида турган масаладир. Бу масалаларни ҳал этишда биз албатта маърифий қадриятларга мурожат этишимиз ва улардан самарали фойдаланишимиз лозим. Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақланиб, сайқал топиб келган ўз миллий урф одатлари, расм-русмлари ва анъаналари, ғурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги, эътиқоди, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий дунёси билан ажралиб туради. Буюк аждодларнинг умумбашарий маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар. Мустақиллик пойдеворининг таянчи халқимизнинг миллий-маънавий пойдевориға, маънавий пойдевори эса миллий истиқлол мафкурасини яратишга бориб тақалади. Бизнинг таълим-тарбия анъаналаримиз тарихи Авесто давриға бориб тақалади. У даврда ҳам тарбиянинг ўзига хос гўзал хусусиятлари, тажрибалари мавжуд бўлган, албатта. Лекин, уларнинг барчасида ҳалоллик одаби биринчи даражаға кўтарилган. Ҳалол инсонлар учун руҳсат қлинган ишлар, ҳатти-ҳаракатлар мажмуаси, қолаверса, меҳнат эвазига топилган, шунингдек пок ва тоза озиқ овқатлардан. Ҳалоллик янада кенгроқ маъно касб этади. Ҳаёт ва турмушдаги ҳалоллик, ўзаро муомила-муносабатдаги ҳалоллик, оиладаги ҳалоллик, меҳнатдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотиқдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасидаги ҳалоллик ва шу кабилар.

Аждодларимиз ҳаром билан ҳалолни фарқлаш ва ҳаромдан ҳазар қилиш, ҳалолға доимо ошно бўлиш хусусида таълим берганлар. Масалан, сўфи Оллаёр ёзади: "Агар ул аттизим истаса ҳаром, яна ул нусхада битилди хома. Қиёмат кун дардгир этарлар. Ани шайтон билан занжир этарлар". Тасаввуф илми устаси ва шоир Сўфи Оллаёр бу сатрларда аҳли инсонни ҳаром-ҳариш кун кечиришға эмас, балки ҳалол яшашға, пок бўлишға даъват этади. Ҳадис илми таълим-тарбиянинг турли жабҳаларини қамраб олган. Улар тўғрилиқ, самимийлик, меҳр-оқибат, мардлик ва садоқат туйғуларини тарбиялашда катта аҳамиятға эга. Катталарға хурмат, кичикларға иззат каби хусусиятлар ўзбек халқининг азалий қадриятларидан биридир. Биз таълим-тарбия ишида ана шу маърифий қадриятлардан фойдаланишимиз айна муддаодир.

Маънавий ахлоқий тарбия тушунчаси кенг қамровлидир. Маънавий-ахлоқий баркамол инсон ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, ҳулла, бутун

оила аъзолари, кўни-қушнилари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуради; теварак атрофини ўраб олган инсонлар унга керак бўлгани сингари ўзи ҳам уларга керакли киши бўлишга интилади; одоб-ахлоқ, феъл-атворини ёқимли қилишни истайди: ота-боболаридан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлайди; миллий қадриятларни эъзозлайди ва уларга содиқ бўлиб қолади; ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғулари барқарор бўлади; ўзаро муомила - муносабатда ўрناк бўлишга мойил бўлади; бировнинг оғирин енгил қилишни одат қилади; умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган. Конституцияни ҳурмат қилади ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатади; Ватанни ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, ҳарбийватанпарварлик туйғулари билан яшайди; диёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилади; ваъдага вафоли бўлишни ўзига касб қилиб олади. Умуман олганда Ўзбекистонда жамиятни тубдан янги асосига қуриш ва униҳар томонлама ривожлантириш халқнинг дунёқараши, маънавияти билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда И.А. Каримов шундай ёзади: "Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртга асосий негизига асосланган. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- Ватанпарварлик.

Умуминсоний қадриятларга содиқлик, биринчидан, адолат ва тенгликда кўзга ташланади. Инсон қадр-қимматини баҳолашда ана шу адолат ва тенглик муҳим ролни бажарди. Инсон адолат ва тенгликка оилада, маҳаллада, истиқомат қилаётган жойида, жамоат орасида, ишхонада, таъминот жараёнида, савдо-содиқ шаҳобчаларида, ҳуллас, ҳар сонияда муҳтождир. Айниқса, раҳбар ходимларнинг меҳнаткашларга, маъмурий ва ҳуқуқий органларнинг одамларга бўлган муносабати ва қарашларида адолат ва тенглик янада равшан кўринади. Шунинг учун бу маслага жуда жиддий ёндошиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъиё назар, қонун олдида тенгдирлар".

Инсонпарварлик - бу, ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатларидир, дейди И.А.Каримов. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, қадр-қимматида, меҳр-оқибатида, шунингдек, диёнатда, ўзаро кўмаклашувида, ҳамдарликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва бахтидан севинишда, халқ бахти ва ютуқларидан фархланишда кўринади.

Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътиборни кучайтириш мустақил давлат ва халқнинг асосий мақсадидир. Бу хусусда И.А.Каримов халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир" деб таълим беради. Маънавий мерос, яъни маънавият

деганда, биринчи галда, миллий озодлик ва мустақиллик туйғусини тушунмоқ лозим. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

Ўзбек халқи умри бўйи меҳнатни улуғлаган ва бунга амалда риоя қилган. Бу халқ ҳозир ҳам меҳнатни севади, меҳнатсиз ҳаётни тасаввур қилолмайди. Ўзбекларнинг фидойи халқ экани ва меҳнатга ташналиги, уларга янги имкониятлар яратиб бериш хусусида И.А.Каримов ўз асарида шундай дейди: "Ўтказилаётган ислохотлар республика фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойилигини намоён этишда уларга янги имкониятлар очиб беради. Тобора кўпроқ кишилар иқтисодий мустақиллик кўрсатмоқдалар, ўз кучлари, қобилиятлари ва билимларини фойдали суратда қўллаш йўллари изламоқдалар. Ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга бўлган интилиш инсоннинг ғурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ҳар бир инсон ўзича такрорланмасдир. Жамият бу ўзига хосликни қўллаб-қувватлаб, сақлаб қолади, уни маданиятнинг янада баландроқ даражасига кўтарувчи янги фазилатларни мисқоллаб йиғади ва эга бўлади".

ХАЛҚ ТИЗИМИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Халқ таълими тизими деб муайян мамлакатнинг ички ва ташқи тараққиётига таъсир кўрсатувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим-тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

Таъли инсоният тажрибасини маълум томонларини, яъни ўқувчилар ижтимоий тараққиётининг ҳозирги талабаларига мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир.

Октябр тўнтаришдан ҳозирги давргача халқ таълими тизимида кўп ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 1929 йили араб графикасида имломиздан лотин графикаси, 1941 йилда эса Кирил графикаси ўтилди. Турли куринишидаги ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари очилди. Хунар техника таълим мактабалари кўпайтирилди.

Республикамиз учун 1958-1973-1984 йилларда халқ таълими тизими юзасидан қабул қилинган қарорлар муҳим аҳамият касб этди, лекин улар ушиб келаётган ёш авлоднинг халқ таълимига бўлган эҳтиёжини қондира олмади.

1991 йил 1 сентябрда республикамиз ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Истиқлол эълон қилинди.

Шу муносабат билан жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб биринчи навбатда мустақил республикамизнинг халқ таълими соҳасида ислохот утказиш масаласи кутарилди. Нихоят, Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июль қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни таълим тизимини жиддий янгилашга сабаб бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан фарқли уларок, халқ таълими тизими тузилишининг қуйидаги янги қоидалари жорий этилди ва бажарилиши мажбурий деб қайт этилди.

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократлиги.
2. Таълим тизимининг узликсизлиги ва изчиллиги.

3. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги.
4. Таълимда умуминсоний ва миллий-маънавий кадрятларнинг устиворлиги.
5. Давлат таълим стандартлари қондасида таълим ҳаммани олиши учун имконият яратилганлиги.
6. Таянч таълимнинг мажбурлилиги.
7. Таълим маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув.
8. Билимдонлик ва истедодни рағбатлантириш.
9. Таълим муассасаларида чет тилини ўрганиш, дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш.
10. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялари ва ижтимоий сиёсий ҳаракатларидан холи бўлиш.
11. Тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш.
12. Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш.
13. Амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликни барча шаклларида таълим муассасаларининг ҳуқуқлиги, уларни мустақиллиги.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан она тилини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан ташқари мустақиллик йилларида Лотин графикаси ёзувига босқичма-босқич ўтилмоқда. Айниқса, таълимни ислоҳ қилиш жараёнида Тест, Рейтинг усулларни кулланилиши икtidорли болаларни аниқлаш ва ўқитишда муҳим рол уйнайди. Мустақиллик йилларидаги муҳим воқиялардан бири яъни 1997 йил Олий Мажлиснинг IX сессиясида "Таълим турғисидаги" Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастур"ни қабул қилиниши бўлди. Бу асосида таълим тизими босқичма-босқич ислоҳ қилинади. Президентимиз

И. Каримов тасдиқлаганидек, "Ҳаётимизни ҳал қилувчи муҳим масалалар каторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талабига қутариш, баркамол авлодимиз келажагига дахлдор қонун-лоихалари ҳам бор"- деган эди.

Бу муҳим ҳужжатлар асосида таълим тизимида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу жараёнда, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқилади. Кадрлар тайёрлашни миллий модели яратилди. Ўрта махсус касб хунари таълими, узлуксиз таълимни бир тури сифатида янги таълим йўналишларини яъни академик лицей, касб-хунари коллежларини барпо қилди. Олий таълим ҳам икки босқичли, яъни бакалаврият ва магистратурада иборат қайта тузилди.

Бу ўзгаришлар педагогика таълимнинг ҳам назарий ҳам амалий муаммоларини илмий асосда ишлаб чиқишни, педагогикага доир замонавий илмий ишлар, дарсликлар, қўлланмалар яратилишни тақозо қилади.

Таянч иборалар:

1. Ислохат;
2. Ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
3. Таълимнинг узлуксизлиги.
4. Халқ таълими тизими

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мустақил Ўзбекистон педагогикаси ривожланишнинг қандай йўналишини танлаб олди?
2. Таълим тизимини ислох қилишнинг асосий йўналишларини айтиб беринг?
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари нимадан иборат?
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалий аҳамияти нимада?
5. Ҳозирги даврда таълим тизми қандай кўринишга эга?
6. Халқ таълими тизими деганда нимани тушунасиз?
7. Ўзбекистонда халқ таълими тизими қай ҳолда вужудга келган?
8. Кимлар янги мактабларни ташкил қилишда уз хиссаларини қўшган?
9. Нечанчи йилда "Таълим тўғрисидаги қонун" жорий этилади?
10. Халқ таълими тизими уз ичига қандай қоидаларни олган.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. "Педагогика" А.К.Мунавваров умумий тахрир остида.Т.1986 йил.
2. "Педагогика тарихи"К.Хошимов,С.Нишонова Т.1996 йил.
3. "Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни","Маърифат"журнали 1992 йил.
4. "Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни", "Маърифат" журнали 1997 йил.

19 - мавзу: XXI аср педагогикаси

РЕЖА

1. Ўзбекистонда таълим соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотлар ва педагогика фанининг концепцияси.
2. Мактабгача таълим ва 6 ёшли болаларни мактабга қабул қилиш муаммолари.
3. Болаларни педагогик-психологик таиҳис қилиш.
4. Ҳамкорлик ва бунёдкорлик педагогикаси.
5. Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 14 сентябрдаги «Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингни жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш» ҳақида 133-сонли буйруғи тўғрисида.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим - тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўрганиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурият сезила бошлади. Бу сиз жамиятимизни бирон-бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас эди. Ислохотларни тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларни савиясига, уларни замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига боғлиқдир. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён ўзоқ йиллар давомида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Шунинг учун ҳам бу оғир, маъсулиятли, аммо, ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам - бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик. Агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «Портлаш эффекти» га эришамиз.

Республикада «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ишлай бошлаганимизга кўп бўлгани йўқ. Шу давр ичида мазкур қонун ва дастурни жорий этиш учун нималар қилинди? Республика таълимида нималар ўзгарди? Нималарга эришилди? қандай вазифалар кўнгилдагидай бажарилмади? Олдинда ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган қандай долзарб муаммолар турибди? Шу масалаларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Аввало, таълим тараққиётининг барча жабҳаларида кўзланган бош мақсад - Республика таълимининг ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини миллий истиқлол ғоялари, талаблари асосида ташкил этиш, жамиятимиз қадам қўйяётган XXI аср таълимини тараққиёт, маънавий - маданий қарашлар руҳида бўлишни, энг муҳими, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган даражада бўлишини таъминлашдир. Шу мақсадларни амалга ошириш йўлида бажариладиган дастлабки ташкилий тадбирларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Авваламбор, бу икки қонунни таълим муассасалари амалиётига тадбиқ қилиш мақсадида алоҳида истиқбол дастури ишлаб чиқилиб, Вазирлик хайъати мажлисида тасдиқланди. Бу ҳужжатларнинг мақсад ва моҳияти барча воситлар орқали таълим муассасаларида, ота-оналар аҳоли ўртасида тушунтирилди. Таълимга оид меъёрий ҳужжатлар: концепциялар, давлат таълим стандартлари, талаблари, ўқув режалари ва дастурлари, Низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар юқоридаги икки қонун моддаларига мувофиқлаштирилди. Республикада узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи сифатида қаралади уларга болаларни мактаб босқичига маънавий руҳий, жисмоний тайёрлаб бериш ҳамда бошқа муҳим замонавий таълимий масалаларни ҳал этиш вазифаси юклатилди. Шу мақсадда «Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясига қўйилган давлат талаблари», «Болаларни ривожлантириш мактабга тайёрлаш таянч дастури» лойиҳаси ишлаб чиқилган.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» амалда тўққиз йиллик, яъни тўрт йиллик бошланғич, ҳамда 5-9 синфлардан иборат мажбурий умумий ўрта таълим тизими белгилади. 9 йиллик умумий ўрта таълим мактабини битирганлар ихтиёрий-мажбурий бўлган 3 йиллик академик лицей, касб-хунар коллежларида таълим оладилар ва касб-хунар эгаллайдилар. Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон тарихи», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари», «Иқтисодий билим асослари» каби янги ўқув фанлари умумий ўрта таълим мактабларининг дарс жадвалларига киритилди. Табиийки таълим тизимига мувофиқ ўқув режалари ва дастурлари ҳам тубдан ўзгариши, 9 йиллик умумий ўрта таълимдаги ўқув дастурлари академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув дастурларига мувофиқлаштирилиши зарур. Халқ таълими бошқаруви органларининг мутахассислари, олимлари, амалиётчи ўқитучилар ва методистларнинг саъийн ҳаракатлари бирлаштирилиб, умумий ўрта таълим мактаблар учун 24 та ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Улар 1998-1999 ўқув йилида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарори билан Республиканинг турли ҳудудларида ташкил этилган 24 та мактабда тажриба синовидан ўтказилди.

Нихоят, 1999 йил 16 августда Вазирлар Маҳкамаси ўзининг «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 390-сонли қарори билан ўтказилган ва такомиллаштирилган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлади. Давлат таълим стандартлари янги ўқув дастури билан биргаликда 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларида босқичма-босқич жорий этилди.

Илғор педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Кейинги 2-3 йил ичида ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини рейтинг асосида назорат қилиш, мактаб битирувчиларини якуний аттестациясини компьютер ёрдамида тест орқали амалга ошириш, таълим амалиётини диагностик таҳлил этиш, болаларни мактабга тайёрлаш, умумий таълим муассасаларида маркетинг тазимидан фойдаланиш каби қатор педагогик

янгиликлар муайян муддатларда тажриба синовидан ўтказилиб, маҳаллий шароит ва имкониятларига мослаштирилган ҳолда жорий этилаётир.

Мустақиллик йилларида таълимни ахборот технологиялари, компьютерлар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилди. Бугунги кунга келиб, Республикада мактабларнинг 49% да компьютер синфлари жиҳозланди.

Турли таълимий ахборотларни жойларга тезкор етказиш мақсадида Модем, ахборотларини олиш ва тузатиш бўйича Интернет тизимига ўтиш таъминланди ва ҳозирда бу тизим такомиллаштирилмоқда.

Республикамиз ўз мустақиллигига эришгач таълим бўйича халқаро ҳамкорлик учун ҳам кенг йўл очилди. Бугунги кунда халқ таълими Вазирлиги АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Голландия, Туркия, Корея, Швецария ва бошқа давлатлар билан, шунингдек, АҚШ тинчлик корпуси ҳамда таълим ва тил ўрганиш бўйича АКСЕЛС ташкилоти, Германиянинг Гёте институти ҳамда ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчи хоналар ва кўплаб нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Тинчлик корпусининг 400 дан ортиқ кўнгиллилари мамлакатимиз таълим муассасаларида инглиз тилини ҳамда компьютер техникасини болаларга ўргатиш бўйича бизга беминнат ёрдам бермоқдалар. 2000 йилдан бошлаб бундай кўнгиллилар гуруҳи Япониядан ҳам келиши кутилмоқда.

Мана олти йиллирдики таълим ва тил ўрганиш бўйича АКСЕЛС ташкилотининг кўп босқичли танловларида ғолиб чиққан 400 дан ортиқ ўқувчилар АҚШ да ўқиб қайтдилар.

Республикамиз мактабларининг ўқувчилари хорижий мамлакатларда ўтказилаётган фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашмоқдалар. 1998-1999 ва 1999-2000 ўқув йилида 36 ўқувчимиз жаҳон фан олимпиадаларининг ғолиби бўлдилар.

Президентимизнинг ғамхўрликлари туфайли республика ва фан олимпиадаларининг ҳамда ўқувчилар спартакиадасининг якуний босқичи ғолиблари тегишли олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинмоқда, масалан 1999 йилда Республика фан олимпиадасининг 50 нафар ғолиблари, 36 ҳалқаро фан олимпиадасининг ғолиблари, Республика стандартларининг 29 ғолиби ана шундай имтиёзга эга бўлдилар.

Кейинги йилларда ривожланган хорижий мамлакатлардаги мутахассислар билан ҳамкорликда хорижий тилларни ўрганиш ва таълимнинг бошқа соҳаларини такомиллаштириш бўйича семинарлар, анжуманлар, кенгашлар ўтказиш йўлга қўйилди. Улар билан ҳамкорликда ўқув дастурлари ва дарсликлар яратилмоқда. Осиё ривожланиш банки томонидан сифатли дарсликлар яратиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 409-сонли қарорининг қабул қилиниши республика Президенти ва ҳукуматининг кам таъминланган оналарнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун кўрсатилаётган ғамхўрлигини ёрқин ифодасидир.

Мана, 4 йилдирки умум таълим мактабларининг биринчи синфларига ўқишга келаётган ўқувчиларнинг барчаси тўла комплектдаги ўқув қуроллари ва дарсликлар билан бепул таъминланмоқдалар. 1999-2000 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган 671209 та ўқувчи ҳам шундай имтиёздан фойдаланди. Уларга 1260 млн. сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар берилди.

Мамлакатимизда халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, нихоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб этилаётганлиги юқорида баён этилди. Лекин ҳурматли Президентимиз «Истиқболимиз, иқболимиз кўзи билан қараганда, ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф ҳаражатларига назар ташласак ундан келадиган манфаат ҳар қандай ҳаражатларни қоплаши ва оқлаши муқаррар» деган сўзларида қатъий турибдилар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан таълим тарбия тизимида муаммолар камайди деган хулосалар чиқмайди. Хали таълимимизни миллий мустақиллик мафкураси талаблари ва руҳига мос дарсликларни янги авлодини яратиш, ҳозирги замон олғор педагогик технологияларни эгаллаш, хорижий тиллар, компьютер интернет сабоқларини пухта ўзлаштирган педагог кадрларни тайёрлаш, Республикамизда таълим индустриясини яратиш каби долзарб масалалар турибди. Бундай муаммоларни собитқадамлилик билан бартараф этиб таълим нуфўзини юксак чўққиларига олиб чиқиш юксак вазифамиздир.

Таълим соҳасида кўзлаган мақсадга эришишда узлуксиз таълим тизимда таълим тарбиявий ишлар самарадорлигидан оширишда «комил инсон», баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда педагогика фани концепцияси асосида иш олиб боришимиз зарур. Концепцияда ХХІ асрда педагогика фанининг ривожланиш истиқболлари кўзда тутилиб, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда асосан қўйидагиларга эътибор бериш назарда тутилади.

Педагогика фанини миллий педагогика сифатида таркиб топтириш, бюракратизм расмиятчилик иллатларидан қутилиши, жаҳон фанида юқори даражага кўтарилиши. Миллий мафкура, кадрлар тайёрлаш Миллий модели, бозор иқтисоди талаблари ва жаҳон фани тажрибалари асосида ўз методологияси, йўналишини тубдан ўзгартириш.

Педагогика тадқиқот методлогияси ва методикасини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини, инсоншунослик фанларни билан ҳамкорлигини ошириш, шахсни бир бутунликда ўрганиш ва уни шакллантириш методологиясини яратиш.

- Педагогик инвестициясини ривожлантириш, илғор педагогик технологияни, жаҳонда рақобат бардош лойиҳаларни ишлаб чиқиш, экстенция (Экспорт) ни кенгайтириш, педагогика ихтиро –инновацияларни бошқа мамлакатлар тажрибасида синаб кўриш.

- Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача бўлган педагогика тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк мутафаккирлар меросини ҳозирги давр мезонидида таҳлил қилиш, халқ педагогикаси, маънавий қадриятлар асосида қўлланмалар яратиш,

миллий педагогикада халқимизнинг тарбия борасидаги тажрибасини сингдириши, ундан фойдаланиши методикасини яратиши.

Педагогика фанлари тизими ва таркибини такомиллаштириши, ижтимоий педагогика соҳасида оила педагогикаси, маънавият-маърифат ишлар педагогикаси алоҳида фан сифатида таркиб топиши. Профессional педагогикада иқтидорли болаларни танлаш ва уларни ўқитиши, мактаб, лицей, коллеж, малака ошириши, олий ва хусусий ўқув юртларида таълим-тарбия ишларни ташкил этиши назарияси ва амалиётини такомиллаштириши.

Педагогика назарияси ва амалиётининг ўзаро боғлиқлиги, педагоглар оммасининг эркин ижодкорлигига шароит яратиши тажрибаларини ўрганиши ва оммалаштириши тизимини таркиб топтириши.

Фаннинг таркибида «шахсни шакллантириши жараёни», «педагогик технология», «таълим технологияси», «тарбия технологияси» масалаларини алоҳида ўрганиши.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида «юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиши».

- Халқимизнинг менталитети, миллий мафкура, бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, демократик фуқролик жамияти талаблари асосида мустақилликни мустаҳкамлаш, маънавий салоҳиятини ошириши, ҳар бир инсонни, ёш авлодни XXI аср шароитида бахтли яшашига тайёрлаш омилини ошириши.

- Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинлари кадрлар тайёрлаш миллий модели, жаҳон андозалари асосида такомиллаштириши; педагогик технология билан таъминлаш.

- Шахс ривожланиши жараёнининг қонуниятларини, шахс камолотининг биологик, ижтимоий педагогик омилини уларни ўзаро боғлиқлигини мукаммал ўрганиши, шарқона миждоз ва педагогик технологиянинг боғлиқлиги, ҳар бир индивид ва типик ҳусусиятли шахсни шакллантириши методикасини.

Соғлом авлод дастури асосида мактабгача ёшда бўлган боланинг ривожланиши мактабда бола ривожланишининг ўзвийлиги, тарбия ривожланиши концепциясини ишлаб чиқиши. Комил инсон - баркамол шахснинг ҳозирги давр мезони, сифатларини шакллантиришида инсоншунослик фанларини ўзаро боғлиқлигини яратиши.

- Инсон ўзлигини билиши, ўз-ўзини бошқара билиши, ўз-ўзини тарбиялаш, ҳар бир таълим-тарбия муассасида психологик-педагогик диагностика хизматини ташкил этиши.

- Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини методик таъминлаш, назарияни амалиёт билан бирлиги моделини яратиши.

- Таълимда маънавиятнинг устиворлиги, ўқитиши ва ўрганиши таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалар уйғунлиги, дидактик ва тарбиявий таъсир уйғунлиги моделини яратиши;

- Дидактик воситаларнинг таълимий-ташқилий ва кўлланиш услубиятини яратиши ва уларни такомиллаштириши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;

- Таълим бериш шаклларини такомиллаштириш синф дарс тизимини оптимал шароитга мос моделлаштириш, индивидуал таълим жараёнининг услубиятини яратиш;

- Таълим методларини такомиллаштириш, миллий таълим модели асосида педагогик технологияни яратиш;

- Жаҳон илгор тажрибалари асосида масофавий таълим-тарбиянинг мазмунини методларини уни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- Таълим тарбия тизимини бошқаришнинг педагогик таъминлаш уни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш, хусусий соҳани ривожлантириш кадрлар тайёрлашда рақобат муҳитини яратиш;

- Ўқув юрти мустақиллиги ва ташаббускорлигини таъминлаш механизминини ишлаб-чиқиш;

Тарбия жараёнлари қонуниятлари, тизими, мазмуни принциплари ва методларини такомиллаштириш.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури узлуксиз таълимга асос бўлди. Узлуксиз таълим мактабгача таълимдан бошланади.

Ҳозирги пайтда республикада 6742 та мактабгача таълим муассасасида 610 мингга яқин болалар тарбияланади. Бу жами болаларни 16,2 фоизини ташкил этади. Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш мақсадида ноанаънавий мактабгача таълим, таълим шахобчалари-хонадон боғчалари, шанба якшанбалик мактаблари, турли марказ ва гуруҳ ташкил этилмоқда. Жумладан ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган 210 та хонадон боғчалари 2100 та жажжиларни ўз бағрига олган. Шунда ҳам 16,2 фоиз кўрсаткични бир неча фоизга ошириш мумкин ҳолос.

Шунинг учун бу таълим турига алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳозирда болаларнинг мактабга тайёрлашга қаратилган «Учинчи минг йиллик боласи» таянч дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Дастур асосида тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам болага тарбия беришлари ва мактабга тайёрлашлари лозим. Бу борада ёрдам сифатида ота-оналар учун «Болангиз мактабга тайёрми?» қўлланмаси ҳам номердан чиқарилди. Ҳозирги кунда болалар 6-7 ёшдан мактабга қабул қилинади. Болани тиббий психологик, жимоний ва маданий жиҳатдан мактабга тайёрлигини ким аниқлайди?

Бу вазифа Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорига кўра туман, шаҳар халқ таълим бўлимлари қошида ташкил этилди. Ташҳис марказлари зиммасига юклантирилди. Бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда.

Агар бола 6 ёшда ҳар жиҳатдан мактаб таълимига тайёр бўлса, мактабга қабул қилиниб, унинг ривожланиши, дастур материалларини ўзлаштириш мактаб психологи томонидан доимо кузатиб, ўрганиб борилади.

Олти ёшли болани мактабда психологик мослашуви ва ривожланиш динамикаси ўзгариши бўйича тавсияни 1 декабр 2002 йил «Маърифат» газетасидан олиш мумкин.

Таълим соҳасида ташкил этилган ташҳис маркази ҳақида фикр юритилганда ўқувчи ёшларни касб-хунарга йўллаш масаласига эътибор

қаратилади. Ташҳис марказлари 9 синфни битираётган ўқувчиларга яъни таълим тури академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларига йўлланма берилади.

Болаларни касб-ҳунарга йўналтириш мактаб жамоаси ота-оналар ҳамкорлигида Ташҳис маркази раҳбарлигида амалга оширилади. Марказ ўқувчиларини қобилиятлари ва мойилликларини аниқлаш, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда тиббий-педагогик кўриклар ўтказиш, ўқувчиларга ва уларни ота-оналарига психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, мактаб ўқувчиларини қобилиятлари, касб-ҳунарга мойилликларни, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида маълум йўналиш танлашда ёрдамлашади ва тегишли тавсия берилади.

Таълим соҳасида амалга оширилган ижобий натижалар билан бирга камчиликларимиз ва муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Иккинчи босқичда амалга ошириладиган навбатдаги энг муҳим йўналишлар қуйидагилардан иборат.

1. Мактабгача таълим муассасалари тармоғини нодавлат ва ноанъанавий таълим муассасалари ҳисобига камайтириш.

2. 84,0 фоиз бола боғчаларига қатнамайди. Лекин уларни мактаб таълимига тайёрлиги зарур. Шу мақсадда болаларга бевосита оилада мақсадли йўналишда таълим-тарбия бериш учун шарт-шароитларни яратишимиз керак. Жумладан қўлланмалар, маълумотлар ва методик ишларни етказиш керак.

3. Мактабда барча ўқув фанлари бўйича дарсликларни янги авлодини яратиш, ўқувчиларни дарслик билан таъминлашни такомиллаштириш.

4. Педагогика соҳасида Илмий тадқиқот ишлари салоҳиятини ошириш илмий изланишларини таълим тарбия самарадорлигини оширишга йўналтириш.

5. Яқинда қабул қилинган ҳукумат қарори талаблари асосида компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш. «Интернет» ни халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш мақсадида 2001-2005 йилларга мўлжалланган маҳсус дастур ишлаб чиқариш ва жорий этиш.

6. Таълим жараёнини бошқарувчиси бўлган ўқувчиларни ДТС ва замон талаблари асосида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўйиш мақсадида малака ошириш тизимни тубдан ислоҳ қилиш, янгिलाш, мазкур мақсадлар учун чет эл инвестицияларини жалб этиш биринчи галдаги вазифалардандир.

Юқоридаги фикрлардан маълумки таълимни ислоҳ қилиш, унга янгиликларни олиб кириш, илғор педагогик технологияларни жорий этишдан мақсад янги онг, янги тафаккур эгаси, янги шахсни шакллантиришдир.

Таълимни ислоҳ қилиш борасида кўзга кўринадиган анчагина ишлар амалга оширилди. Лекин асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган муаммоларимиздан яна бири таълим тарбияда авторитар педагогика таъсиридан чиқа олмаётганимиздир.

Авторитар педагогика нима?

Авторитар педагогиканинг асосий хусусияти таълим тарбияда якка ҳокимлик, синф ўқувчининг ҳукмронлиги, буйруқбозлиги, зўравонлиги бўлиб, оилада эса асосан фарзанднинг тақдири ота-онанинг орзу-хаваслари асосида

белгиланади. Бола шахсининг қизиқишлари, унинг фикри, қобиляти ва ақл-заковати, хошиш-истаклари ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайди.

Айрим ўқитувчилар ўқувчиларни камситадилар, шахсига тегадилар, ҳақорат қиладилар, турли хил топшириқлар билан жазоламоқчи бўладилар, вақтни дарсни сўраш билан ўтқазиб, дарсда ўтилиши лозим бўлган янги мавзунини ўқиб ўрганиб келишинини уйга вазифа қилиб берадилар. Болаларга нисбатан ҳаддан ташқари каттиқ қўл, бемехр бўлиш, уларни арзимаган сабаб билан уришавериш, ўйламай нетмай ҳар хил кераксиз топшириқларни бериш, уларни қуруқ ижрочи ва роботларга айлантириб қўяди, дарсдан совитади, мактабдан безитади.

Ўқув дастурларида болаларнинг қизиқиши, таълим ва тарбия усуллари, ўқувчиларни ақлий ва ёш хусусиятлари ҳисобга олинмагани тақдирда ўқувчиларни таълим жараёнига мослашишлари қийин кечади. Айниқса, ўқитувчи болаларга инсон сифатида қарамаганда, уларни шахси ва шаънига ҳурматсизлик билан қараганда бу жараён мураккаблашади. Ана шу қайд қилинган камчиликлар бартараф этилмаса, ўқитувчи ва ота-оналарнинг болаларга кўрсатадиган салбий таъсири уларни ташвишли ҳолга солиб қўяди. Болалар кўрқоқ фақат бир қолипнинг ичида, ота-онадан, ўқитувчидан қочадиган дарсдан кетиб қолиб, мактабдан безадиган бўлиб қоладилар.

Мактабдаги муаммолардан яна бири дарс билан боғлиқ бўлиб, бола ҳаётининг мазмуни асосан дарс билан кечади. Дарсда асосий сиймо ўқитувчи. У ахборот бериш матнлари баён қилиш, тезроқ ўқитиш билан овора. Болалар эса суст тингловчи, улар театрдаги томошабин сингари ўқитувчининг дарсдаги фаолиятин томоша қилиб ўтирадилар. Уларда на масъулият, на жавобгарлик, на бурч ҳисси сезилади. Улар мустақил фикр юритиш, мушоҳада қилиш, амалий ҳулоса чиқаришдан йироқда бўладилар. Бундай ҳолат болалар учун албатта зерикарли бўлиб ўқувчилар кўнғироқни кўтарибдиган, вақт чўзилиб кетгандай бўлиб, ўқитувчининг кўз ўнгиде кўнғироққа қанча қолганини кутиб безовталанади. Ўқувчининг асосий мақсади дарсни ўтиб олишдир. Агар ўқувчида таълим жараёнига руҳий таъргарлик бўлмас экан, онда билишга нисбатан хошиш, қизиқиш, истак, мойиллик бўлмас экан, ўқитувчи минг ҳаракат қилса ҳам мақсадга эриша олмайди. Ўқувчи ўқитувчидан кўрқиб, синф раҳбари урушмаслиги учун, ота-онанинг танбехини эшитмаслиги учун дарсда ўтиришга ҳаракат қиладиди. Охир оқибат таълим жараёнининг бундай ташкил этилиши ўқувчини келажакдаги маънавий қиёфасини шаклланишига ўз таъсири кўрсатмай қолмайди.

Ўзбекистон келажакдаги ёшлар қўлида экан, педагогиканинг ҳозиргача сақланиб келадиган авторитарлик хусусиятидан вос кечиб, тараққиётимиз билан ҳамоханг бўлган замонавий педагогика талаблари асосида биз таълим тарбиявий ишларини ташкил этишимиз зарур. Ўзбекистонда педагогика фани тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келадиган педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Г.Йўлдошев бугунги кунда таълим жараёнига янгича ёндашиб ҳамкорлик педагогикасининг жорий этиш ва унинг заминида ўзлаштириш педагогикасига эришиш ва пировард натижа бунёдкорлик

педагогикасини йўлга қўйиш ҳақида илғор фикрларни илгари сурмоқда. Хўш, ҳамкорлик педагогикаси нима, у нима учун керак?

Ҳамкорлик педагогикасининг асосий мазмуни у ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлаштиришга қаратилади. Аниқроқ қилиб айтганда ўқувчига шахс сифатида, инсон сифатида муомала қилиш уни тушуниш, қизиқишларини, интилишларини, мойиллигини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш тушунилади.

«Болаликка буюк ҳурмат ва эҳтиром билан қараш лозим» - деган эди буюк мутафаккир Цвейг. Бу фикрда чуқур мазмун мужассамланган. Зеро, болаликка ҳурмат - жамиятимизнинг келажагига ҳурмат демакдир. Хақиқатдан ҳам болалар келажак ҳаётда мактаб парталарига тайёргарлик кўрадилар. Улар учун дунё синф хонадан бошланади. Синфда ўқитувчи ва ўқитувчининг асосий фаолияти дарс билан боғлиқ бўлиб, у ҳамкорлик асосида ташкил этилади! Дарс ўзи нима, дарсдаги ҳамкорлик қандай бўлади. Дарс ҳақида буюк чех педагоги Я.А.Коменскийнинг таърифи ҳаммамизга маълум. Аммо бизнинг Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирлар дарс сўзини ҳарфлар бўйича шундай талқин қилишган экан.

Д - доимий ҳаракат

А - азият

Р - риёзиёт (рейтинг, ДТС)

С - саёхат

Дарс жараёнида доимий ҳаракат ўқитувчи учун, ҳам, ўқувчи учун энг зарур бўлиб, икки томон ҳаракат қилсагина, улар муносабатга киришсагина, бир-бири билан ишонч асосидаги, ҳурмат ва энг муҳими инсонийлик нуктаи назаридан ҳамкорлик ўрнатиладиган, бир бирини қўллаб қувватлайдиган мақсадга эришиш мумкин.

Мақсад эса ягона, ўқитувчи ўқувчисини яхшироқ ўрганиш, ўқувчи яхшироқ ўзлаштиришдир. Демак, ҳар иккала томон ҳам доимо ҳаракатда, изланишда, ўрганишда бўлсагина, дарс ҳақиқий бўлади. Шундагина шахсни шаклланишида дарснинг таъсири бўлади.

Азият сўзининг берилиш ҳам чуқур маъно бор. Ақлий фаолият бу катта куч - ғайрат, иродани жамлаш, кўпгина, хўзр-халоватдан воз кечишга ўзини мажбур қила билишни талаб этадиган меҳнат эканлигидир. Тиришқоқлик иродавий куч худди шундай куч шу муҳитда шакл топади. Эришилган натижаларга танқидий қарашга ўрганган, ўз ишидан кўникмай, уни яхшироқ бажаришга уриниб кўрган бола ҳеч қачон танбал бўлмайди. Хадисда «Билим олиш игна билан қудуқ қазиш» - деб алоҳида таъкидланган.

Риёзиёт сўзи ҳисоб - китоб маъносида қўлланилган бўлиб, дарсда таълим жараёнида нимага эришилди, нималар пухталики билан ўзлаштирилса, яна нимага эътибор бериш лозимлигини назарда тутилган. Аниқроқ қилиб айтсак бу бугунги рейтингга тўғри келади, ДТС ни бажарилишини назорат қилади. Ўқувчилар ўз билимини, назорат қилади, ўртоқларига баҳо беради. Юқорироқ балл олишга ҳаракат қилади, ўқитувчининг рағбатлантириши унга қанот беради, у яна интилади. Бу эса ўқувчи шахсини маънавий шаклланишида жуда катта рол ўйнайди. Саёхат - бу реал ҳаёт. Бугунги кундаги асосий талаб ҳамма дарсни

ҳаёт билан боғлашдир. Саёҳатда болалар дарслик билан амалиётни боғлайдилар, таҳлил қиладилар, таққослайдилар, солиштирадилар, хулоса қилишга ўрганадилар, мантикий фикр юритадилар.

Саёҳат ақл дарси, фикр юритиш дарсидир. Саёҳатнинг ютуғли томони шундайки, барча ўқувчилар саёҳатга қизиқадилар, хоҳлайдилар, интиладилар. Ҳақиқий ҳамкорлик саёҳатда амалга оширилади. Ўқувилар эркин, мустақил фикрлайдилар, ўқувчи билан ҳамкорлик асосида ҳаёт сабоғини оладилар. Ўқувчиларнинг бу хусиятидан ўқитувчи унумли фойдаланиши керак. Шу билан бирга бундай дарслар боланинг қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Лекин кейинги пайтда ўқитувчилар синфдан ташқарига чиқмай қуйишди. Тўғри синфхона дарс ўтиш учун мўлжалланган. Унинг ҳам ўзини ўрни бор. Реал ҳаётда кўриш мумкин бўлган нарсани сунъийлаштириб синфда дарс ўтгандан кўра ўқувчи ҳақиқий ҳаётда юзма-юз бўлиши албатта ҳаётни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчилар билан фақат синфда дарсда учрашадиган, ўзи ўқитувчи столнинг бу томонида бўлиб, ўқувчилар нариги томонида қоладиган ўқитувчи ҳеч қачон бола қалбини тушунмайди. Бундай педагоглар учун болаларнинг ҳис - туйғу ва интилишлари қулфлигича қолаверади. Кўп ўқитувчиларимизнинг хатоси шундаки, улар боланинг маънавий дунёсини фақат баҳолар-у, болалар билан ўлчайдилар ва баҳолайдилар, дарсни ўқиш ва ўқимаслигига қараб ҳамма ўқувчиларни икки тоифага бўладилар.

Тарбия - бу, аввало инсоншунослик, болани билмай туриб унинг ақлий ривожини, фикрлаш, қизиқишлари, интилишлари, қобилияти, имконияти, майилларини билмай туриб тарбия қилиш мумкин эмас.

Зеро, боланинг маънавий дунёсига кира билиш қобилияти ўқитувчининг ҳислатлари орасидаги биринчи ўринда турадиган энг ноёб ҳислатлардан биридир.

Юқоридагиларни хулоса қилиб айтиш мумкин-ки, ўқитуви билан ўқувчи орасидаги ҳамкорлик, ўзаро муносабатлар бир-бирини тушиниш, самимийлик, ишонч бўлмас экан, биз ўқувчини тўлақонли шахс сифатида шакллантира олмаймиз.

Бу ўз навбатида ўқувчи шахсини ўрганишини талаб қилаётганлигини юқорида алоҳида таъкидланган. Бунинг учун нима қилиш керак? Бугунги кунда педагогикадан ва психология фани соҳасида эришилаётган ютуқларга таянган ҳолда педагогик-психологик тренинглардан фойдаланиш ижобий натижалар бермоқда. Тренингларда, ўзаро муносабатлар шаклланади, жамоа аъзолари бир-бирлари билан мулоқатга киришадилар, маънавий яқинлашадилар, жамоа аъзоларида уюшқоқлик таъминланади, бир-бирини тушиниш, билиш ҳолати вужудга келади.

Шунингдек шахснинг билиш жараёнлари жумладан унинг диққати, хотираси, идроки, тафаккури, мулоқатмандлик қобилияти шаклланади. Тренингларни психологик моҳияти шундан иборатки, унда оддий мунозарада бахslashувчи кўпинча, онгли асосли фикрларини баён этишга ҳаракат қиладилар. Муҳими, тренингларда ҳеч ким ҳеч кимнинг устидан кулмайди, ҳеч ким ҳеч кимга кўрсатма бермайди, ўрганмайди. Шахс ўзини қандай бўлса

тренинг давомида ўзини шундайлигича табиий намоён қилади. Айниқса ўқитувчини тренингда ўқувчилар билан биргаликда иштирок этиши, ўқитувчининг ўқувчиларга янада яқинлаштиради, ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги совуқлик муносабатларига тўсиқ бўлган «Девор» олиб ташланиб, педагог ва бола ўртасида самимий муносабатлар ўрнатилади. Бу албатта таълим жараёнини ташкил этишда ижобий натижалар беради.

Демак, ҳамкорлик педагогикаси ўз-ўзидан бўлмас экан. Бунинг учун биринчи навбатда ўқитувчининг педагогик тайёргарлиги, ўзига хос муомила санъати бўлиши мумкин экан.

Албатта, ҳамкорлик ўзаро ҳурмати, қўллаб қуватланишини, рухий озукани ижобий муносабатларини, ўзаро ишонч, қониқиш, завқланиш каби ҳиссий ҳолатни вужудга келтиради, мақсад ҳам шу. Бу эса ўз навбатида таълимда ўзлаштиришини таъминлайди. Ўзлаштириш. Англаш, ўқиш, мустақил фикрлашни, ижодкорликни қўллаб қуватлаш ўқишга, билишга нисбатан, онгли муносабатни шакллантиради. Ўқувчи олдида мақсад қўя олади. Президентимиз таъкидлаганларидек «Элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган» шахс шаклланади. Мактабдаги таълим тарбия жараёни ўқувчи психологиясидан келиб чиқиб уни қониқтирсагина, унда мамнуният бўлади.

Уни мактаб ҳаёти ўзига тортади, уни қизиқтиради. У эртага қизиқиш билан интилиб хохлаб мактабга келади. Биз таълимда яна шунга эришимиз керак. Яъни ўқувчининг этиёжидан талабидан келиб чиқиб мактаб ҳаётининг мазмундорлигини ошириш керак. Ана ўшанда ҳамкорлик педагогикаси ўзлаштириш педагогикасини таъминласа ўзлаштириш эса ўқувчини ижодга чорлайди, у янги-янги нарсаларни ўйлайди, ўқитувчи билан бирга янгилик яратади. Бу эса бунёдкорлик яратувчанлик педагогикасини вужудга келтиради. Бугунги кунда келажаги буюк бўлган Ўзбекистонимиз учун ана шундай бунёдкор, яратувчан, ижодкор ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, таълим ходимларининг энг асосий бурчларидан биридир. Юртимизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқсак, бу юксак масъулият бугун педагогик йўналишдаги олий ўқув юр்தларининг ўқув режасига ҳамкорлик педагогикаси асослари фанини киритишни тақозо этади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бу албатта ўз самарасини беради. Кадрлар тайёрлаш сифатини ва салоҳиятини оширишни кафолатлайди.

Ўқувчилар билими ва кўникмаларини баҳолашнинг рейтинг усули тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида», 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарорларини изчиллик билан бажарилдишини йўлга қўйиш манфаатларини ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини рейтинг усули асосида тўғри ва оқилона амалга оширишни тақозо этади.

Ўқувчилар билимини баҳолашнинг беш балли тизими эскирганлиги, бугунги кунда таълим ислохотлари талабларига жавоб бера олмаганлиги учун

ҳам уни янги-илғор баҳолаш рейтинг услуби билан алмаштириш давр тақозосига айланди.

Хўш, нима сабабдан, қайси асосларга кўра 5 балли баҳолаш мезони ўзини оқламади, нима учун воз кечиш зарурати туғилди?

Биз бугун таълимни демократлаштириш, унинг инсонпарварлик томонлари қарор топиши ва мустахкамланиши тарафдоримиз. 5 балли баҳолаш тизими эса қаттиққўликни, ўқитувчи мустабидлигини, уни дарс жараёнида ҳоким, мутлақлигини таъминлашга хизмат қилиб келди. Демак, бу ерда талаб ва амалдаги адолат бир-бирига мос эмас.

Ўқитувчи томонидан содир этилган атнипатия-симпатия яъни ўқувчининг ёқтириши ва ёқтирмаслиги юқорида баён қилинган ҳолат жумласига киради.

Баҳолаш мезонининг такомиллашганлиги жуда кўп ҳолларда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ихтилоблар келиб чиқишга сабаб бўлиб қолади. Баҳолашга адолатсизлик таниш-билишчилик, ўзига ёқмаган ўқувчиларни эса камситиш, айрим ўзбошшимчаларни ўз ўрнига тушуриб қўйишни амалга оширишда хизмат қилади.

Энг асосий, ўқувчиларни умумий ўрта мактабларда олган аъло ва яхши баҳоларни Олий Ўқув юртларига кириш тест имтихонларини топширишда ҳужжат сифатида аҳамиятини йўқотди.

Бундан амалий ҳулосалар чиқариб, ўқувчилар билимини назорат қилиш, баҳолаш тизимига альтернатив меъзонлар топиш йўлида ўзоқ изланишлар олиб бордик, хорижий тажрибаларни ўргандик ва ниҳоят кўпгина ривожланган хорижий давлатлар амалиётида қўлланилиб келинаётган «Рейтинг» тизимининг педагогик имкониятларини Республикамиз таълим муассасаларида қўллаш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Энг аввало, рейтинг тўғрисида икки оғиз сўз, Рейтинг инглизча сўз бўлиб унинг луғавий маъноси инсон фаолиятидаги ижодий ва салбий томонларига ўзгаришларини англатади. Рейтинг аллақачон АҚШ да ўқувчилар билим ва кўникмаларига қўйиладиган баҳо сифатида қўлланилади.

Демак, рейтинг тизими ўқувчилар билими сифатини назорат қилиш тури, методи ва шакли бўлиб, унинг ёрдамида ўқув фани таълим стандартининг барча имкониятлари бўйича ўзлаштирган билимлар сифатини баҳолаш жараёнини таъминлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонуни. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ги 213-сонли қарорини бажара бориб Халқ таълими тизимида охириги беш йил давомида ўқувчиларни таълим тайёргарлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Беш йил ичида рейтинг тизими бир неча вариантлари синовдан ўтказилди. Синовлар натижасида Вазирликни ДТС мониторинги бошқармаси умумий раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва 1998 йил 10 сентябрдаги 172-сонли буйруқ билан тажриба синов ўтказиш учун тасдиқланган рейтинг модели таълим жараёнининг асосий педагогик мақсад ва вазифаларига ҳамда ДТС ни жорий

этиш билан боғлиқ талабларига бошқа рейтинг тизими моделларига нисбатан тўлароқ жавоб беради.

Бу рейтинг афзалликлари:

1. ДТСда белгиланган мажбурий таълим минимумларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини даражасини аниқ ўлчаш, ҳисобга олиш ва ҳолисона баҳолашга йўналтирилганлигадир.

2. Ўқувчилар билимидаги мавжуд камчиликларини (бўшлиқларни) аниқ ҳисобга олиш ҳамда шу асосда улар томонидан ўзлаштирилмаган билим ва кўникма малакаларини ҳар бир элементи бўйича тўлдириш малакаларини механизмининг мавжудлиги.

3. Ўқувчиларни ДТС да белгиланган мажбурий таълим минимумларининг юқори бўлган билимларини аниқлашга ва қайт этишга мўлжалланганлиги.

4. Ўқувчиларни ижодий қобилиятларини аниқлаш ривожлантириш механизмини мавжудлиги.

5. Ўқувчиларнинг ихтиёрий таълим фаоллигини, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш ва рағбатлантириш, таълим олишга қизиқишини уйғотишга йўналтирилганлиги ва бошқа бир қатор ўзига хос хусусиятларини мавжудлиги.

Рейтинг тизимини такомиллаштириш мақсадида ва уни босқичма-босқич амалиётга тадбиқ этиш учун белгиланган тартибда ва муддатларда тажриба синов майдонларини ташкил этилиб, ҳудудий таянч мактабларида рейтинг жараёни Низом талабларига қатъий амал қилган ҳолда жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчилри таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тизими моделининг ўзига хос хусусиятлари

Рейтингни амалга оширишни таъминловчи ва тартибга келтирувчи меъёрий ва услубий йўриқнома хужжатлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва ДТС талабларига қатъий риоя қилган, комплекс равишда ва марказлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиилди.

Рейтинг моделини услубий йўриқнома таъминотини қуйидагилар ташкил қилади:

1. Ўқув режа барча фанлар бўйича ишлаб чиқилган мажбурий стандартли текширув ишлари (МСТИ) нинг комплектлари.

2. Рейтинг тизимида назоратнинг алоҳида турлари ва шакллари ташкил бўйича услубий йўриқномалар.

3. Мактаб хужжатларини юритиш ва ўқувчилрни юритадиган хужжатларини тўлдириш тўғрисидаги тавсиялар.

4. Рейтинг тизими бўйича мактаб ички назоратини ташкил қилиш ва натижаларни таҳлил қилиш ҳақидаги тавсиялар.

5. Алоҳида иш турларини бажариш учун ўқувчилар учун йўриқномалар.

Юқоридаги номланган материалларнинг асосий қисми ҳозирги вақтда ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ХТВ нинг бешта синов тажриба майдонларида 1997-1998 ўқув йилдан бошлаб мувоффақиятли қўлланилмоқда.

II. Тавсия этилаётган ўқув режадаги барча фанлар бўйича ўқувчилар билимини баҳолашда оралиқ назоратни амалга ошириш учун қўлланилаётган текширув ишларини мажбурийлигини ва ягоналиги, стандартлаштиришни ва комплектлигини таъминлайди. Бунинг учун ўқувчилардан билим даражасини баҳолаш амалиётига мажбурий стандартли текширув ишлари (МСТИ) киритилади.

III. МСТИ комплектлари ҳар бир ўқув фани бўйича ДТС да кўрсатилган мажбурий таълим минимумлари ва тасдиқланган ўқув дастурлари асосида тузилади.

IV. Алоҳида олинган МСТИ ва уни комплектлари шундай тузилганки бунда тегишли чорак ёки ўқув йили давомида ДТС талабларига мувофиқ ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган таълим минимумлари (билим кўникма малакалар) нинг барча элементлари текширув билан қамраб олинган бўлади.

Бунда МСТИ ларнинг ҳар бирида ҳамда комплектида бундай элементларни аниқ сони, уларнинг рўйхати кўрсатилади.

V. Ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини асосий негизи бўлиб, стандартли рейтинг баллари (СРБ) ҳисобланади. СРБ ҳар бир ўқув фани бўйича алоҳида олинган МСТИ ларига мос равишда чораклар ва ўқув йилига аниқ белгилаб қўйилади. СРБ ўқувчиларни БКМ бўйича ДТС га мос бўлади.

VI. Ўтказилган ҳар МСТИ натижаларига кўра ўқувчига ДТС талаблари асосида ҳақиқатда ўзлаштирган БКМ элементлари сонига мос равишда текширув ишининг ҳақиқий бали (ТИХБ) қўйилади.

VII. МСТИ ни жорий этиш асосида ота-оналар фарзандининг ўзлаштириши ҳақида аниқ ўлчов сабабига эга бўлсалар, таълим муассасалари ДТС талабларини бажарилиши мониторингини амалга ошириш бўйича яхлит ягона воситага эга бўладилар.

VIII. Тавсия этилаётган моделда камчиликларни бартараф этиш механизми мавжуд бўлиб, бунда ўқувчиларнинг билимида бартараф этилган бўшлиқ ва камчиликлар тўлдирувчи баллар (ТБ) билан баҳоланади.

IX. Ҳамкорлик педагогикаси орқали стрессиз ўқитишни таъминловчи, ўқувчиларни таълим фаоллигини рағбатлантирувчи, уларда узлуксиз таълим олишга эҳтиёж ва ижобий муносабатни шакллантирувчи реал шарт-шароитлар яратилади. Шу вазифаларни сифатли ечиш учун мазкур рейтинг моделининг «жорий назорат» турида эркин баллар (ЭБ), махсус назорат турида қўшимча баллар (қБ) ва ижодий баллар (ИБ) қўлланилмоқда ва улар ўз натижасини бермоқда бу эса ДТС талабларини амалга ошириш имкониятини бермоқда.

X. Ушбу рейтинг модели 2-9 синфдаги барча ўқувчилар билимини баҳолаш ва назорат қилишини яхлит - ягона тизимини яратилишини таъминллайди.

XI. Рейтинг материаларининг яхлит ягона бўлган комплектлари барча мактабларга компьютер дискетлар орқали кўпайтириб етказилади.

XII. Мазкур моделнинг қўлланиши натижасида ўқитувчининг иш вақти тежалиб, ундан методик ишларда ва ижодий ишларда фойдаланиш мумкин.

ХIII. Таъкидлаш жоизки, ушбу модел ҳар бир ўқувчини бошланғич мактабдан таълим олаётган тўла курси бўйича ёки у УУТ ўқув режасидаги алоҳида фанлар тўла курси бўйича якуний рейтингини аниқлашга имкон беради.

Назорат турлари ва шакллари:

Оралиқ назорат - ОН

Жорий назорат - ЖН

Махсус назорат - МН

Босқичли назорат - БН

Якуний назорат - ЯН

Оралиқ назорат ДТС талабларидан келиб чиқиб сони аниқ белгиланган МСТИ ни киритиш орқали амалга оширилади.

ЖН эса ўқувчиларни билимлардаги бўшлиқлар пайдо бўлишини олдини олишва бартараф этиш мақсадида амалга ошириладиган мажбурий тўлдирувчи сўровлардир.

МН барча ўқувчилар учун мажбурий бўлмаган қўшимча топшириқлар ва ижодий ишларни ихтиёрий бажариш орқали уларни истак-хоҳишлари кўра ташкил этиллади.

БН (ички, ташқи назорат) ўқув йили якунида ёки зарурий ҳолларда чораклик, ярим йилликда тест, синов ва имтиҳон шаклида ўтказилади.

ЯН УУТ мактабларида таълимнинг тўла курси тугагандан сўнг давлат аттестацияси шаклида амалга оширилади.

Ўқувчиларни таълим тайёргарлиги даражасини рейтинг тизими амалиётга қўйидагича жорий этилади:

2001-2002 ўқув йилида тажриба-синов.

2002-2003 ўқув йилида 2-4 ва 5 синфлар оммавий ҳолда рейтинг тизимига ўтказилади.

2003-2004 ўқув йилида 6-сифлар, оммавий ҳолда рейтинг тизимига ўтказилади.

2004-2005 ўқув йилида 7-сифлар, оммавий ҳолда рейтинг тизимига ўтказилади.

2005-2006 ўқув йилида 8-сифлар, оммавий ҳолда рейтинг тизимига ўтказилади.

2006-2007 ўқув йилида 9-сифлар, оммавий ҳолда рейтинг тизимига ўтказилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар нималардан иборат?
2. Ислохотлардан мақсад нима?
3. Педагогика фани концепциясининг асосий мазмуни нимадан иборат?
4. «Портлаш эффекти»нинг самарасини қандай тушунасиш?
5. Иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар нималардан иборат?
6. Болаларни мактабга кабул қилишда ташхис марказининг вазифаси нимадан иборат?

7. Халқ педагогикасида «Дарс»нинг талқини?
8. Ўқувчилар билимини назорат қилишни рейтинг тизимининг афзаллиги нимада?
9. Рейтинг тизими асосида қандай назорат турларидан фойдаланилади?
10. Ҳамкорлик педагогикаси нима?
11. Бунёдкорлик педагогикаси деганда нимани тушунаси?
12. Психологик тренинг нима?

АДАБИЁТЛАР.

1. И. А. Каримов. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. Шарқ 1999 йил.
2. И. А. Каримов. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққётининг пойдевори. Тошкент - 1997 йил.
3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Тошкент ШАРҚ 1999 йил (Таълим тараққиёти, махсус сон)
4. Р. Мавлонова, О. Тўраева, К. Ҳоликбердиев. Педагогика. Тошкент - 2001 йил.
5. Ж. х. Йўлдошев. Таълимимиз истиқболи йўлида. Тошкент. Шарқ 1996 йил.
6. Е. И. Турсунов, У. Н. Нишоналиев. Педагогика курси. Тошкент Ўқитувчи. - 1997 йил.
7. Педагогика А. қ. Мунавваров таҳрири остида. Тошкент Ўқитувчи - 1996 йил.
8. Н.Р. ҳайбўллаев ва бошқалар Педагогика «Университет» Тошкент- 1999 йил.
9. Б. Зиёмуҳаммедов, Ш. Абдуллаева. Педагогика Тошкент - 2000
10. Ж. х. Йўлдошев, М.С. Яҳёев, Ф.М. Бисиева. Малака ошириш ва қайта тайёрлашни барча тоифа тингловчилари учун умумий бўлган «Педагогика масалалари» курси бўйича давлат талаблари, режа, ўқув дастур ва тестлар. Тошкент-2001
11. Р. Жўраев «Халқ таълими тараққиёт сари» «Маърифат» газетаси 27.06.2001.
12. «УЎТ мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ҳақида 133-сонли буйруғи. Янги тажриба - синов низоми тўғрисида». «Маърифат» газетаси 18 сентябр 2001 йил.
Олти ёшли болаларни мактабга қабул қилиш ҳақида. Болаларни мактабга тайёргарлик даражасини аниқлашга доир тавсиялар. «Маърифат» газетаси 12 декабрь 2001 йил.

